

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 37.091.12:005.963(575.1)

**МАЛЛАЕВА ОЗОДА МАХРАМОВНА**

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ  
ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илмий даражасини олиш учун ёзилган  
**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Маматкулов Давлатжон Махаматжонович**  
педагогика фанлари фалсафа доктори, доцент

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ. МАЛАКА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШ ТРАЕКТОРИЯСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ</b> .....	12
1.1-§ Малака ошириш тизимида индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тушунчаси ҳамда унинг назарий ва амалий жиҳатлари.....	12
1.2-§ Андрагогика таълими ва хаёт давомида ўқиш тамойили.....	25
1.3-§ Инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш шакллари ва моделлари.....	47
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	68
<b>II БОБ. ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ ТРАЕКТОРИЯСИ АСОСИДА МАЛАКА ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ</b>	72
2.1-§ Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланишида узлуксиз диагностиканинг аҳамияти.....	72
2.2-§ Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалаш.....	90
2.3-§ Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларини узлуксиз касбий ривожлантириш омиллари.....	108
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	118
<b>III БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ ТРАЕКТОРИЯСИ АСОСИДА МАЛАКА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b>	121
3.1-§ Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларини индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш асосида малака ошириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этилиши.....	121
3.2-§. Тажриба-синов натижалари таҳлили.....	123
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	130
<b>ХУЛОСА</b> .....	132
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	138
<b>Шартли белгилар ва атамалар рўйхати</b> .....	157
<b>Илова</b> лар.....	158

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида инглиз тилини ўрганишга бўлган талабнинг ортиб бориши инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини узлуксиз ривожлантириб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Шу боис, дунёдаги аксар мамлакатларда педагоглар малака ошириш жараёнини доимий равишда фаолият кўрсатадиган узлуксиз тизимига трансформация қилиш жараёни амалга оширилмоқда. Европа Иттифоқи Болонья декларацияси [27] ҳамда ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланган. Мазкур вазифа педагогларнинг жамоавийлик ва даврийликка асосланувчи малака ошириш тизимини касбий эҳтиёжлардан келиб чиқувчи индивидуаллик ва давомийликка асосланган тизимга ўтказишда долзарб аҳамият касб этади.

Дунёда инглиз тилини ўқитишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришда таълимий эҳтиёж ва индивидуалликка асосланган малака ошириш тамойили устувор бўлиб, ушбу йўналишда жаҳондаги етакчи тадқиқот марказларида илмий ишлар амалга оширилмоқда. Инглиз тили малака ошириш дастурларини индивидуаллаштириш (Higher Education Academy), муаммоли таълим ва касбий мотивацияни ривожлантириш (Cornell University), индивидуал малака ошириш (Secondary Mathematics Individualised Learning Experiment), инглиз тили ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш (Buck Institute for Education), “Coursera” платформаси (Stanford компьютер технологиялари университети) кабилар мазкур йўналишдаги тадқиқот ишларининг натижалари ҳисобланади.

Республикамизда сўнги йилларда ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасидаги ислохотлар натижасида инглиз тили ўқитувчилари малакасини Кэмбридж Ассессментнинг ТКТ (Teaching Knowledge Test) имтиҳони бўйича

pretesting синовлари орқали баҳолаш, “Language Learning Lab” лойиҳаси орқали инглиз тилини жаҳон стандартидаги “5 Cs”<sup>1</sup> тамойили асосида ўргатиш, “English speaking nation: Secondary Teacher Training (ESN:STT)” дастури бўйича мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакаси ошириш ишлари йўлга қўйилди. Мазкур ўзгаришлар ҳозирда инглиз тили таълими ҳамда мазкур фан ўқитувчилари малакасини ошириши учун индивидуал ёндашувларга асосланган малака ошириш тизими зарурлигини кўрсатиб бермоқда. “Мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Биз рақобатдош давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан буён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билиши шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим”. Ҳозирда янги тараққиёт босқичини бошлаган мамлакатимиз учун мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, ушбу жараёнга энг самарали механизмларни жорий этилишини тизимли тадқиқ этиш эҳтиёжи долзарбликни янада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 6 июндаги 290-сон “Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сон “Хорижий тилларни

ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Педагог кадрлар малакасини ошириш узлуксизлигини таъминлаш, касбий ривожлантириш, ўқитишнинг модулли технологиялари, ўқув мазмунининг эҳтиёжларга асосланганлиги ва вариативлиги, педагог кадрларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш масалалари, шунингдек, мамлакатимизда инглиз тилининг ўқитилиши тарихи, методикаси, инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёни билан боғлиқ масалалар республикамиз олимларидан Ж.Йўлдошев [56], М.Юлдашев [97], Ш.Саидқулов [82], Н.Рахмонов [75], Н.Раҳманқулова [76], М.Мирсолиева [66], Ғ.Х.Раҳимов [80], М.Нишонов [69], К.Зарипов [47], Б.Нуриддинов [70], А.Ибрагимов [48], З.Артикбаева [33], М.Дехканова[43], М.Жуманиёзова [45], А.Гулбоев [41], Б.Ф.Ялғашев [99], А.Асқаров [28], Э.Норбоев [72], Д.Маматқулов [65], К.Маматқулова [67], С.Тошев [87], Х.Хўжамов [91], М.Умаров [89], ва бошқаларнинг тадқиқотларида илмий-назарий жиҳатдан ўрганилган МДҲ олимларидан С.Бережная [34], О. Бачина [35], Р.Бакли [36], С. Богданова [37], О.Волкова [38], С. Вдовина [39], А.Гаязов [40], А. Гончарова [42]лар хориж

олимларидан П.Беланже, J.Renton,, В.Ханиш, S.Feiman-Nemser, P.Norman ва Н.Chioutларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Педагоглар малакасини оширишга оид илмий тадқиқот ишларининг кўп эканлигига қарамай инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини оширишда индивидуал ёндашув, малака оширишга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, улар асосида вариатив дастурларни ишлаб чиқиш, малака ошириш самарадорлигини касбий-амалий фаолият натижаларига асосланиб аниқ кўрсаткичлар асосида аниқлаш масалалари етарлича тадқиқ этилмаганлиги бу борада илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Жиззах давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Битирувчиларни иш билан таъминлашда олий таълимнинг ўрни” (2019-2021 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш механизмларини индивидуал ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва индивидуал таълим траекторияси асосида малака ошириш мазмунини белгилаш;

малакасини ошириш жараёнида индивидуал таълим траекториясини шакллантиришда мактаб инглиз тили ўқитувчилари фаолиятини тизимлаштириш ва таълим ресурсларини аниқлаштириш;

мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш механизмини коммуникатив, ўзини-ўзи ривожлантириш ҳамда ўзини-ўзи баҳолаш ва эксперт баҳолаш орқали такомиллаштириш;

мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг компетентлилик даражасидан келиб чиқувчи узлуксиз касбий ривожлантиришнинг ўқитиш шакллари ва модулларини танлаш имкониятини берувчи вариатив ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланишини уларнинг индивидуал таълим траекторияси асосида ташкил этиш жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекторияси асосида малака ошириш мазмуни, шакллари, услуби, ташкилий-педагогик омиллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда кузатиш, суҳбат, анкета сўровлари, анализ-синтез, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, тест (ўқув ва ташхис тестлари), тажриба-синов натижаларини математик-статистик таҳлил этиш, педагогик мониторинг каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалаш механизми касбий фаолиятга алоқадор параметр ва индикаторларни аниқлаштириш ҳамда иш тажрибаси, касбий ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотивлар, касбий фаолиятдаги қийинчиликлар ва компетенциявий бўшлиқлар каби функционал омилларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш мазмуни индивидуал касбий ривожланиш траекторияси учун зарур бўладиган ишлаб

чиқаришдан ажралмаган ҳолда компетентликнинг таянч, касбий-бошқарув, ижтимоий-маданий компонентлари объектив ҳолатини ривожлантиришга йўналтирувчи таълим ресурслари асосида ишлаб чиқилган;

узлуксиз касбий ривожлантириш механизми мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг ўқитиш шакллари ва модулларини касбий эҳтиёжларига қараб танлаш ва ўз-ўзини баҳолаш имкониятини яратиш орқали такомиллаштирилган;

малака ошириш йўналишлари, мазмуни ва индивидуал дастури узлуксиз касбий ривожлантириш механизмининг мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг компетентлилик даражасидан келиб чиқиб шакллантириш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини оширишни ташкилий тартиби (қабул қилиш, ташхис қўйиш, баҳолаш) босқичлари уларнинг касбий эҳтиёжлари устуворлигини таъминлаш асосида яратилган;

мактаб инглиз тили ўқитувчиларини узлуксиз касбий ривожлантириш механизмини амалдаги малака ошириш механизми, илмий-амалий тадқиқотлар натижасида уларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаштиришга таъсир этувчи омиллар (иш тажрибаси, касбий ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотивлар, касбий фаолиятидаги қийинчиликлар ва компетенциявий бўшлиқлар) ҳамда ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш асосида малака ошириш буюртмаларини шакллантириш амалиёти такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар ёрдамида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва



тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекторияси асосида касбий ривожланиши ва унинг самарадорлигини аниқлаш, индивидуал таълим траекторияси асосида касбий ривожланиш мазмуни ва ташкил этиш босқичларининг такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш механизмларини такомиллаштиришда малака ошириш жараёнига талаб ва таклиф, «индивидуалликка асосланганлик» тамойилларини киритиш, касбий ривожлантирувчи дастурлар асосида малака ошириш жараёнини йўлга қўйиш, якуний аттестация талабларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижасида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

узлуксиз касбий ривожлантириш механизми мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг компетентлилик даражасидан келиб чиқувчи малака ошириш йўналишлари, мазмуни ва индивидуал дастурни шакллантиришга доир илмий таклифлардан Халқ таълими вазирининг 2021 йил 19 апрелда “Халқ таълими ходимларини касбий ривожлантиришнинг замонавий турлари ва шаклларини кенг жорий этиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 12 майдаги 02.02/3-915-сон маълумотномаси). Натижада,

-мактаб инглиз тили ўқитувчиларини индивидуал таълим траекторияси мослаштирилган онлайн шаклда малака ошириш йўлга қўйилган;

-мактаб англиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалаш механизми касбий фаолиятга алоқадор параметр ва индикаторларни аниқлаштириш, функционал омилларни (иш тажрибаси, касбий ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотивлар, касбий фаолиятидаги қийинчиликлар ва компетенциявий бўшлиқлар) тизимлаштириш асосида такомиллаштиришга доир таклифларидан Халқ таълими вазирининг 2021 йил 19 апрелда “Халқ таълими ходимларини касбий ривожлантиришнинг замонавий турлари ва шаклларини кенг жорий этиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 12 майдаги 02.02/3-915-сон маълумотномаси). Натижада, индивидуалликка асосланган малака ошириш таълим жараёнида субъектлар фаолиятига мос келувчи таълим ресурслари аниқлаштирилган;

мактаб англиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш мазмуни индивидуал касбий ривожланиш траекторияси учун зарур бўладиган (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда компетентликнинг таянч, касбий-бошқарув, ижтимоий-маданий компонентлари объектив ҳолатини ривожлантиришга йўналтирувчи) таълим ресурслари асосида ишлаб чиқилган таклифларидан Халқ таълими вазирининг 2021 йил 19 апрелда “Халқ таълими ходимларини касбий ривожлантиришнинг замонавий турлари ва шаклларини кенг жорий этиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 12 майдаги 02.02/3-915-сон маълумотномаси). Натижада, англиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекториясини шакллантириш тартиби ишлаб чиқилган;

узлуксиз касбий ривожлантириш механизми мактаб англиз тили ўқитувчиларининг касбий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилаган ўқитиш шакллари ва модулларини танлаш ва ўз-ўзини баҳолаш имкониятини яратиб бериш йўналишидаги таклифлардан Халқ таълими вазирининг 2021 йил 19

апрелда “Халқ таълими ходимларини касбий ривожлантиришнинг замонавий турлари ва шаклларини кенг жорий этиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 12 майдаги 02.02/3-915-сон маълумотномаси). Натижада, мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланишини таъминлаш жараёнида уларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаштиришга таъсир этувчи омиллар белгилаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот доирасида жами 17 номдаги илмий иш, жумладан Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 136 бетни ташкил этади.

# **I. БОБ. МАЛАКА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШ ТРАЕКТОРИЯСИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

## **1.1- Малака ошириш тизимида индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тушунчаси ҳамда унинг назарий ва амалий жиҳатлари.**

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёни учун “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” янги тушунча ҳисобланади. Мазкур тушунча даставвал, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон Қарорининг 1 бандида “халқ таълими ходимларининг малака ошириш бўйича эҳтиёжлари ўрганилади ҳамда “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси орқали уларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тузилади” [11], дея ишлатилган.

Шу вақтга қадар, халқ таълими тизимидаги педагог ходимлар, хусусан тизимдаги инглиз тили ўқитувчилари ҳар беш йилда камида бир марта малака оширишлари лозим бўлган. Ўқитувчининг беш йилда бир ой, яъни 144 соат дастур асосида малака ошириши ва қолган тўрт йилу ўн бир ой малака ошириш жараёнига жалб қилинмаслиги унинг ўз устида ишламаслигига ва давр ўзгаришлари ҳамда замонавий таълимий ахборотлардан четда қолиб кетишига сабаб бўлган.

Бугунги кунда педагог ходимларнинг беш йилда бир марта малака ошириши айрим МДХ мамлакатларида сақланиб қолган. Ривожланган мамлакатларда эса, ўқитувчиларнинг ҳар йили узлуксиз малака ошириши йўлга қўйилган. Масалан, Корея Республикасида ўқитувчи ҳар йили камида 108 соат, Сингапур ва Японияда ҳар йили 100 соатдан ортиқ, Голландияда 166 соат малака ошириши белгиланган [73]. Айнан мазкур давлатларда

малака ошириш жараёни педагогларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясига асосланиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тушунчаси ҳақида сўз борганда, аввало, бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини англаш жуда муҳим ҳисобланади. Бинобарин, “ҳар қандай нарса ва ҳодисани аниқлашдан аввал унинг моҳиятини англаувчи тушунчалар ёки у ҳақда маълумот берувчи таърифларни чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш қўйилаётган муаммони илмий амалий ечимини топишда энг қулай восита ҳисобланади” [71; 10-б].

“Индивидуал касбий ривожланиш траекторияси”даги траектория тушунчасига тўхталадиган бўлсак, ушбу тушунчага Ўзбекистон миллий энциклопедиясида шундай таъриф берилади: “Траектория (лотинча *traectorius* - ҳаракатга оид) - фазода ҳаракатланаётган моддий нуқта ҳосил қилувчи чизиқ. Моддий нуқталардан иборат тизим ҳаракатланганда унинг ҳар бир нуқтаси ўзининг траекторияси бўйлаб ҳаракат қилади. Моддий нуқталар тизимининг ҳолати ҳолатлар фазосида нуқта ҳисобланади ва унинг траекторияси ҳолат траекторияси, деб аталади” [143; 621-б.].

А.С.Гаязов траектория тушунчаси ўзининг классик маъносида “...баъзи бир жисмнинг ҳаракатланиш чизиғи ёки ишораси”, деб тушунилишини таъкидлайди” [110; 878-б.].

Мазкур таърифлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, педагогика фанига “траектория” атамаси физика-математика фанлари катогорияси сифатида кириб келган.

Педагогика фанида “ривожланишнинг индивидуал траекторияси” атамасини илк бор И.С.Якиманская қўллаган. У инсоннинг “ривожланишидаги индивидуал траекторияси” нинг икки хил йўналиши мавжуд, деб ҳисоблаган. Улар:

1) боланинг андрагогика ва ижод талабларига мослашиши (мослашувчанлиги) - бу унга янгиликни излаш ва топишга имкон беради;

2) мавжуд вазиятдан чиқиш, уни енгиб ўтиш йўли, индивидуал тажрибада мавжуд бўлган билимларга, усулларга, ҳаракатларга таяниб ўзи учун янги вазиятни яратиш.

И.С.Якиманская ўз қарашларида “ривожланишнинг индивидуал траекторияси”ни шахсга йўналтирилган таълим доирасида шахсни ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини англаш механизмини шакллантириш билан боғлайди [100; 64-б.].

Таъкидлаш керакки, индивидуал таълим траекторияси ёки индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тушунчалари мамлакатимиздаги педагогика фанига оид манбаларда учрамайди. Шунга кўра ушбу тушунча таҳлилини Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳамда хориж олимлари илмий тадқиқотлари орқали кўриб чиқамиз. Шу ўринда айтиш лозимки, аксарият хорижий ва МДХ олимлари тадқиқотларида “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси”га муқобил тушунча сифатида “индивидуал таълим траекторияси” тушунчаси қўлланилади. Масалан, педагог олим А.В.Хуторский талқининга кўра, “индивидуал таълим траекторияси - бу ҳар бир таълим субъектининг таълим жараёнида шахсий салоҳиятини рўёбга чиқаришнинг индивидуал усули” [93; 47-б.] ҳисобланади.

Т.П.Коростиянец индивидуал таълим траекториясини нафақат шахсий ривожланиш йўли, балки таълим субъектининг индивидуал фаолият дастури сифатида ҳам кўриб чиқади. Унинг фикрича, индивидуал таълим траекторияси бу шахснинг ўз қарорини онгли равишда қабул қилишига тайёрлигини ҳам билдирувчи тушунча ҳисобланади [57; 258-б.].

А.В.Хуторский ва Т.П.Коростиянецларнинг индивидуал таълим траекторияси тушунчасига берилган таърифида кўпроқ шахснинг

индивидуаллиги, унинг онгли ва руҳий имкониятини назарда тутишади. Лекин, мазкур олимларнинг таърифларида индивидуал таълим траекторияси кўпроқ индивиднинг бутун ҳаётининг фаолиятини қамраб оладиган тушунча эканлигига урғу берилган бўлиб, ўқув фаолияти билан боғлиқ жараён эканлигига камроқ эътибор қаратилган.

Рус олимаси Э.А.Александрова индивидуал таълим траекторияси бўйича берган таҳлилида, уни таълим субъекти учун таълим берувчи билан биргаликда ишлаб чиқилган ва таълим субъектининг ҳаётидаги таълим ва таълимдан ташқари соҳаларни қамраб оладиган фаолияти дастури, дея ҳисоблаган. Шу билан бирга, тадқиқотчи индивидуал таълим траекториясини 1) шахсга ва ижтимоийлашувга йўналтирилган ҳамда 2) билим, ижодий ва амалиётга йўналтирилган траектория турларига ажратган [31; 80-б.].

Таъкидлаш керакки, Э.А.Александрова ўзининг индивидуал таълим траекторияси бўйича берган таҳлилларида А.В.Хуторский ва Т.П.Коростиянецлардан фарқли ўлароқ мазкур тушунчани “таълим олувчи ва берувчи билан биргаликда ишлаб чиқиладиган, таълим ва таълимдан ташқари соҳаларни қамраб оладиган дастур” эканига эътибор қаратган.

Яна бир рус олимаси, О.А.Исакова ўз тадқиқотларида индивидуал таълим траекторияси тушунчасига таълим субъектининг қобилияти, таълим эҳтиёжлари, моддий ва ташкилий даражадаги педагогик ёрдамни ўз ичига олувчи танлов имкониятига асосланган индивидуал жараён сифатида қараган [49;27-б.]. Тадқиқотчи Н.Н.Суртаева эса, индивидуал таълим траекториясини ҳар бир ўқувчининг қобилиятлари, имкониятлари, мотивацияси ва қизиқишларига мос келадиган, индивидуал таълим мақсадларини амалга ошириш учун амалий ҳаракатларнинг маълум бир кетма-кетлиги сифатида изоҳлаган [81; 47-б.].

Мазкур тадқиқотчилар ўз қарашларида индивидуал таълим траекторияси тушунчасини таълим субъектининг қобилияти, таълим эҳтиёжлари билан боғлиқ индивидуал жараён сифатида изоҳлашиб, унга амалий ҳаракатлар кетма-кетлиги сифатида баҳо беришган. Шу нуқтаи назардан юқоридаги олимларнинг фикрларига нисбатан О.А.Исакова ва Н.Н.Суртаеваларнинг “индивидуал таълим траекторияси” тушунчаси бўйича илгари сурган қарашлари ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ҳақиқатга яқин келади.

Т.А.Тимошина “индивидуал таълим траекторияси” тушунчасини антропоцентриқ ва компетенцияга асосланган ёндашувлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, унга: таълим жараёни субъектининг ижтимоий-иқтисодий ва вақтинчалик имкониятлари” [85; 315-б.] сифатида қарайди. А.М.Маскаева эса, индивидуал таълим траекториясини «... ўзгарувчан таълим жараёнида таълим субъектининг тажриба ва шахсий фазилатларини ривожлантириш натижаси» [64; 23-б.] сифатида таъриф берган. Мазкур тадқиқотчилар ҳам ўз қарашлари бўйича “индивидуал таълим траекторияси”га “таълим субъектининг ижтимоий-иқтисодий имконияти, тажриба ва шахсий фазилатларни ривожлантириш натижаси” сифатида баҳо беришган. Лекин улар аслида мазкур тушунча фақат таълим субъектигагина тааллуқли эмаслигини, у педагогик кўмак ва ҳамроҳлик билан амалга ошириладиган ҳам назарий, ҳам амалий жараён эканлигини инобатга олишмаган.

“Индивидуал таълим траекторияси” тушунчаси бўйича дунёда кўплаб олимлар тадқиқот олиб боришган. Жумладан, уларга мисол қилиб А.С.Гаязов [40; 26-б.], Т.М.Ковалёва [58; 246-б.], О.В.Волкова [38.], Э.Ф.Зеер [46; 170-б.], Г.П.Шедровицкий [96; 235-б.], Н.И.Клокар [59; 92-б.] ҳамда С.А.Вдовина [39] ва И.М.Кунгурова [39] каби олимларни келтириш мумкин.

Ўрганилаётган объектнинг батафсил таҳлили шуни кўрсатдики, унинг таърифлари кўплигига қарамай, "индивидуал таълим траекторияси"



тушунчасига нисбатан барча ёндашувларни бирлаштирган ҳолда қуйидаги характерли хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- таълим фаолиятининг муайян предмети учун индивидуал таълим траекторияси ишлаб чиқилади;

- таълим субъектининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

- педагогик кўмак ва ҳамроҳлик билан амалга оширилади;

- қизиқиш ва тайёргарлик даражасига қараб танлаш имкониятини беради;

- ўқув жараёнига ўтиш (дастур) босқичларини амалга ошириш кетма-кетлигини назарда тутади;

- бу шахснинг ўз-ўзини англаши ҳамда ўз фаолиятини белгилашига асосланади [50; 32-б.].

“Индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” тушунчаси гарчи, мамлакатимиз педагогика соҳаси учун янги кириб келган тушунча бўлсада, албатта назария ва амалиётда ушбу тушунчага муқобил келадиган тушунчалар ишлатилган. Улардан бири малака ошириш тушунчаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда малака ошириш тушунчаси ҳамда педагог ходимлар малакасини ошириш масаласида кўплаб олимлар тадқиқот олиб борган. Жумладан, Ж.Ғ.Йўлдошев [53; 18-б.], М.Яхъяев [98; 133-б.], Р.Жўраев [114; 39-б.], А.Бахрамов, А.Закиров [114], М.А.Юлдашев [114], Саидқулов Ш. [82; 119-б.] Н.Р.Рахмонов [75; 52-б.], Р.Б.Исроилов [52; 96-б.], М.Н.Нишонов [69; 39-б.], К.З.Зарипов [47; 13-б.], Б.Нуриддинов [70; 10-б.], З.А.Артикбаева [33; 10-б.], М.Дехканова [43; 8-б.], М.Жуманиёзова [45; 18-б.], А.Гулбоев [41; 4-б.], Н.Рахманкулова [76; 11-б.], Д.М.Маматқулов [65; 143-б.], С.Тошев [87;

25-б.], Б.Ф.Ялгашев [99; 10-б.], А.Асқаров [28; 52-б.], Э.Норбоев [72; 41-б.], Х.Хўжамов [91; 221-б.], М.Умаров [89; 23-б.], Б.Умаров [91; 56-б.] ва бошқалар ўз тадқиқотларида малака ошириш тушунчаси, унинг ривожланиш тарихи, малака оширишнинг назарий, педагогик-психологик ва ижтимоий-иқтисодий асослари, малака ошириш мазмуни, унинг эҳтиёжга асосланиши, вариативлиги, педагог кадрларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва бошқа шу каби масалаларни тадқиқ этишган.

Жумладан, А.Гулбоев ўз номзодлик ишида ўқитувчилар малакасини педагогик ташхис воситасида узлуксиз ошириш масалаларига тўхталиб, педагоглар малакасини оширишда уларнинг ички дунёси, субъектив имкониятлари, фаолият майллари, маънавий ва моддий қизиқишларини инобатга олиш муҳим эканлигини айтиб ўтган [41; 4-б.].

М.Дехканова ўз тадқиқотида “малака ошириш тизимида тингловчилар учун амалда қўлланилаётган режалаш-мажбурлаш тамойилидан ихтиёрийлик тамойилига ўтиш зарурлиги, касб-хунар таълими раҳбар ходимлари шахсий эҳтиёжларидан, яъни жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгаришлар, касб-хунар таълимидаги ислохотлар, узлуксиз педагогик тизимни ислоҳ қилиш ва замонавий таълим технологияларини тадбиқ этиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг малакаларини мақсадли ошириш зарур” [43; 8-б.] лигига эътибор қаратган. У.Ш.Бегимкулов, М.Мамаражабов, С.Турсуновлар эса малака ошириш масаласида «бир тарафдан педагог доимий ривожланиш ва ўз малакасини оширишга тайёр бўлиши, иккинчи тарафдан жамият томонидан педагогнинг доимий ўқиши ва ривожланишига бўлган эҳтиёжини рўёбга чиқариш учун шароит яратилиши лозим» [106; 5-б.], дея таъкидлашган.

Таъкидлаш лозимки, шу кунгача ишлатилган “малака ошириш” тушунчаси ҳамда амалиётга янги кириб келаётган “индивидуал касбий

ривожланиш траекторияси” тушунчалари ўртасида ўзига хос ўхшашлик ва тафовут мавжуд. Ушбу тушунчалардаги ўхшашликка келадиган бўлсак, уларнинг ҳар иккисидан ҳам педагогнинг “касбий турғунлик ҳолати”га туширмаслик маъноси мавжуд. Тафовут эса, “малака ошириш” тушунчасида:

- даврийлик (уч йил, беш йил);
- умумийлик (умумий малака ошириш дастурлари);
- жамоавийлик (тингловчиларни курсларга жамоавий жалб этиш) ифодалаган бўлса,

“индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” тушунчасида:

- давомийлик (24/7 режими);
- индивидуаллик (эҳтиёжга асосланган ўқув дастурлари ҳамда яқка тартибда малака ошириш) назарда тутилган.

Умуман олганда, малака ошириш тизими ҳам барча соҳалар қатори давр талаблари асосида ривожланиб, ушбу жараёнга аввалги ёндашувлардан самаралироқ ёндашув ва технологиялар кириб келмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳар бир янгилик албатта таълим-тарбия сифатини оширишга хизмат қилиши лозим. Яъни, замонавий - “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” бўладими ёки анъанавий - малака ошириш бўладими, албатта, мазкур ёндашувлар ўқитувчилик фаолияти самарадорлиги учун хизмат қилиши зарур. Зинҳор ўқитувчилик фаолияти юқоридаги анъанавий ёки замонавий ёндашувларгагина хизмат қилиб қомадлиги зарур бўлиб, бу икки омил муносабатида яқиний натижага касбий ривожланиш самарадорлигини қўйиш рационал ёндашув ҳисобланади.

Бизнингча, педагогнинг “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси”ни ишлаб чиқишда, аввало, педагог ҳамда у фаолият юритадиган муассасанинг ташқи ва ички имкониятлари, восита ва

ресурсларини аниқлаб олиш зарур ҳисобланади. Илмий изланиш натижаларига кўра педагог ходимни “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” учун зарур бўладиган таълим ресурсларини қуйидагича таснифлаш мумкин (1.1-жадвал).

**1.1-жадвал. Педагог ходимларнинг “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” учун зарур бўладиган таълим ресурслари**

<b>Ташқи таълим ресурслари</b>	
1	Аттестация
2	Бевосита малака ошириш; масофавий малака ошириш (курслар,
3	семинарлар, конференциялар ва бошқалар)
4	Касбий, ижодий танловларда қатнашиш
5	Ўқитувчилар учун олимпиадаларда иштирок этиш
6	Туман услубий бирлашма фаолиятида иштирок этиш
7	Туман педагогик устахоналари, педагогик кўприклар, лабораториялар
8	Вебинарлар, видео дарсликлар
9	Ўқитувчиларга мўлжалланган интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар
10	Эксперт комиссияларида иштирок этиш
11	Танловлар ҳакамлар ҳайъатида иштирок этиш
12	Илмий-педагогик тажриба ва тадқиқотларда қатнашиш
<b>Ички ресурслар</b>	
13	Педагогик кенгаш
14	Семинарлар; консультациялар; маҳорат дарслари
15	Мактаб услубий бирлашмаси фаолиятида қатнашиш
16	Дарслар (ташриф, ўзаро ташриф)
<b>Селф менежмент - ўз-ўзини ривожлантириш</b>	
17	Селф менежмент учун мақсад ва услубий мавзу қўйиш ҳамда фаолият олиб бориш
18	Таълим технологияларини ўрганиш
19	Янги ўқув материалларини татбиқ этиш, дарсликларни синовдан ўтказиш
20	Интернет-ресурслардан фойдаланиш ва уларга материаллар бериб бориш
21	Портфолио юритиш
<b>Ўзаро ҳамкорликда ўрганиш</b>	
22	Очиқ дарслар ўтказиш ёки очиқ дарсларга ташриф
23	Мастер-класслар, педагогик семинарларда қатнашиш
24	Касбий тажрибасини оммалаштириш
25	Нашрлар: тезис ва мақолалар бериб бориш

Юқоридаги таълим ресурслари педагогнинг “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси”ни ишлаб чиқиш учун зарур ҳисобланади. Албатта, бу жараёнда ҳар бир педагог умумтаълим мактабидаги ўқув режаси

ва мавжуд интизомга мувофиқ ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Яъни, ҳар қандай индивидуаллик ёки индивидуал танлов албатта жамоавий мақсадлар билан уйғун бўлиши ёки энг камида ушбу мақсадларга путур етказмаслиги лозим бўлади.

“Индивидуал касбий ривожланиш траекторияси”нинг ишлаб чиқилишида албатта таълим муассасасидаги шароит ҳисобга олиниши ва айни вақтда педагог ўз имкониятлари, қобилиятлари, қизиқишлари, истиқбол режалари, керакли билимларни олиш учун қилган ҳаракатлари ҳамда ўрганиш натижаларини баҳолашни ҳисобга олиши зарур ҳисобланади.

Бизнингча, касбий ривожланишнинг индивидуал траекториясини амалий жиҳатдан қуйидагича ифодалаш мумкин (1.2.-жадвал).

**1.2-жадвал. Педагоглар касбий ривожланишининг индивидуал траекторияси**

Т/р	Касбий ривожланиш ресурслари	Амалга ошириш босқичлари	Амалга ошириш вақти	Манзил	Қўлга киритилган натижа
<b>1</b>	<b>Ташқи таълим ресурслари</b>				
1.1.					
<b>2</b>	<b>Ички ресурслар</b>				
2.1.					
<b>3.</b>	<b>Селф менежмент - ўз-ўзини ривожлантириш</b>				
3.1.					
<b>4.</b>	<b>Ўзаро ҳамкорликда ўрганиш</b>				
4.1.					

2-жадвалда келтирилаётган касбий ривожланишнинг индивидуал траекторияси ўз номи билан индивидуал характерга эга бўлиб, амалиётда унга маъмурий тус берилмаслиги, бошқарув воситаси бўлиб қолишининг олдини олиш зарур бўлади.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатдики, касбий ривожланишнинг индивидуал траекторияси педагогик амалиётда маъмурий ҳужжат ёки

бошқарув воситаси ҳисобланмайди. У педагогнинг шахсий-касбий истиқбол режаси ҳамда кундалик дафтарининг уйғунлашган шакли ҳисобланади.

Албатта хориж тажрибасида педагогнинг касбий ривожланишининг индивидуал траекторияси устидан тўлиқ назорат ўрнатилмасда, давр якуни (ўқув йили, ўқув курси кабилар)да мазкур масалага мурожаат қилинади. Педагогнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясига эътибор қаратилиши ва унинг баҳоланиши фақат рағбатлантириш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Шу маънода “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” ҳар бир педагогнинг касбий мотивацияга ундовчи омил ҳисобланади.

Хориж тажрибасида индивидуал касбий ривожланиш траекторияси ва уни баҳолаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган<sup>1</sup>Мазкур тадқиқотларни ўрганиш асосида педагогнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини баҳолаш бўйича Pearson  $\chi^2$  формуласига асосланган мезонни келтириш мумкин (1.3-жадвал).

---

<sup>1</sup> Каранг: Тринитатская, О.Г. Развитие профессиональной компетентности учителей в условиях инновационной школы [Текст]: учебное пособие / О.Г. Тринитатская, Л.Г. Захарова, А.В. Основин; под общ. ред. О.Г. Тринитатской. – Ростов н/Д.: Издво ГБОУ ДПО РО РИПК и ППРО, 2015. – 296 с. 2. Хлебунова, С.Ф. Управление организационными изменениями в школе в условиях новой стратегии образования [Текст]: учебное пособие / С.Ф. Хлебунова, С.В. Бочаров, Л.Г. Захарова, Г.А. Кислицына; под общ. ред. О.Г. Тринитатской. – Ростов н/Д.: Изд-во ГБОУ ДПО РО РИПК и ППРО, 2017. – 284 с. 3. Казакова, Е.И. Теоретические основы развития общеобразовательной школы (системно-ориентационный подход): автореф. дис. ... пед. наук / Е.И. Казакова. – СПб., 1995. – 32 с. 4. Радионова, Н.Ф. Исследование проблем высшего педагогического образования как путь совершенствования многоуровневой подготовки специалиста в сфере образования / А.П. Тряпицына, Н.Ф. Радионова // Подготовка специалиста в области образования: Научно-исследовательская деятельность в совершенствовании профессиональной подготовки: коллективн. моногр. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 1999. – Вып. VII. – С. 7-17. 5. Синельникова Т.А., Панюшкина К.М. Портрет учителя как собирательный образ исследований ученых, психологов и самих учащихся [Текст] // Педагогическое мастерство: материалы V Междунар. науч. конф. (г. Москва, ноябрь 2014 г.). – М.: Буки-Веди, 2014. – С. 276-278. – URL <https://moluch.ru/conf/ped/archive/144/6534/> (дата обращения: 18.09.2018). 6. Организация тьюторского сопровождения в общеобразовательном учреждении: методическое пособие. – Белгород, 2011. – 223 с.

**Педагогнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини  
баҳолаш бўйича Pearson  $\chi^2$  формуласи**

Касбий маҳорат белгилари, касбий ривожланишни лойиҳалаш	Таълимдаги мувафакқият даражаси							
	1-й (n = x)	2-й (n = x)	3-й (n = x)	4-й (n = x)	5-й (n = x)	Pearson $\chi^2$ мезони	P	
<b>КРР</b> касбий ривожлани режасининг мавжудлиги)	<b>A1(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x	x
	<b>B1(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)		
	<b>C1(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)		
<b>МАИ</b> (мақсадга эришиш имкониятлари)	<b>A2(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x	x
	<b>B2(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)		
	<b>C2(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)		
	<b>D2(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)		
<b>КРЛҚ</b> (касбий ривожланишни лойиҳалаш қобилияти)	<b>A3(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x	x
	<b>B3(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)		
	<b>C3(n = x)</b>	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)	x (x%)		

**Эслатма [63; 7-б.]:**

**Таълимдаги мувафакқият даражаси ўртacha тахминий баллари:**

1-даража - 4,5-5; 2-даража - 3.9-4.4; 3-даража - 3.5-3.8; 4-даража томир - 3-3,4; 5-даража - 2,9 ва ундан паст. X индивидуал касбий ривожланиш траекторияси баҳоланаётган педагоглар сони.

**КРР** (касбий ривожланиш режасининг мавжудлиги):

A1 – йўқ; B1 - қисқа режа; C1 - батафсил режа.

**МАИ** (мақсадга эришиш имкониятлари):

A2 – йўқ; B2 - субъектив шароитлар устунлик қилади; C2 – объектив; шароитлар устунлик қилади; D2 –объектив ва субъектив шароитлар тенглиги.

**КРЛҚ** (касбий ривожланишни лойиҳалаш қобилияти – 1) Касбий мақсадни белгилаш орқали ўз келажагини лойиҳалаштириш; 2) Белгиланган

мақсадга эришиш алгоритмини режалаштириш; 3) Касбий фаолиятда ўз ролини аниқлаш, ўз-ўзини англаш):

A3 - битта кўрсаткич мавжудлиги; B3 - иккита кўрсаткич мавжудлиги; C3 - учта кўрсаткич мавжудлиги.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турганидек, касбий ривожланишнинг индивидуал траекторияси даврийлик, умумийлик, ва жамоавийлик асосланган анъанавий малака оширишдан фарқ қилади. Индивидуал траекториянинг якуни тасдиқланган ҳужжат (диплом, сертификат, гувоҳнома)га қаратилмайди. У педагогнинг тўлақонли шахсий концепциясини очишга қаратилади.

3-жадвалда кўриниб турганидек, албатта касбий ривожланишнинг индивидуал траекторияси самарадорлигини ҳисоблаш мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараёнда педагогнинг касбий ривожланиш режасининг мавжудлиги, касбий мақсадни белгилаш қобилияти ва у орқали ўз келажагини лойиҳалаштира олиши, мақсадга эришиш алгоритмини туза олгани, касбий фаолиятда ўзининг амалий ролини аниқлаши, ўз-ўзини англаши кабилар инобатга олинади.

Хулоса қилиб айтганда, муаллифлик таърифимизга кўра **“индивидуал касбий ривожланиш траекторияси бу – таълим муассасаси ҳамда педагогнинг шахсий, касбий ресурсларига асосланувчи, педагогнинг янги давр талабларига мослашиб боришига, касбий фаолиятдаги мавжуд тўсиқларни енгиб ўтишига хизмат қилувчи, индивидуал тажрибада мавжуд бўлган билимлар, усуллар ва ҳаракатларга таяниб ўзи учун янги вазиятни яратиши, шахсий концепциясини очиш йўлидир”**.

Педагогик фаолиятда индивидуал касбий ривожланиш траекториясини амалий жиҳатдан йўлга қўйиш учта босқичга асосланади. Улар:



- 1) таълим муассасасида педагогларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси учун зарур бўладиган таълим ресурслари ва имкониятларини аниқлаш;
- 2) биринчи пунктдаги асослардан келиб чиққан ҳолда педагоглар томонидан индивидуал траекторияси (режа)ни ишлаб чиқиш;
- 3) педагогнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини баҳолаш босқичларидан иборат бўлади.

Индивидуал касбий ривожланиш траекторияси ўз мазмунига кўра давомийлик (24/7 режими), индивидуаллик (эҳтиёжга асосланган ўқув дастурлари ҳамда яқка тартибда малака ошириш)ни назарда тутди. Унга маъмурий восита сифатида қараш амалиётда яхши оқибатларга олиб келмайди. Аксинча, педагогик фаолиятда индивидуал касбий ривожланиш траекториясига рағбатлантириш воситаси, педагогнинг касбий мотивацияга ундовчи омил сифатида қараш ижобий натижа беради.

### **1.2-§. Андрагогика таълими ва ҳаёт давомида ўқиш тамойили**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасида “Кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади” [2], дея белгиланган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда катта ёшли авлод фаолияти билан боғлиқ таълимнинг ҳуқуқий ва ижтимоий асослари яратилганидан далолат беради.

Жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, жаҳонда андрагогика таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожлантириш асослари XX асрнинг бошларида шаклланиганини кўриш мумкин. Жумладан, АҚШда андрагогика

таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожлантириш ҳақида Э.Линдерман ўзининг 1926 йилда нашр эттирган «Андрогогика учун таълимнинг аҳамияти» асарида “таълим бу ҳаёт ва бутун ҳаёт ўрганишдан иборат, шунинг учун таълим олишнинг чегараси йўқ” [61; 378-б.], деган фикрни илгани сурган. Буюк Британияда эса, 1929 йил нашр этилган В.Яхлейнинг «Ҳаёт давомида таълим» китобида андрогогика таълими ва узлуксиз касбий таълим олиш масалалари келтириб ўтилган.

Педагогика бўйича назариётчи олим П.Лангранд томонидан 1965 йилда ЮНЕСКОга тақдим этилган маълумотларда таъкидланишича, «Узлуксиз таълимнинг тақлиф қилинган талқини инсонпарварлик ғоясини ўзида мужассам этади: у барча таълим принципларининг марказида инсоннинг қобилияти бутун ҳаёти давомида ривожланиши учун шароит яратиши керак» [62], деган ғоя илгари сурилади.

ЮНЕСКО томонидан 1984 йилда ишлаб чиқилган «Узлуксиз касбий ривожлантириш» концепциясида ҳам андрогогика таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожланиш ҳақида «таълим тизимида ёки ундан ташқарида ҳаётнинг турли даврларида рўй берадиган, бир-бирини тўлдирадиган, билим олишга, шахс қобилиятларини ривожлантиришга, шу жумладан, ўрганиш ва касбий вазифаларни бажаришга тайёрлашга қаратилган онгли ҳаракатлар йиғиндиси» [115; 272-б.] дея таъриф берилган. “Гамбург катта ёшлилар таълими тўғрисидаги декларация” [111] да эса ушбу тушунча ҳақида: “Катта ёшдагилар таълими” расмий ёки бошқача шаклдаги таълимнинг олға интилувчан жараёнлари бутун мажмуи (комплекси)ни ўз ичига олиб, унинг ёрдамида ўзлари тегишли бўлган жамият нуқтаи назарида катта ёшдагилар қаторига тан олинган одамлар ўзларининг қобилиятларини ривожлантирадилар, ўз билимларини бойтадилар ҳамда техник ва касбухунар малакаларини такомиллаштирадилар ёки улардан ўз эҳтиёжларини ва

жамият эҳтиёжларини қондириш учун янги йўналишда фойдаланадилар. Катта ёшдагилар таълими ҳам расмий таълимни, ҳам узлуксиз илм олишни, норасмий ўқитишни ҳамда норасмий ва қўшимча (ёрдамчи) таълимнинг бутун доирасини қамраб олади [111], дейилган.

Жаҳон тажрибасида нафақат андрагогика таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожланиш тушунчаси чуқур таҳлил этилганини ва айтилиши вақтда ушбу йўналишда кўплаб амалий ишлар қилинганини кўриш мумкин. Жумладан, бугунги кунда жаҳон тажрибасига кўра, андрагогика таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожланиш муассасалари маълумот даражаси ва ёшидан қатъи назар касбий маҳоратни оширишга кўмаклашувчи муассаса ҳисобланади.

Жаҳонда биринчи андрагогика таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожланиш муассасаси 1844 йилда Данияда Н.Ф.Грундтвиг томонидан ташкил қилинган. XIX асрнинг 40-70 йилларида бундай турдаги ўқув муассасалари Скандинавия мамлакатларида, Германия ва Финляндияда пайдо бўлган. Кейинчалик андрагогика таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожланиш муассасалари Англияда ҳам ривож топган, жумладан, 1870 йилда Кембриж университети қошида Очиқ университет ташкил қилинган. Бу ерда университет профессорлари маърузалар ўқишган ва машғулотлар олиб боришган [102; 17-б.].

Андрагогика таълими ва уларнинг узлуксиз касбий ривожланиш муассасалари ривожланиб бориши натижасида улар минтақавий характер ҳам касб этиб борган. Жумладан, Европада Европа Катта ёшдагилар таълим уюшмаси (European Association for the Education of Adults – ЕАЕА) 1953 йилда Европада катта ёшдагиларнинг норасмий таълимини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун ношароат жамоат ташкилоти сифатида ташкил қилинган. ЕАЕА – бу жами 34 та мамлакатдан юздан ортиқ аъзолик

ташкiлотларини ўзида бирлаштирувчи, катта ёшдагилар таълими соҳасида фаолият юритувчи ва бутун Европа бўйича 50 миллион нафардан зиёд катта ёшли ҳам эркак, ҳам аёл ўқувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи Европа жамоат ташкiлотидан иборат [113].


Австралияда ҳам андрагогика таълими ва уларни узлуксиз касбий ривожланиш муассасаси ASPBAE – 1964 йилда Сиднейда ташкiл этилган. Ҳозирги вақтда ASPBAE ҳам минтақавий характер ҳам касб этиб, унинг таркиби 200 дан ортиқ ташкiлот ва жисмоний шахсни ўз ичига олади. Унинг иш фаолияти барча учун таълим сифатини оширишга, таълимни трансформациялаш ва либерализация қилишга ва катта ёшлиларнинг бутун умр мобайнида ўқиб-ўрганиши (таълими)га қаратилган. ASPBAE ҳукумат ва халқаро донор ташкiлотлари томонидан таълим соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши жараёнида кўпроқ ҳисобдорликни таъминлаш учун таълим бўйича маҳаллий жамоатлар ва ташкiлотлар, миллий уюшмаларни, ўқитувчилар касаба уюшмаларини, компания тармоқларини ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Осиё ва Жанубий-Тинч океани минтақаси ҳаракатини кучайтиришга интилади [114].

Германияда биринчи андрагогика таълими ва узлуксиз касбий ривожланиш муассасаси 1902 йилда Берлин Эркин институти томонидан ташкiл қилинган. Бугунги кунда ушбу муассаса жамоатчилик қайта тайёрлаш марказларини ўзида ифодалайди. Ҳозирги вақтда Германия Федератив Республикасида тахминан 940 та Халқ Университетлари фаолият юритмоқда ([www.vhs.de](http://www.vhs.de)), улар бутун мамлакат бўйича “уйга яқинлаштирилган таълим” тамойили асосида фаолият юритувчи 3237 тага яқин филиалга эгадир [109].

Андрогогика таълими ва уларнинг узлуксиз касбий ривожланиши масаласида хориж мамлакатларининг ўзига хос томонларидан бири шуки, уларда таълим тизими ходимларининг малакасини ошириши давлат томонидан марказлаштирилган ва монополиялашган ҳолда ташкил этилмайди. Жумладан, Германияда таълим тизими раҳбар ходимларининг касбий ривожланишини ташкил этиш билан черков, банклар, наشريётлар ҳам шуғулланади. Бу эса, мазкур мамлакатда малака ошириш тизимининг жамоат-давлат тавсифига эга эканлигини кўрсатади [73].

Дарҳақиқат, Германияда, айнан УЎТ тизими педагоглари малакасини ошириш жараёнида ҳеч қандай марказлаштириш мавжуд эмас. Ушбу мамлакатда малака ошириш жараёни педагогларда эҳтиёж вужудга келгандагина уларнинг фаолиятига кириб боради. Бу жараёнда коучинг (англ. coaching) каби усуллардан фойдаланилади. “Коучинг - маслаҳат ва тренинг усули бўлиб, унда коуч (мураббий) деб номланган шахс тингловчининг маълум бир ҳаётий ёки касбий мақсадга эришишига ёрдам беради. Коучинг тренингдан фарқли ўлароқ, умумий ривожланиш ўрнига аниқ белгиланган мақсадларга эришишга қаратилади” [78].

Коучинг асосан индивидуал ва айрим ҳолларда жамоавий ҳолда ташкил этилиб, унда асосан педагоглариининг шахсий (субъектив) концепциясини очиш ва таълимий эҳтиёжларини амалий фаолиятдан узилмаган ҳолда қондириш шаклида амалга оширилади (1.1-расм). Унда кўп ҳолларда малака ошириш муассасаси ходими мактабга “коуч” сифатида боради ҳамда муаллифлик ёндашуви асосида “коучинг”ни ташкил этади.



1.1-расм. Германия малака ошириш таълимида тингловчининг шахсий (субъектив) концепциясини ривожлантириш омили ва бошқичлари

Малака оширишнинг Коучинг консалтинг хизматини эслатиб юборади. Унда малака оширувчининг таълимий эҳтиёжлари ҳамда муаммолари эътиборга олинади. Коучингнинг асосий мақсади малака оширувчининг шахсий (субъектив) концепциясини очишга қаратилади. Унда, асосан тўрт вазифа: биринчидан, янги маълумотлар, билимлар етказиб бериш, мувофиқлаштириш; иккинчидан, кундалик машғулотларни амалиётга жорий этиш; учинчидан, амалий тренинг машқларини ишлаб чиқиш ва бажариш; тўртинчидан, шахсий (субъектив) концепциясини очиш ва англаш амалга оширилади.

Албатта, Германияда малака ошириш соҳасида марказлаштириш ва монополиянинг мавжуд эмаслиги айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Жумладан, ушбу мамлакатда педагог ходимлар томонидан малака оширишни хоҳламаслик тенденцияси кўп кузатилади. Тадқиқотчилар томонидан малака оширишни хоҳламаслик сабаблари ўрганилганда: гуруҳ тўлгани сабабли курс тайёргарлигига рухсат берилмагани (бу сабабни аёллардан 34 фоизи ва эркекларнинг 42 фоизи кўрсатган), оилавий шароит туфайли ўз оиласидан узоқлашишнинг имконияти йўқлиги (33% ва 14%), узоқ муддатга кетган раҳбар ёки ўқитувчини алмаштириш имкони йўқлиги (18% ва 26%), ўқитувчини алмаштириши лозим бўлган ҳамкасбларининг ҳаддан зиёд бандлиги (25% ва 21,5%). Бундан ташқари, ҳаддан зиёд касбий ва шахсий бандлик, қизиқарли таклифларнинг йўқлиги, ўз ҳисобидан малака оширишни истамаслик, масофа узоқлиги, малака оширишнинг бошқача шакл ва методларда ўтказилиши, малака оширишга алоҳида эҳтиёж йўқлиги, малака ошириш муддатларининг ноқулайлиги [92; 732-б.] кабилар аниқланган.

Ҳозирги кунда малака оширишга тўсқинлик қилувчи мазкур омиллар бўлишига қарамай, улар педагог ходимлар иш фаолияти ва малакасига салбий таъсир кўрсатмаган. Чунки, ушбу ҳолат Германия таълимида педагог

ходимлар томонидан таълимий эҳтиёжлар онгли равишда англаниши ҳамда ўз компетентлиги устида коучинг хизматлари ва мустақил тарзда мунтазам шуғулланиши орқали бартараф этиб келинади.

Мамлакатимиз тарихида андрагогика таълими ва уларнинг узлуксиз касбий ривожланиши масалалари 1920 йилларга бориб тақалади. Жумладан, мамлакатимизда “1920-1921 ўқув йилида Алмойй номли таянч намуна мактаби қошида илк бор ўқитувчилар малакасини ошириш ёзги курслари ташкил этил [75; 6-б.] гани тадқиқотлардан маълум. Ундан ташқари 1922 йили собиқ Туркистон Республикаси Халқ Маорифи Комиссариати К.Либкнехт номли педагогика техникуми қошида малака ошириш ишлари билан шуғулланувчи махсус услубий марказ ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қил” [52; 96-б.]гани ҳам шулар жумласидир.

Андрагогика таълими ва малака ошириш йўналишида тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар мамлакатимизда малака ошириш муассасалари тараққиётини шартли равишда тўрт босқичга бўлишган. Улар:

- 1) 1920-1950-йиллар – малака ошириш муассасаларининг шаклланиш даври;
- 2) 1950-1990-йиллар – малака ошириш муассасалари фаолиятининг ривожланиш даври;
- 3) 1990-2016-йиллар – малака ошириш муассасалари фаолиятида мустақиллик ғояларига мослашиш ва ихтисослашув даври;
- 4) 2017 ва ундан кейинги йиллар – малака ошириш муассасалари фаолиятида халқаро алоқаларга киришиш ва такомиллашиш даври [67; 30-б.].

Юқорида келтириган малака ошириш муассасаларининг ривожланиш босқичларга қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, тўртинчи босқич мамлакатимизда андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида ўзига хос ривожланиш босқичи ҳисобланади.



Дарҳақиқат, бу даврда ушбу соҳада ҳам шаклан, ҳам мазмунан катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 2020 йил 24 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида катта ёшдагилар таълимига алоҳида 13 (Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш) ва 19-моддалар (Катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш) мисолида эътибор қаратилди. Жумладан, мазкур қонуннинг 19-моддасида “Катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш бутун умр давомида ўқитишнинг марказий таркибий қисми бўлиб, таълим бериш ҳамда ўқитишнинг жамият ҳаётида ва меҳнат фаолиятида катта ёшдагиларнинг иштирок этишини таъминлашга қаратилган барча шакллари ўз ичига олади, шунингдек, расмий, норасмий ва информал ўқитиш жараёнларининг бутун мажмуини қамраб олади” [2], дея белгилаб қўйилиб, бу фаолият билан эндиликда расмий таълим давлат таълим муассасалари қаторида давлат томонидан тан олинган аккредитациядан ўтган нодавлат таълим ташкилотлари ҳам шуғулланиши белгиланди.

Андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида бундай қарорга келиниши ушбу соҳада жаҳон тажрибасини ўзлаштирганлигимиз ва эндиликда Германия тажрибаси сингари ушбу соҳада марказлашув ва монополиялашдан узоқлашув юз бераётганлигидан далолат беради.

Андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасидаги ўзгаришлардан яна бири бу малака ошириш соҳасида даврийлик (педагог кадрлар учун беш йил, раҳбар кадрлар учун уч йил каби муддатлар)дан воз кечилгани ҳамда эндиликда давомийлик тамойилига, яъни “педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини «ҳаёт давомида ўқиш» тамойили асосида такомиллаштириб бориш [10] га ўтаётганимиздир.

Ушбу ғояни амалага ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мутасадди ташкилотлар олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

халқ таълими ходимларининг малака ошириш жараёнини «ҳаёт давомида ўқиш» тамойили асосида узлуксиз малака оширишни назарда тутувчи тизимга айлантириш;

халқ таълими ходимларининг касбий эҳтиёжларини ташхис қилиш асосида уларнинг индивидуал ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва дастурга мувофиқ малакасини ошириш тартибини амалиётга киритиш;

халқ таълими ходимларининг малака ошириш жараёнига кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий қилиш;

халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш, ҳар бир ходимнинг малака ошириш жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобини юритиш имкониятини таъминловчи «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформасини ишга тушириш[14].

Албатта, мазкур вазифалар Президентимиз томонидан бугунги давр талабларини инобатга олган ҳолда қўйилаётгани барчамизга маълум. Лекин ҳозирда ушбу вазифаларни амалга оширишга андрагогика таълими билан шуғулланадиган муассасалар ва уларнинг педагогик жамоаси қай даражада тайёр, деган ҳақли савол туғулиши табиий.

Таъкидлаш керакки, машҳур «Жанг санъати» китоби муаллифи Сун-Цзи [128] «Агар рақибингни ва ўзингни билсанг, мағлуб бўлмайсан. Агар қулай вақтни ва жанг майдонини ҳам билсанг, сенинг ғалабанг тўлиқ бўлади», деган эди. Шунга қўра, бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларини таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида қўйилган саволларга жавоб топишимиз мумкин. Бунда бизга

SWOT-таҳлил методи кўл келади. Маълумки, SWOT – бу қуйидаги инглизча сўзларнинг бош ҳарфларидан олинган қисқартма сўздан иборат: Strengths – кучлар; Weaknesses – кучсизликлар; Opportunities – имкониятлар; Threats – таҳдидлар.

Шундай қилиб, SWOT-таҳлилда андрагогика таълимини ташкил этадиган малака ошириш муассасаларининг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, уларнинг яқин (ташқи) муҳитидан юзага чиқадиган имкониятлар ва таҳдидларни аниқлаган ҳолда хулоса чиқарамиз [129] (1.4-жадвал).

<b>Кучли томонлар:</b>	<b>Кучсиз томонлар:</b>
2019 ва 2001 йиллар ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимида 14 та педагог ходимлар малакасини ошириш ҳудудий марказ ва 1 та раҳбар ходимларни малакасини ошириш институтнинг мавжудлиги	Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасалари раҳбар ва ходимларнинг таълим (ўқув) хизматлари маркетинги соҳасидаги билими кучсизлиги
Ўқув биналари, тингловчилар турар жойлари ва бошқа моддий-техника базасининг мавжудлиги	Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг бозор талабларига тез мослашувчан тузилма эмаслиги
Соҳани тушунадиган, юқори малакали профессор-ўқитувчилар жамоасининг мавжудлиги	Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг педагогларида индивидуал ва ижодий ташаббусларининг камлиги, муаллифлик курсларининг йўлга қўйилмагани
Давлат талабларига мувофиқ ўқув дастурларининг ишлаб чиқиладигани	Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларидаги намунавий дастур ва ишчи дастурларга асосий буюртмачи Давлат эканлигинг
Малака ошириш йўналишларига мос ўқув-услубий қўлланмаларнинг мавжудлиги	Тингловчиларни таълимий эҳтиёжлари инobatга олинмаслиги
Катта ёшлилар таълимига мос интерфаол усулларидан фойдаланиладигани	Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида мустақил ёки ярим мустақил хўжалик ҳисобида фаолият юритишни ташкил қилиш тажрибасининг мавжуд эмаслиги
	Малака ошириш жараёнида анаънавий таълимнинг устувор бўлиб қолгани, масофавий таълимнинг кучсизлиги, 24/7 шаклидаги реал вақт режимида ишлайдиган малака ошириш шакллариининг йўқлиги
	Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида пиар (жамоатчилик билан алоқа)нинг кучсизлиги

Имкониятлар:	Таҳдидлар:
Андрагогика таълими ва малака ошириш таълимнинг мамлакат учун долзарблиги	Педагог ва нопедагог ходимларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасарида билим олишга ишончсизлиги
Хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш имконияти	Хорижий тажрибаларнинг илмий таҳлилларсиз, кўр-кўрона ўзлаштирилиши
Педагог ва нопедагог ходимлар ўртасида малака ошириш ва қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжининг мавжудлиги	Қайта тайёрлашдан ўтиш бўйича педагог ва нопедагог ходимларнинг тўлов қобилияти пастлиги
Халқ таълими тизимида 14 та педагог ходимлар малакасини ошириш ҳудудий марказ ва 1 та раҳбар ходимларни малакасини ошириш институтининг мавжудлиги ва ушбу соҳада рақобатчиларнинг юзага келмаганлиги	Халқ таълими тизимидаги 14 та ҳудудий марказ ва 1 та раҳбар ходимларни малакасини ошириш институтининг марказлашганлиги
Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасарида қайта тайёрлаш курслари ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағ топиш имкониятларининг мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3289-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон ҳамда 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон Қарорлари)	Андрагогика таълими ва малака ошириш муассасарида бюджетдан ташқари маблағ топиш бўйича давлат назорати ва иштирокининг кўплиги
Малака ошириш ва қайта тайёрлашдан педагог ва нопедагог ходимларнинг манфаатдорлиги	
Донор/ҳомийлар иштироки	

**1.4-жадвал. Республикадаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш муассасаларининг SWOT-таҳлили.**

Кўриниб турганидек, андрагогика таълими бўйича малака ошириш муассасаларининг кучли ва кучсиз томонлари, шунингдек, уларнинг юзага чиқадиган имкониятлари ва таҳдидлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда қўл келади. Бироқ ушбу муассасаларнинг кучсиз томонлари ҳамда уларнинг фаолиятига бўлган таҳдидлар ҳозирда андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасидаги ўзгаришларга тўсқинлик қилиши табиий. Шунга кўра, мазкур омиллар (кучсиз томонлари ҳамда самарали фаолиятга бўлган таҳдидлар)ни бартараф этиш йўллари топиш ҳамда андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида салмоқли натижаларга эришиш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим:

1. Андрагогика таълими ва малака оширишнинг ўзига хослигини англаш.

2. Андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида андрагог кадрлар сиёсатини тўғри йўлга қўйиш.

Биринчи масала андрагогика таълими ва малака оширишнинг фундаментал масаласи ҳисобланади. Бинобарин, андрагогика таълими ва малака оширишнинг ўзига хослиги, унинг бошқа таълим босқичларидан фарқли жиҳатларини англамай туриб, кейинги ишларни амалга ошириб бўлмайди. Жаҳон тажрибасида андрагогика таълимининг ўзига хослиги бўйича кўплаб ёндашувлар ишлаб чиқилган. Мазкур ёндашувлар ичида Малколм Шепард Ноулз томонидан ишлаб чиқилган андрагогика таълимининг олти тамойили ўзига хос ёндашув ҳисобланади [130]. Унга кўра:

1. Андрагогика нима учун ўрганаётганини билиши лозим.

- андрагогикада «Бу билим(маълумот) мени касбимда қандай ёрдам бериши мумкин?» ёки «Нима учун зарур, менга қандай фойдаси бор?» деган ички саволлар мавжуд бўлади;

- андрагогика таълими шу саволга жавоб бера олса ва андрагогикага нима фойдали эканига эътибор қаратса самара юқори бўлади.

2. Андрагогика ўзини масъулиятли, ўзини-ўзи йўлга солувчи шахс деб билади.

– андрагогика табиатида ўз ҳаётини йўлга солиш фақат ўзигагина тегишли масъулият деган қараш устуворлик қилади;

– мазкур қараш малака оширишда ҳам ўз аксини топади, андрагогика қандай курсни ўқишни ва курс ичида маълум мустақилликга эга бўлишни хошлашади.

3. Андрагогика малака ошириш таълимига маълум даражада тажриба билан келади.

– андрагогика турли даражада бўлсада ўқиш, ишлаш, бошқариш, сиёсатни тушуниш ва ҳоказо масалаларда тажрибага эга бўлишади;

– шунга кўра улар малака ошириш таълимига ўз тажрибасига кўшимча сифатида қарайди.

4. Андрагогика қачон ўзи тайёр бўлганда, фойдали ва қулай вақтда ўрганишни хоҳлайди.

– малака оширишгача бўлган таълим босқичларида таълим олувчилар ўзи тўлиқ хабардор бўлмаган нарсаларни ўрганишади. Андрагогика таълимида эса, қисман, тўлиқ ёки ярим тўлиқ маълумотдан хабардорлар иштирокчи ҳисобланади;

– мазкур хабардорлик ҳисси уларга ўзларидаги таълимий эҳтиёжларини англай олмасликларига сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра, малака ошириш андрагогика учун нафақат фойдали ва қулай вақтда, айтилган вақтда таълимий эҳтиёжларни англантишга йўналтирилган йўл-йўриқ ва қўллаб-қувватлашга асосланган бўлиши лозим.

5. Андрагогика таълим олишни ҳаётий мақсад ва тажрибаларига таяниб, муаммолардан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

- андрагогика узоқ келажакка қаратилган эмас, бугунги ва яқин келажакдаги муаммони ҳал қилишга қаратилган малака оширишга эҳтиёж сезади;
- шунга кўра малака ошириш курслари фаолиятини андрагогиканинг мақсадига эришишига кўмаклашадиган қилиб йўлга қўйиш – яъни, амалий аспектнинг устувор бўлишини таъминлаш лозим.

б. Андрагогикани, одатда, шахсий омиллар қизиқтиради.

- андрагогиканинг малака ошириш мақсадида асосан икки омил касбий ютуқларга эришиш ва яхшироқ ҳаёт кечириш устувор ҳисобланади;
- малака ошириш таълими мазмуни ва шакллари йўлга қўйишда андрагогикани қизиқтирувчи мазкур омилларни ҳисобга олиш ижобий натижаларга эришишни таъминлайди.

Бугунги кунда Малколм Шепард Ноулз томонидан ишлаб чиқилган андрагогика таълимнинг олти тамойили кўплаб ривожланган давлатларнинг малака ошириш соҳасида қўлланилади.

Албатта андрагогика таълими ва малака оширишнинг ўзига хослигини англаш ҳамда уни ташкил этиш бўйича хориж олимларининг ёндашувлари каторида мамлакатимиз олимларининг ҳам қарашлари мавжуд. Жумладан, мана шундай қарашларда малака оширишнинг ўзига хослигини англаш ҳамда уни ташкил этиш бўйича тўртта тамойил илгари сурилган. Улар:

*Биринчиси – тенглик тамойили.* Унда андрагогика таълимидаги педагог машғулот бошиданок ўзини тингловчилар каби, яъни, худди ушбу гуруҳ иштирокчиси сифатида кўрсатиши керак. Ундан ташқари тенглик тамойили дарснинг барча жиҳатларига: жиҳозларнинг жойланиши (масалан, ўқув столларни қаторлар ўрнига давра шаклида жойлаштириш), педагогнинг жойи (у гуруҳ олдида турмасдан, балки даврага қўшилиб ўтириши мумкин), сўзлаш услуби (маърузани ўқимаслик балки суҳбат олиб бориш), гуруҳга

муурожаат қилиш («иштирокчи» ёки «ўртоқлар» деб эмас, балки «азизлар», «ҳамкасблар») кабиларга ҳам таалуқлидир.

*Иккинчи тамойил – фаол ижод.* Маълумки, андрагогика ўз фаолияти давомида муайян тажриба орттиришади. Мазкур тажриба эса, ўзига хос стереотипларни шакллантиради. Шунинг учун ҳам педагоглар гарчи тажрибали бўлсада, янги вазифани эскича усулларда бажаришга интилади. Андрагогика таълимида фаол ижод тамойили муҳим бўлиб, у стереотипларни йўқ қилиш ҳамда педагогларни янги ғояларни қабул қилишга тайёрлайди.

*Учинчи тамойил – шахсиятлилик.* Андрагогика таълимида ёш хусусиятлари, ижтимоийлашганлик даражаси, хаётий муаммолари, соғлик ва диққатни жамлаш билан боғлиқ жиҳатлар ёшлар таълимидан фарқланади. Бу жиҳатлар таълим жараёнида кўзга ташланиши табиий бўлиб, мана шундай вазиятларда ҳам андрагогика таълимидаги ҳар бир иштирокчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлган «шахс» эканлигини унутмаслик лозим бўлади.

*Тўртинчи тамойил – комфорт (қулайлилик).* Юқорида айтилганидек, андрагогика таълимида ёш хусусиятлари, ижтимоийлашганлик, хаётий муаммолар, соғлик ва бошқа жиҳатлар ўзига хос ҳисобланади. Мазкур омилларни таълим жараёнига имкон қадар таъсирини камайтириш учун андрагогика таълимида комфорт (қулайлилик) – хонанинг жиҳозланиши, ҳаво ҳарорати, танаффуслар оралиғи, ахборот етказиш тезлиги ва методикаси кабиларни инобатга олиш зарур ҳисобланади [131; 158-б.].

Хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан андрагогика таълими ва малака оширишнинг ўзига хослигини англаш бўйича таклиф этилаётган ёндашувлар малака ошириш таълими самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиш лозимки, мазкур олимларнинг ёндашувларига қўшимча сифатида андрагогика таълими ва малака оширишда фақат давлат эҳтиёжларини инобатга олмаслик, шу қатори малака



оширувчиларнинг малака оширишга бўлган индивидуал эҳтиёжларини ҳам инобатга олиш ва шунга йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, андрагогика таълими ва малака оширишнинг ўзига хослигини англаш ва шунга мувофиқ малака ошириш шакли ва мазмунини яратиш, аввало, инсон омили билан боғлиқ масала ҳисобланади. Дарҳақиқат, андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида андрагог кадрлар сиёсатини тўғри йўлга қўймасдан туриб малака ошириш самарадорлигини таъминлаб бўлмайди.

Маълумки, катта ёшдагилар таълими соҳасида фаолият юритувчи мутахассис андрагог деб аталади. Андрагог – катта ёшдагилар билан турли шаклларда ўзаро муносабатда бўладиган, улар томонидан янги билимлар ўзлаштирилишига ёрдам берадиган ва катта ёшли инсоннинг таълим жиҳатдан фаолиятини ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларга эришиш учун долзарб қиладиган ижтимоий воситачи сифатида фаолият юритувчи мутахассис [134; 178-б.]дир.

Андрагог кадрларларни танлаш андрагогика таълимининг энг нозик жиҳати ҳисобланади. Бундай кадрларни танлашда қуйидагилар: номзоднинг мазкур фаолият билан шуғулланиш истаги борлиги ёки йўқлиги, мазкур фаолиятни самарали бажариш қобилияти, муассасанинг мазкур ходимга бўлган эҳтиёжлари эътиборга олинади. Шунингдек, кадрларни танлаш жараёнида муайян одамнинг маънавий-ахлоқий, балоғат ва руҳий ўзига хос хусусиятлари (ғайратчанлиги, табиати, қобилиятлари, шахснинг мақсад сари интилувчанлиги) ҳисобга олинади. Умуман кадрларнинг танланиши инсоннинг ижтимоий балоғатга етганлигини, маънавий фазилатларини, касбий малакаларини ва махсус руҳий жиҳатлари ташхисини ўзида мужассамлаштириши лозим [135].

Таъкидлаш керакки, андрагог кадрларнинг танланиши бевосита уларнинг шахсий сифатларидан эмас, балки билвосита андрагогика таълими иштирокчиларининг хусусиятларидан келиб чиқиши зарур. Яъни, андрагогика таълими иштирокчиларининг :

- ихтиёрий равишда мажбуриятсиз ўқишга келиши;
- ўз тажрибаси, мақсадлари, қадриятлар йўналиши асосида билимларни баҳолаши, таҳлил қилиши, танлаб олиши ва ичдан тузатиш киритиши;
- ўзини мустақил шахс сифатида англаши;
- катта ҳаётий (маиший, касбий, ижтимоий) тажриба захирасига эга бўлиб, ўзи ва ҳамкасблари ўқишининг муҳим манбасига айланиши;
- ўқишдан мақсади ўз ҳаётий муҳим муаммоларини ҳал қилиш ва муайян аниқ мақсадларга эришишга интилиши;
- ўзлаштирилган билимлари, маҳоратлари, малакаларини ва фазилатларни тезроқ ҳаётга татбиқ қилишга интилиши;
- ўқув фаолияти сезиларли даражада даврий, маконий, маиший, касбий, ижтимоий омиллар (шароитлар) билан боғлиқ бўлиши [102; 17-б.] каби жиҳатлар андрагог кадрлар танлашда устувор мезон қилиб олинса, танланган кадрларда андрагогика таълими муҳитига тез мослашув юзага келади.

Албатта андрагог кадрларни танлашда бевосита уларнинг ўзига қўйиладиган талаблар ҳам мавжуд. Улар:

- муайян ихтисосликлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур малака ва тажрибага эгаллиги;
- андрагог таълим принципларини билиши;

- ахборотлар дунёсида ўз йўналишини топа билиши;
- бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларга киришиш имконини берувчи коммуникатив маданият малакаларига эга бўлиши;
- таълим жараёнини самарали қилувчи ахборот ўқув технологияларини билиши [102; 56-б.].ва ҳ.к.

Албатта, барча мезонларга мос андрагог кадрни топиш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Лекин, шунга қарамай, андрагогика таълими билан шуғулланадиган малака ошириш муассасалари мазкур масалада максимал кўрсаткичга интилиши табиийдир. Мазкур масалада максималликка интилиш, зарур малака ва сифатга эга ходимни излашнинг мавжуд усуллари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ходимларни ташкилот ичида излаш;
- ходимларни таълим органлари орқали излаш;
- ходимларни ижтимоий тармоқлар, интернет сайтлари ва оммавий ахборот воситаларидаги эълонлар ёрдамида излаш;
- ходимларни агентликлар орқали излаш.

Таъкидлаш керакки, юқоридаги усуллар ёрдамида номзодлар заҳираси ва вариантлари қай даражада кўп бўлса, уларни ичидан зарур андроогог кадрларни танлаб олиш шу даражада муаффақиятли бўлади.

Ҳозирда андроогог ходимлар танлашнинг аниқ усуллари мавжуд бўлмаганлиги учун ҳам уларнинг танлашда мажмуавий-комплекс (масалан, тест ўтказиш, суҳбатлашиш ва “учинчи” шахслардан – номзодни етарли даражада яхши биладиган шахслардан маълумотлар олиш, натижаларини солиштириш каби) усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида андроогог кадрларни танлаш механизмлари тўғри йўлга қўйилмаса, албатта юқори даражадаги

компетенция талаб этиладиган фаолиятга қўйи даражали компетенция эгаси келиб қолади. Нотўғри танлов, одатда, ходимларнинг қўнимсизлиги ошиб кетишига ёки ходимларнинг ваколатлари етарли даражада бўлмаслигига олиб келади. Агар раҳбар танлаган ходим ихтисосликка эга бўлиб чиқмаса, янги одамларни танлаш учун яна вақт ва маблағ сарфлашга тўғри келади. Бу эса ҳар қандай ташкилотнинг сарф-харажатлари сезиларли ошишига олиб келиши мумкин [102; 57-б.].

Юқоридаги таҳлиллар асосида қўйидагича хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, андрагогика таълимига асосланган малака ошириш таълимига хориж мамлакатларида XIX асрнинг 40-йилларида эътибор қаратила бошланган. Жумладан, биринчи узлуксиз касбий ривожланиш муассасаси 1844 йилда Данияда ташкил қилинган. XIX асрнинг 40-70 йилларида бундай ўқув муассасалари Скандинавия мамлакатларида пайдо бўлган. Кейинчалик айрим хориж давлатларида XX аср ўрталаридан бошлаб бу турдаги муассасалар бир мамлакат доирасидан чиқиб минтақавий характер ҳам касб этган. Бунга мисол қилиб, Европада 1953 йилда ташкил этилган Европа Катта ёшдагилар таълим уюшмаси (European Association for the Education of Adults – EAEA) ҳамда 1964 йилда Сиднейда ташкил этилган Осиё ва Жануби-Тинч океан минтақасининг Катта ёшлилар таълими масалалари бўйича Бюроси (ASPBAE) ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчидан, андрагогика таълими ва уларнинг узлуксиз касбий ривожланиши масаласи бўйича шу вақтга қадар хориж тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари шаклланган. Жумладан, аксарият хориж давлатларида таълим тизими ходимларининг малакасини ошириши давлат томонидан марказлаштирилган ва монополиялаштирилган ҳолда ташкил этилмайди. Бу фаолият жуда серқирра бўлиб, улар билан махсус таълим муассасалари катори, черковлар, банклар, нашриётлар ҳам шуғулланади.

Учинчидан, мамлакатимиз тарихида андрагогика таълими ва уларнинг узлуксиз касбий ривожланиш масалалари тадқиқотчилар томонидан ўрганилганда бу жараённинг 1920 йилларга бориб тақалиши аниқланган. Айрим тадқиқотчилар эса, малака ошириш муассасаларини ривожланишини шартли равишда тўрт босқичда даврийлаштирган. Жумладан, 2017 йил кейинги йиллар – малака ошириш муассасалари фаолиятида халқаро алоқаларга киришиш ва такомиллашиш даври сифатида баҳоланиб, мазкур даврга андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида ўзига хос ривожланиш босқичи сифатида қаралган.

Тўртинчидан, ҳозирги вақтда айнан халқ таълими тизимидаги андрагогика таълимига асосланган малака ошириш жараёнини такомиллаштиришга доир Ўзбекистон Республикасида зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилганини айтиш мумкин. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 13 - ва 19-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6108-сон Фармони ҳамда 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4884-сон Қарорини келтириш мумкин. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар асосида андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасидаги узоқ йиллик даврийлик (педагог кадрлар учун беш йил, раҳбар кадрлар учун уч йил каби муддатлар) тамойилидан воз кечилиб, жаҳон тажрибасига мос келадиган давомийлик тамойилига, яъни педагог ходимларнинг малака ошириш тизимини «ҳаёт давомида ўқиш» тамойилига ўтиш белгиланганини кўриш мумкин.

Бешинчидан, мамлакатимиздаги малака ошириш муассасаларида «ҳаёт давомида ўқиш» тамойилига ўтишда мазкур муассасаларнинг етакчи жиҳатлари қаторида заиф жиҳатлари:

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасалари раҳбар ва ходимларнинг таълим (ўқув) хизматлари маркетинги соҳасидаги қолоқлик;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг бозор талабларига тез мослашувчан тузилма эмаслиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг педагогларида индивидуал ва ижодий ташаббусларини камлики, муаллифлик курсларини йўлга қўйилмагани;

– малака ошириш жараёнида анаънавий таълимни устувор бўлиб қолгани, масофавий таълимнинг кучсизлиги, 24/7 шаклидаги реал вақт режимида ишлайдиган малака ошириш шакллариининг йўқлиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларидаги намунавий дастур ва ишчи дастурларга асосий буюртмачи Давлат эканлиги;

– тингловчиларнинг таълимий эҳтиёжлари инобатга олинмаслиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида мустақил ёки ярим мустақил хўжалик ҳисобида фаолият юритишни ташкил қилиш тажрибасининг мавжуд эмаслиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида пиар (жамоатчилик билан алоқа)нинг йўқ даражада эканлиги каби жиҳатлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Олтинчидан, мамлакатимиздаги малака ошириш муассасаларининг (заиф томонлари ҳамда самарали фаолиятга бўлган таҳдидлар)ни бартараф этиш, бизнингча, аввало қуйидаги масалаларга эътибор қаратишни талаб этади:

- андрагогика таълими ва малака оширишнинг ўзига хослигини англаш;
- андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида андрогог кадрлар сиёсатини тўғри йўлга қўйиш.

Биринчи масала, андрагогика таълими ва малака оширишнинг фундаментал масаласи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу йўналишда хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан андрагогика таълими ва малака оширишнинг ўзига хослигини англаш бўйича таклиф этилаётган ёндашувларни ва шу қатори малака оширишда фақат давлат эҳтиёжларинигина эмас, малака оширувчиларнинг малака оширишга бўлган индивидуал эҳтиёжларини ҳам инобатга олиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Иккинчи масала, инсон омили билан боғлиқ бўлиб, бинобарин, андрагогика таълими ва малака ошириш соҳасида андрогог кадрлар сиёсатини тўғри йўлга қўймасдан туриб малака ошириш самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Ушбу йўналишда юқорида келтирилган таклифларга эътибор қаратиш ҳамда андрогог кадрлар танлашни аниқ усуллари мавжуд бўлмаганлиги учун ҳам уларни танлашда мажмуавий-комплекс (масалан, тест ўтказиш, суҳбатлашиш ва “учинчи” шахслардан – номзодни етарли даражада яхши биладиган шахслардан маълумотлар олиш, натижаларини солиштириш каби) усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **1.3-§. Инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш шакллари ва моделлари**

Ўзбекистон Республикасида малака ошириш ҳукумат даражасида жуда тез ислоҳотлар амалга оширилаётган соҳа ҳисобланади. Буни ушбу соҳага тегишли бўлган 2014-2017 йилларда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими тизими

ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234-сон ҳамда 2017 йил 28 декабрда қабул қилинган “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарорлари қабул қилинишида ҳам кўриш мумкин.

Таъкидлаш керакки, мазкур ҳужжатларда албатта малака ошириш шакллари қайд этилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 234-сон Қарориди, малака ошириш шакллари 2 турга ажратилган. Улар:

1. Тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш):  
- малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида (академия, институт, марказ, факультет, курсларда) ўқитиш; - базавий таълим муассасасида ўқитиш; - «Устоз-шогирд» методи бўйича таълим муассасасида ўқитиш; - ишлаб чиқаришда тажриба орттириш; - илмий тадқиқот муассасасида тажриба орттириш; - хорижда тажриба орттириш; - мустақил ўқиб билим орттириш;

2. Билвосита малака орттириш (таълим дастурларисиз ўқитиш): - илмий (илмий-педагогик) кенгаш қарори бўйича ижодий таътил; - очиқ ўқув машғулотлари; - илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарлар, конференциялар, август ўқишлари ва ҳоказоларда маърузалар билан қатнашиш [21].

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрда қабул қилинган 1026-сон қарориди ҳам малака ошириш шакллари 2 турга ажратилган бўлиб, улар:

1. Тўғридан-тўғри малака ошириш шакллари: малака ошириш бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш; «устоз-шогирд» усули бўйича ўқитиш; мустақил ўқиб билим орттириш; масофавий таълим; стажировка шаклида тажриба орттириш.



2. Билвосита малака ошириш шакллари: очик ўқув машғулотлари; илмий, илмий-методик ва илмий-амалий семинарларда, конференцияларда, август ўқишларида маърузалар билан қатнашиш [21].

Юқорида баён қилинганлардан кўриниб турганидек, ушбу меъёрий хужжатларда билвосита малака ошириш шаклларига ўрин берилган. Лекин, шунга қарамай, амалдаги тадқиқот натижаларига кўра, шу кунгача халқ таълими тизимида малака оширишнинг тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) шакли устуворлигича қолаверган.

Юқорида қайд этилган қарорларга биноан, ҳозирга қадар педагоглар ҳар 5 йилда камида бир марта малака оширишга жалб этилади. Халқ таълими вазирлигининг маълумотномасига кўра, 2019-2020 ўқув йилида фаолият юритаётган УЎТмуассасалари ўқитувчилари сони 481 604 нафарга етган бўлиб, улардан ҳар йили тахминан 92 минг нафар ўқитувчилар асосий ойлик иш ҳақлари сақланган ҳолда, ўз малакаларини оширадилар [136].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон қарори.

Ҳозиргача малака оширишнинг тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) шакли устуворлигини сақланиб қолганлиги мазкур тизимда қуйидаги:

- бюджет маблағларининг салмоқли қисми айнан малака ошириш жарёнига сарфланиши *(бир ойлик малака оширишга келган ўқитувчининг ойлиги сақланиб қолади, шунингдек, унга хизмат сафари харажатлари тўланади. Ўқитувчи ўз малакасини ошириш даврида унинг ўрнига бошқа ўқитувчига ўриндошлик асосида дарс соатлари бўлиб берилади);*

- ўқитувчи малака ошириш пайтида ўрнига бошқа ўқитувчи дарс ўтиши ўқувчиларга психологик таъсир ўтказиб, уларни айни дарсни ўзлаштириб олишларига салбий таъсир кўрсатиши (*ўқувчида фан ўқитувчисининг дарс ўтиш услуби, муомаласи, мимикалари ва ҳар бир бола психологияси ва салоҳиятига қараб қиладиган алоҳида ёндашувига кундалик рефлекс ҳосил бўлади*);

- узоқ туманлардаги педагогларнинг ҳудуд марказига келиб малака оширишлари моддий, маънавий ва оилавий ноқулайликларни юзага келтириши [132] каби камчилик ва муаммоларни келтириб чиқарган.

Таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларда малака оширишнинг билвосита шаклларига бўлган талаб ва таклифнинг ўсиб бораётгани ушбу шаклнинг ниҳоятда халқчил эканидан далолат беради. Қуйида АҚШлик ўқитувчилар билвосита малака ошириш курсларининг “anytime/anyplace/any race”, яъни “исталган вақтда/исталган жойда/исталган графикда” хусусиятини маъқул кўриши келтирилган. (1.2-расм)



**1.2-расм. АҚШ ўқитувчиларининг билвосита малака ошириш курслари бўйича қарашлари [108].**

Хориж тажрибаси ҳамда бугунги мураккаб (вақт тиғизлиги, транспорт ҳаракатларининг фаоллиги, пандемия ва бошқа шу каби омиллар) шароитда билвосита малака ошириш шаклларига ўтиш бир қатор қулайликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ушбу йўналишдаги хорижий тажрибаларни таҳлил қилар эканмиз, бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларда педагог ходимларнинг малакасини ошириш соҳасида тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) шакли устувор бўлмай, аксинча билвосита малака ошириш шакллари устуворлигини кўрамыз. Хориж тажрибасининг педагоглар малакасини оширишнинг борасидаги билвосита шаклларига тўхталадиган бўлсак, уларни оммалашганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда қуйдагича белгилаш мумкин:

- Кластер;
- «ADDIE»;
- И-Таълим;
- Аралаш таълим;
- Виртуал ўқитувчи раҳбарлигидаги тренинг ёки ВИЛТ;
- M-learning;
- Очиқ курслар.

Маълумки, шу вақтга қадар Ўзбекистон таълимида кластер тушунчаси орқали асосан, ўқитиш усули назарда тутилган. Унга кўра “кластер” (тутам, боғлам) усули олдиндан мавжуд билимлар, мавзу бўйича тушунчалар захирасига асосланади. Ўқитувчи асосий (таянч) сўзни доскага ёзади, талабалар асосий сўзни тўлдирувчи ёки ушбу сўз ечимига боғлиқ сўзларни айтишади. Ўқитувчи талабалар томонидан айтилган сўзларни “Кластер” атрофига тўплаб, мантиқий занжир ҳосил қилади [79; 24-б.].

Тадқиқот ишида назарда тутилаётган кластер юқорида тилга олинган ўқитиш усулидан фарқ қилади.

«Кластер - инглиз тилидаги «cluster» сўзидан олинган бўлиб, таржимада *гурух, тўп, тўплам, боғ, шода* каби маъноларни англатади [68; 587-б.]. Кластер атамаси Гарвард мактаби профессори М.Ю.Портер томонидан фанга киритилган. У кластерга ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган, муаяйн бир соҳада фаолият олиб борадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган муассасалар бирлашмаси сифатида таъриф берган.

Унинг фикрича, кластерлар қуйидаги умумий жиҳатларга эга бўлиши даркор:

- илмий-тадқиқот муассасалари мавжудлиги;
- иш ресурслари;
- рақобатбардошлик ҳолати;
- соҳага мансублик;
- махсус ўқув муассасаларининг мавжудлиги;
- махсус хизматларга эгалик имкониятининг мавжудлиги;
- хомашё етказиб берувчиларнинг етарлилиги» [88] кабилар.


Хориж тажрибасида таълим кластерлари яхши тараққий этган бўлиб, CLUSTER («инглизча- «*Cooperation Link between Universities of Science and Technology for Education and Research* - илмий ва технологик университетлар ўртасида таълим ва тадқиқотда ҳамкорлик») - номи остида Европанинг 12 та техника университетлари ҳамда уларда фаолият юритаётган 3.000 профессор, 11.000 академиклар, 3.000 докторантлар, 14.000 дан ортиқ талабалар ҳамкорлик мақсадида бирлашишган [83; 45-б.].

Германияда ҳам кластерлар мавжуд бўлиб, унга кўра, Schulcluster (мактаб кластери) – фаолияти мактаб ва Олий таълим муассасаси ўзаро ҳамкорликда ишлаши, бир-бирини турли мақсадларда: етук билимли

ўқитувчиларни тайёрлаш, ўқувчиларни ОТМ да ўқиш жараёнига тайёрлаш ҳамда олиб борилган тадқиқотни бевосита дарс жараёнларида қўллашга қаратилган. Германияда шу кластерларни ташкил этишдан кўзланган энг асосий мақсадлар сифатида қуйидагилар тилга олинган:

- ОТМ ҳамда мактаб ўртасидаги алоқа, коммуникацияни яхшилаш;
- бўлажак педагогларнинг мактабларда ўтайдиган малакавий амалиётини профессионал тарзда ташкил этиш;
- ОТМда мавжуд АРМ, замонавий АКТ ва профессор-ўқитувчи ресурсларидан бевосита фойдалана олиш имкониятига эга бўлиш (мактаблар учун);
- иш берувчи ва бошқа ташкилотлар билан таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва такомиллаштириш, шу орқали битирувчилар ихтиёрига мақсадли ва манзилли иш ўринларини ҳавола этиш, уларни иш билан таъминлаш [84; 142-б.].

Кўриниб турганидек, хориж тажрибасида кластер ўқитиш усулидан кўра кўпроқ таълим бериш ёки малака ошириш шакли сифатида оммалашган. Мазкур тажрибанинг ўзига хослиги, унда малака ошириш жараёни жуда кўп ёндаш объектлар билан уйғунлашган. Мазкур уйғунликни қуйидаги шаклда кўриш мумкин (1.3-расм):



### **1.3-Расм. Хориж тажрибасида таълим кластерлари орқали малака ошириш жараёнининг ёндаш объектлар билан боғланиши**

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, кластерни том маънода малака оширишнинг мустақил шакли деб бўлмайди. У ўз моҳиятига кўра, улкан таълим тизимининг жонли бир қисми ҳисобланади. Албатта, малака оширишнинг кластер шакли мустақил институт бўлмаса-да, бироқ ёндаш объектлар билан узвий боғлангани ҳисобига малака оширишнинг бошқа шаклларига нисбатан тингловчиларни амалиёт билан кўпроқ таъминлаб бера олади.

Дарҳақиқат, таълим кластерида тингловчи ўзлаштирган маълумотини амалиётда синаб кўриш ва уни қўллаш орқали кўникма ва малака орттириш имконига эга бўлади. Бугунги кунда халқ таълими тизимида педагоглар малакасини ошириш асосан маълумот (билим) беришга қаратилган бир

шароитда, кластер сингари малака ошириш шакллари амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Эндиликда ПФ-6108-сон фармонига мувофиқ халқ таълими ходимларига олий таълим муассасалари ҳамда лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотларида малака ошириш имкони юзага келганининг ўзи ҳам мамлакатимизда таълим кластерларининг дастлабки элементлари шаклланаётганидан далолат беради.


Бизнингча, ушбу соҳада тўла таълим кластерларини вужудга келтириш учун мактаблар → малака ошириш муассасалари → олий таълим муассасалари → илмий ва ишлаб чиқариш муассасалари (лабаратория, институтлар, марказлар, корхона ва ташкилотлар ва ҳ.к.) → ОАВ (таълимга оид телеканаллар, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар, газета ва журналлар, нашриётлар ва ҳ.к.) ва буюртмачилар (ота-оналар ва ўқувчилар)ни қамраб оладиган, ҳар бири муайян вазифани бажарадиган ҳамда бир-бирининг ишини тўлдирадиган манфаатдор субъектларнинг шаклланишини тақозо этади. Албатта, таълим кластерларининг юзага келиши, биринчи навбатда, малака ошириш таълимига катта таъсир кўрсатади. Юқорида айтганимиздек, бу жараёнда малака ошириш тўла мустақил бўлмай, ёндаш объектлар билан узвий боғланган институт сифатида малака оширишнинг бошқа шаклларига нисбатан тингловчиларни амалиёт билан кўпроқ таъминлаб бера олади.

Хориж тажрибасида малака ошириш шакллари қаторида малака ошириш моделлари ҳам мавжуд.

Маълумки, модель деганда (лотинча *modulus* - ўлчов, меъёр) – 1) машинасозликда - кўплаб ишлаб чиқариш учун эталон (стандарт) сифатида ишлатиладиган намуна (мас, автомобиль, кийим ва бошқалар модели); бирор маҳсулот, конструкциянинг тури, маркаси; 2) санъатда - буюм (мас, ҳайкал)нинг лой, мум, гипс, ёғоч ва бошқа материалдан тайёрланган

намунаси; 3) қурилишда - бино, иншоот, механизм ва бошқаларнинг илмий, амалий мақсадларда қўлланиладиган кичик (баъзан, катта) масштабдаги нусхаси, макети; 4) математика ва мантиқда - муайян аксиомалар системасининг модели объектлари бўлиб, хоссалари ва улар ўртасидаги муносабатлар муайян аксиомаларни қаноатлантиради; 5) тилшуносликда - бирор (морфологик, грамматик ва бошқа) система эталони (намунаси)ни билдирувчи мавҳум тушунча назарда тутилади. Кенг маънода модель - бирор объект ёки объектлар тизимининг образи ёки намунаси. Масалан, ернинг модели - глобус, осмон ва ундаги юлдузлар модели - планетарий [140; 621-б.].

Ҳозирда хориж тажрибасида малака оширишнинг ўзига хос моделларидан бири бу - «ADDIE» моделидир. «ADDIE» атамаси - инглиз тилидаги сўзларининг бош ҳарфларидан олинган қисқартма сўз ҳисобланади (1.4-расм).



**1.4-расм. Малака оширишнинг «ADDIE» модели**



«ADDIE» - бу педагоглар малакасини ошириш жараёнида қўлланиладиган моделдир. Ушбу моделни ҳар қандай ҳолатга мослаб қўлласа бўлади, яъни ташкил этиладиган малака оширишнинг мазмун-моҳияти, иштирокчилар контингентини инобатга олган ҳолда уни турли хил фаолият учун, масалан, ташкил этиш, жамоавий тренинг машғулотлари ёки алоҳида эҳтиёжлар асосида ўтказиладиган малака ошириш машғулотларида фойдаланиш мумкин [144]. Малака ошириш жараёнида ундан фойдаланишнинг асосий мақсади: педагогларни мустақил ва танқидий фикрлашга, узоқни кўра олишга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш орқали муаммолар ечимини топишга ҳамда керакли хулоса ёки қарор қабул қилишга ўргатади.

Ушбу моделдаги А ҳарфи А-Analysis = Таҳлил босқичини билдиради. Бу босқичда малака оширишнинг қуйидаги саволларига жавоб топилади:

- Нима учун ушбу лойиҳани амалга оширмоқдамиз?
- Муваффақиятга эришиш учун қандай имконият мавжуд?
- Муваффақиятга эришишини қандай тасаввур қиламиз ва у қандай намоён бўлади?
- Мақсадга эришиш учун нима қилиш керак? [144].

Ушбу саволлар таҳлили бизга малака ошириш жараёнида ишни қандай ташкил этиш, нимадан бошлаш ва давом эттириш бўйича бир фикрга келишимизда ёрдам беради. Малака ошириш дастурини ишлаб чиқиш таҳлил босқичидаги энг муҳим ишлардан бири бўлиб, таҳлилдан мақсад, малака оширишда қандай ўзгартиришлар қилиш назарда тутилаётгани ва унинг энг муҳим томони нимада эканлигини ҳамда бу фаолиятни амалга оширишнинг осонроқ, кам харажатли қилиб ташкил этиш йўллари топишдир.

A-Analysis = Таҳлил босқичининг муҳим томони шундаки, бу босқич бутун лойиҳа муваффақияти учун мустаҳкам замин яратади. Малака ошириш кўлами ва йўналишини шакллантиришга ёрдам беради [144].

«ADDIE» моделидаги биринчи D харфи Design = Дизайн (Лойиҳалаш)ни бирдиради. Албатта, малака ошириш жараёнида таҳлил амалга оширилгандан кейин, унинг натижаларига мувофиқ малака ошириш режаси, яъни лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Малака ошириш лойиҳаси белгиланган ўқув мақсадлари асосида курс якунлангач, малака ошириш иштирокчилари ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларни ифодалайди. У малака ошириш шакли ва услубини, яъни синф-дарс, тармоқ орқали (масофадан) ёки аралаш шаклда ўтказилишини аниқлашда ёрдам беради. Шунингдек, бу босқич малака ошириш ўқув методик таъминоти таркибини (дарс ишланма, машқ, топшириқлар) ишлаб чиқишда бир қарорга келишда ҳам ёрдам беради.

«ADDIE» моделидаги кейинги босқич, D-Develop = Д - ишлаб чиқиш (яратиш) ҳисобланади. Бу босқичда малака ошириш жараёни учун ишлаб чиқиладиган, ишлаб чиқиш жараёнини бошқарадиган ва малака ошириш ўқув машулотини амалга ошириш учун керак бўладиган барча нарсани таъминлашга қаратилган фаолият назарда тутилади. Ушбу босқичнинг охириги қисми – ҳамма нарса режалаштирилган тарзда бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун малака ошириш дастурини синовдан ўтказиш ёки текшириб кўришдир, яъни дастур бўйича «амалга оширилгунга қадар» қилиниши керак бўладиган ўзгаришларни аниқлашдир [144].

«ADDIE» моделида D-Develop = Д - ишлаб чиқиш (яратиш) босқичидан кейин I - Implementation = амалга ошириш босқичи келади. Ушбу босқич малака ошириш тингловчилари иштирокида бевосита ёки билвосита малака ошириш амалиётини назарда тутаяди.

«ADDIE» моделининг сўнгида E-Evaluation = Баҳолаш босқичи келади. Ушбу босқич юқоридаги барча босқичлар сингари муҳим ҳисобланади. Чунки мазкур босқич малака оширишдан кутилган натижага қай даражада эришилгани ва кейинги малака ошириш машғулотларида нималарга эътибор қаратиш зарурлигини аниқлаб олиш учун зарур ҳисобланади.

«ADDIE» моделининг мазкур босқичида одатда малака ошириш иштирокчиларини баҳолашнинг қуйидагича тўртта даражасидан фойдаланилади:

– биринчи даража: малака оширишга нисбатан иштирокчилар муносабатини баҳолаш;

– иккинчи даража: иштирокчиларнинг малака оширишда олган билимларини баҳолаш;

– учинчи даража: малака оширишнинг иштирокчиларга таъсирини яъни ўзлаштирилган билим, қўникма ва малака амалда қўллай олишини баҳолаш;

– тўртинчи даража: натижалар даврийлигини баҳолаш. Яъни малака ошириш натижаларидан узоқ муддат фойдаланиш мумкин бўлган натижага эришилдими? Малака ошириш ўзгаришларнинг содир бўлишига сабаб бўлдики? каби саволларга жавоб олиш [144].

Таъкидлаш керакки, «ADDIE» - бу малака оширишнинг тури ёки шакли эмас, балки малака оширишнинг муайян шаклида қўлланиладиган моделдир. Албатта модель малака ошириш шаклларига ўхшаб қатъий, ўзгармас эмас. «ADDIE» моделида биринчи қадамдан ташқари қолган барча қадамлар (босқичлар) кетма-кетликда, тартиб билан амалга оширишини талаб этилмайди. Унинг босқичлари малака ошириш мақсадларига мос ҳолда

ўзгариши ҳам мумкин. Чунки мақсад ва вазифаларни қайта кўриб чиқиш, таҳлил қилиб, баҳолаб бориш малака оширишда кўзланган натижани олиш, муваффақиятга эришишда ёрдам беради [105; 165-б.].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-5969-сон Фармони, Халқ таълими вазирининг «Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг 2020 йил 15 мартдаги йиғилиш баёни ижроси тўғрисида» 2020 йил 17 мартдаги 82-сон буйруғи асосида таълим, хусусан, малака ошириш жараёнида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. Мазкур ўзгаришлар натижасида:

– педагогларнинг онлайн малака оширишлари учун онлайн ўқитиш технологиялари амалиётга кириб келди;

– онлайн малака оширишга мўлжалланган видеодарс контентлари базаси яратилди;

– педагогларни малака оширишдан олган билим ва кўникмаларини масофадан туриб (онлайн тест каби) баҳолашни амалда қўллаш йўлга қўйилди.

Яқин вақтларда юз берган мазкур ўзгаришлар, эндиликда малака ошириш жараёнида Интернет орқали таълим (И-таълим)ни миқдор ва сифат жиҳатидан ривожлантиришни сўзсиз долзарб қилиб қўйди.

Бугунги кунда И-таълим имкониятлари жуда катта бўлиб, кўплаб давлатлар таълимдаги бўшлиқларни мана шу йўл билан бартараф этишга интилмоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларда И-таълим бўйича амалга оширилган тадқиқот натижаларига кўра:

- И-таълим энергия сарфини 90% ва карбонат ангидрид чиқиндиларини 85% га камайтириши;
- ҳозирда АҚШ компанияларининг 77 фоизи онлайн тренинглардан фойдаланиши;
- и-таълим соҳаси 2000 йилдан ҳозирга қадар 90 фоизга ўсгани;
- АҚШ ҳукумати йилига 2,59 миллиард долларлик И-таълим маҳсулотларини сотиб олиши;
- АҚШ ўқитувчиларининг 65% очик И-таълим манбаларини қўллаб-қувватлаши;
- мобил таълим бозори 67% ошиши ва 2019 йилга келиб 37,6 миллиард долларни ташкил этгани;
- электрон таълим таълим олувчиларга соатига беш баравар кўпроқ материал ўрганиш имкониятини бериши [118]кабилар аниқланган.

Мазкур асослар эндиликда, барча таълим турлари қатори малака ошириш таълимида ҳам И-таълим эътибор қаратиш зарурлигидан далолат беради. Ҳозирда мамлакатимизда педагоглар малакасини оширишда И-таълимни йўлга қўйишнинг бир қатор имкониятлари ва бажарилиши зарур бўлган вазифалари мавжуд. Жумладан, ушбу масаладаги имкониятларга, пандемия вақтида малака ошириш ўқитувчиларида И-таълимни ташкил этиш бўйича «Youtube», «Zoom», «Facebook» каби Интернет дастурларидан фойдаланиш кўникма ва малакалари шакллангани ҳамда ушбу йўналишда дастлабки, натижалар - видеодарс контентлари базаси, малака оширишдан олган билим ва кўникмаларини масофадан туриб баҳолаш механизмларини яратилгани кабиларни киритиш мумкин. Ушбу йўналишда бажарилиши зарур бўлган вазифаларга эса, аввало мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида интернет тезлигини ошириш (2020 йил ноябрь ҳолатига кўра

интернет тезлиги 12.51 Мбит/секунд [107]. ҳамда уни нархини арзонлаштириш (2021 январь ҳолатига кўра 1 Мбит/с нархи 40 минг сўм [142]), қолаверса, И-таълимнинг асосий локомативи бўлган педагогларни, сифатли видеодарс контентларини тайёрлашга; И-таълимга мўлжалланган таълим методикаларни ишлаб чиқишга; аудиторияни И-таълимга жалб этиш психологиясига; И-таълимга мос муаллифлик курсларини яратишга ўргатиш кабилар киради.


Тарихан, таълимга оид маълумотни яратиш, узатиш ва сақлаш тадрижий шаклда ривожланиб келган. Аждодларимиз дастлаб, тош, ёғоч, хайвон терилари ва металлдан фойдаланишган бўлса, кейинчалик бу жараёнга қоғоз кириб келган. Бугунги кунда мазкур тадрижийлик янада ривожланиб, маълумотни яратиш, узатиш ва сақлаш электрон шаклга ўтди. Мазкур жараён И-таълимнинг ривожлантириши баробарида унинг турли шаклларига ҳам йўл очди. Бугунги кунга келиб барча соҳалар қатори, таълимда ҳам рақамли технологиялар асосидаги ақлли мобиль қурилмалар имконияти кенгайиб бормоқда.

Мобиль технологиялари асосида таълим бугунги кунда хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида кенг қўлланилмоқда. Америка Қўшма Штатлари, Канада, Европа мамлакатларида мобиль таълим ресурслари ва уларнинг ривожланиш усулларини бирлаштирувчи ягона платформадан фойдаланиш орқали турли фанларни ўқитишда мобиль таълим (M-learning) технологиялари жорий этилганлигини таъкидлаш мумкин [86; 9-б.].

M-learning – деганда мобиль жиҳозлар (телефон ёки чўнтак компьютер)ни WAP, GPRS ёки 3G технологиялар (асосийси интернет тармоғига кириш мумкинлиги) билан билим олиш ва алмашиш, мобиль алоқа воситалари (мобиль телефон ва коммуникаторлар) ёрдамида ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиладиган технологиялар тушунилади.

Таъкидлаш керакки, M-learning И-таълимнинг бир қисми ҳисобланади. Бироқ M-learning хусусий, аниқ ва мобил (кўчма) хусусиятига эгаллиги ҳамда “now and now”, яъни “ҳозир ва шу он” тамоилига кўра барча шароитларда кўллай олиш билан И-таълимдан қисман фарқланади. M-learning шундай имкониятларга эгаллиги учун ҳам ҳозирда анъанавий ва ноанъанавий таълимда асосий ўринни эгаллаб келмоқда.


Бугунги кунда M-learningдан малака ошириш жараёнида фойдаланиш вақти келганлигини айтиш лозим. Чунки, ҳозирда айнан инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида M-learning йўналишида жуда кўп мобил иловалар мавжудлигини кўриш мумкин(1.5-расм).



**1.5-расм. Инглиз тилини ўрганиш ва малака оширишга мўлжалланган мобил иловалар**

Энг асосийси, ҳозирда биз малака ошириш жараёнида M-learningдан фойдаланиш бўйича техник ва дастурий таъминотга эгамиз. Буни бевосита ҳар бир малака ошириш иштирокчисидан ақлли мобил қурилмалар мавжудлиги ҳамда кўп фанлар катори, ўзбек тилида инглиз тилини ўрганиш

ва малака оширишга мўлжалланган мобил иловалар яратилганлигида кўриш мумкин (1.6-расм).



**1.6-расм. Ўзбек тилида яратилган инглиз тилини ўрганиш ва малака оширишга мўлжалланган мобил иловалар**

Юқорида тилга олинган имкониятларнинг мавжудлиги малака ошириш жараёнида M-learningдан унумли фойдаланиш имконини беради. Бироқ ушбу масалада тингловчилар мотивациясини таъминлаш, малака ошириш таълимида хаоснинг юзага келиши хавфининг олдини олиш нуктаи назаридан малака ошириш муассасалари:

- мобил илова манбаларини тузиш, саралаш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсияларни шакллантириш;
- тингловчилар томонидан M-learningдан фойдаланганликни аниқлашнинг билвосита назорат механизминини яратиш;
- тингловчиларнинг M-learning орқали олган билимларини баҳолаш бўйича ёндашувларини ишлаб чиқиш;
- M-learning асосида малака оширишни сертификатлашнинг ҳисоб механизмларини ишлаб чиқишлари зурур ҳисобланади.

Ҳозирда мазкур масалаларни ҳал этмай туриб, M-learningдан малака ошириш жараёнида самарали фойдаланиб бўлмайди. Юқоридаги ишлар амалга ошадиган бўлса, аввало малака ошириш педагогика яқинлашади,



аниқроғи доимо унинг қаршисида бўлади. Ундан ташқари, M-learning малака оширишни манзилли, индивидуал ҳамда турли харажат ва ноқулайликларсиз ташкил этиш имконини беради.

Сўнги йилларда, M-learning имкониятини берадиган мобил иловалардан ташқари MOOC (Massive open online courses) – оммавий очик онлайн курслар ва онлайн малака ошириш технологиялари ҳам пайдо бўлган.

MOOC (Massive open online courses) деганда, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда тайёрланган ва интернет тармоғида очик ҳолда жойлаштирилган таълим олиш ва малака ошириш курслари тушунилади.

MOOC электрон таълим, масофавий ўқитиш ва малака оширишнинг янги авлоди ҳисобланади. Мазкур тизим юқорида тилга олинган бошқа платформа ва мобил иловалардан қисман фарқланади. Жумладан, унда вақт эътиборга олинади, яъни MOOCда малака ошириш курслари ўртача тўрт ҳафтадан ўн ҳафтагача бўлган муддатни қамраб олади. Ўқиш ва малака ошириш хизматлари бепул (айрим танланадиган хизматлар пулли) бўлиб, тингловчилар учун рўйхатдан ўтиш, ўзи учун зарур курсларни танлаш етарли ҳисобланади.

Ўқиш видеомарузалар, ўқиш учун материаллар, ҳар бир ўқув материали учун тест саволлари, курс қатнашчилари учун форумлар, лойиҳа ишлари шаклида ташкил этилади.

MOOC шундай тизимки, унда таълимий эҳтиёж (бюртма)лар тингловчининг индивидуал танлови асосида амалга оширилади. Масалан, инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида MOOC тизими улардан “Сиз нимани ўрганасиз?” дея берилган саволга тингловчилар томонидан бериладиган жавоб асосида индивидуал таълим теректорияси аниқлаб олинади. Тингловчилар мазкур тизимда инглиз тилининг A1, A2, B1, B2, C1, даражалари ҳамда TOEFL, IELTS ва TOEIC сертификатларига

тайёргарлик кўришлари мумкин. Мазкур тизимда малака ошириш таълими жуда мослашувчан бўлиб, унда “бошланғич”, “ўрта”, “кенгайтирилган” ҳамда “барча даражалар” танлови тингловчига тақдим этилади. Малака ошириш иштирокчилари ўз эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда муайян даражани белгилаши ва шу асосда малака оширишлари мумкин. Курс якунида албатта сертификат тақдим этилади.

Таъкидлаш керакки, МООС (Massive open online courses) деганда ягона тизим ёки платформа тушунилмайди. Ҳозирда оммавий очик онлайн курслар ва онлайн малака ошириш платформаларининг сони кўп бўлиб, улардан Coursera [137], Udacity [138] ва EdX [139] платформалари энг оммалашгани ҳисобланади.

Бугунги кунда халқ таълими тизимидаги малака ошириш жараёнининг мослашувчанли ва вариативлигини ошириш учун мана шундай платформалардан фойдаланишни тақазо этади. Бунинг учун эса,

- мазкур платформалар билан расмий ҳамкорлик ўрнатиш;
- улар тақдим этган сертификат ва гувоҳномаларни малака оширишни сертификатлашнинг расмий ҳисоб механизмга киритиш зарур бўлади.

Мазкур ишлар амалга оширилса, МООС (Massive open online courses)лар малака ошириш жараёнида расмий мақом касб этади ва бу ўз-ўзидан педагогларнинг ушбу курсларга нисбатан ишончини ошириб, уларнинг самарали малака оширишини таъминлаб беради. Педагогларнинг МООСларда малака ошириши мамлакатимизда таълим, хусусан, малака ошириш тизимига халқаро тажриба кириб боришини таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, шу вақтга қадар қабул қилинган малака ошириш соҳасига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда малака ошириш шакллари 2 турга

ажратилган. Улар тўғридан-тўғри (таълим дастурлари асосида) ҳамда билвосита (таълим дастурларисиз ўқитиш асосида) малака ошириш шакллари дир.

Лекин, шу вақтга қадар айрим объектив ва субъектив омиллар сабабли малака ошириш соҳасида тўғридан-тўғри малака ошириш (таълим дастурлари бўйича ўқитиш) шакли устуворлиги сақланиб қолган.

Иккинчидан, мамлакатимиздан фарқли ўлароқ ҳозирда ривожланган мамлакатларда малака оширишнинг билвосита шаклларига бўлган талаб ва таклиф юқори даражада бўлиб, бу тингловчиларни “anytime/anyplace/any place”, яъни “исталган вақтда/исталган жойда/исталган графикда” хусусиятини маъқул кўриши сабабли юзага келган.

Учинчидан, хориж тажрибасида билвосита малака оширишнинг энг омммалашган шакл ва моделларини саралайдиган бўлсак, улар:

- Кластер;
- «ADDIE»;
- И-Таълим;
- Аралаш таълим;
- Виртуал ўқитувчи раҳбарлигидаги тренинг ёки ВИЛТ;
- M-learning;
- Очик курслар дир.

Мазкур курслар ўз хусусиятига кўра “исталган вақтда/исталган жойда/исталган графикда” (anytime/anyplace/any place) ва “24/7 формати”да эканлиги ҳамда ҳозирги мураккаб (вақт тиғизлиги, транспорт ҳаракатларининг фаоллиги, пандемия ва бошқа шу каби омиллар) шароитга мослиги каби хусусиятлари билан малака оширувчиларни ўзига жалб этмоқда.

Тўртинчидан, ҳозирда мамлакатимизда билвосита малака ошириш шаклига ўтишга тўсқинлик қилувчи бир қатор омиллар мавжуд. Улар:

- мамлакатимизда интернет тезлигининг пастлиги (2020 йил ноябрь ҳолатига кўра интернет тезлиги 12.51 Мбит/секунд [107]);
- интернет нархини қимматлиги (2021 январь ҳолатига кўра 1 Мбит/с нархининг 40 минг сўм [142]);
- билвосита малака оширишнинг шакли малака оширганликни аниқлашнинг назорат механизмининг йўқлиги;
- тингловчиларнинг билвосита малака оширишнинг шакли орқали олган билимларини баҳолаш ҳамда сертификатлашнинг ҳисоб механизмлари ишлаб чиқилганлиги;
- билвосита малака ошириш локомативи бўлган педагогларда сифатли видеодарс контентларини тайёрлаш, ушбу шаклга мос таълим методларини ишлаб чиқиш ҳамда билвосита малака ошираётган аудитория психологияси билан боғлиқ масалаларда ечилиши зарур муаммолар мавжуд.

Бешинчидан, мамлакатимизда малака оширишнинг билвосита шаклига ўтишда бир қатор имконият ҳамда дастлабки натижалар юзага келган. Жумладан, ушбу масаладаги имкониятларга, пандемия вақтида педагог ходимларда билвосита малака оширишда қатнашиш учун «Youtube», «Zoom», «Facebook» каби интернет дастурларидан фойдаланиш бўйича кўникма ва малакаларнинг шакллангани ҳамда ушбу йўналишда дастлабки натижалар - видеодарс контентлари базаси, малака оширишдан олган билим ва кўникмаларини масофадан туриб баҳолаш механизмларининг яратилгани кабиларни киритиш мумкин.

## Биринчи боб бўйича хулосалар

Мазкур бобда келтирилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

*биринчидан, “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси бу – таълим муассасаси ҳамда педагогнинг шахсий, касбий ресурсларига асосланувчи, педагогнинг янги давр талабларига мослашиб боришига, касбий фаолиятдаги мавжуд тўсиқларни енгиб ўтишига хизмат қилувчи, индивидуал тажрибада мавжуд бўлган билимлар, усуллар ва ҳаракатларга таяниб ўзи учун янги вазиятни яратиши, шахсий концепциясини очиб йўли” назарда тутилади;*

*иккинчидан, индивидуал касбий ривожланиш траекторияси давомийлик (24/7 режими), индивидуаллик (эҳтиёжга асосланган ўқув дастурлари ҳамда яқка тартибда малака ошириш)ни назарда тутди. Уни амалий жиҳатдан йўлга қўйиш қуйидаги кетма-кетликка: таълим муассасасида зарур бўладиган таълим ресурслари ва имкониятларини аниқлаш → педагоглар томонидан индивидуал траекторияси (режа)ни ишлаб чиқиш → педагогнинг касбий ривожланиш траекториясини баҳолашга асосланади.*

*учинчидан, касбий ривожланиш масаласида хорижий давлатларда бой тажриба тўпланган. Жумладан, биринчи узлуксиз касбий ривожланиш муассасаси 1844 йилда Данияда ташкил қилинган. Бугунги кунда узлуксиз касбий ривожланиш муассасалари бир мамлакат доирасидан чиқиб минтақавий характер ҳам касб этган.*

*тўртинчидан, узлуксиз касбий ривожланиш масаласи бўйича хориж тажрибасининг яна бир кўриниши, аксарият хориж давлатларида таълим тизими ходимларининг малакасини ошириши давлат томонидан марказлаштирилган ва монополиялашган ҳолда ташкил этилмаслигидадир.*

Бу фаолият билан амалда кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар шуғулланади.

*бешинчидан*, касбий ривожланиш масалалари тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб унинг тарихи 1920 йилларга бориб тақалиши аниқланган. Айрим тадқиқотчилар томонидан, 2017 ва ундан кейинги йиллар – малака ошириш муассасалари фаолиятида халқаро алоқаларга киришиш ва такомиллашиш даври сифатида баҳоланган. Мазкур даврда малака ошириш соҳасида даврийлик (педагог кадрлар учун беш йил, раҳбар кадрлар учун уч йил каби муддатлар) тамойилидан воз кечилиб, жаҳон тажрибасига мос келадиган давомийлик тамойили яъни, «хаёт давомида ўқиш» тамойилига ўтиш белгилангани эътироф этилган.

*олтинчидан*, ҳозирда «хаёт давомида ўқиш» тамойилига ўтишда мамлакатдаги мавжуд малака ошириш муассасаларида:

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасалари раҳбар ва ходимларнинг таълим (ўқув) хизматлари маркетинги соҳасидаги билимининг етишмаслиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг бозор талабларига тез мослашувчан тузилма эмаслиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг педагогларида индивидуал ва ижодий ташаббуснинг камлиги, муаллифлик курсларининг йўлга қўйилмагани;

– малака ошириш жараёнида анаънавий таълимнинг устувор бўлиб қолгани, масофавий таълимнинг заифлиги, 24/7 шаклидаги реал вақт режимида ишлайдиган малака ошириш шакллариининг йўқлиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларидаги намунавий дастур ва ишчи дастурларга асосий буюртмачи давлат эканлиги;

– тингловчиларнинг таълимий эҳтиёжлари инобатга олинмаслиги;  
– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида мустақил ёки ярим мустақил хўжалик ҳисобида фаолият юритишни ташкил қилиш тажрибаси мавжуд эмаслиги;

– андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида пиар (жамоатчилик билан алоқа)нинг кучсизлиги каби муаммолар мавжудлиги аниқланган.

*еттинчидан*, ҳозирда мавжуд малака ошириш муассасаларидаги муаммоларни ҳал этиш, «ҳаёт давомида ўқиш» тамойилини амалда йўлга қўйиш малака ошириш жараёнига “anytime/anyplace/anyrase”, яъни “исталган вақтда/исталган жойда/исталган графикда” тамойилини жорий этиш зарурати юзага келган. Ҳозирда жаҳон тажрибасида мазкур зарурат сабабли ҳамда бугунги мураккаб (вақт тиғизлиги, транспорт ҳаракатларининг фаоллиги, пандемия ва бошқа шу каби омиллар) шароит туфайли малака оширишнинг билвосита шакл ва моделларининг ривожланиш тенденцияси ортиб бормоқда.

*саккизинчидан*, мамлакатимизда билвосита малака ошириш шакл ва моделларини жорий этиш учун бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда.

Улар:

– мамлакатимизда интернет тезлигининг пастлиги ва нархининг қимматлиги;

– билвосита малака оширишаётган аудитория психологияси ва уларга мўлжалланган таълим методикаларининг тадқиқ этилмагани;

– билвосита малака оширганликни аниқлашнинг назорат механизми ҳамда олган билимларни баҳолаш ва сертификатлашнинг ҳисоб механизмлари мавжуд эмаслиги кабилар ҳисобланади.

## **2. БОБ. ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ ТРАЕКТОРИЯСИ АСОСИДА МАЛАКА ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

### **2.1-§. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланишида узлуксиз диагностиканинг аҳамияти**

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий, маданий, илмий-техникавий соҳаларда ўрнатилаётган дўстона муносабатлар хорижий тилларни мукамал ўрганишни тақозо этмоқда. Ушбу зарурат ёш авлодда она тилини пухта билган ҳолда яна бошқа чет тилини, хусусан, инглиз тилини чуқур ўрганиш, бу тилда бемалол мулоқот қила олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, етук мутахассисларни тайёрлаш, малакасини оширишга янада долзарб вазифаларни қўймоқда.

Иқтисодий тадқиқотлар маркази ва ЮНЕСКО ҳамкорлигида ўтказилган тадқиқотлар республикамизда малака ошириш тизимидаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатди:”малака оширишнинг жорий тизими, асосан билимларни аудиторияда беришга йўналтирилган. Малака ошириш институтлари ишини ташкил этишда педагогларнинг мустақил фаолиятига имкон бермайди. Малака ошириш жараёнида натижадорликка эришишга тўсқинлик қилувчи асосий омил педагоглар малакасини оширишнинг индивидуал траекториясини белгилашга йўналтирилган мослашувчан ўқув режаларининг йўқлигидир” [51; 11-б.].

Дарҳақиқат, келажак авлоднинг инглиз тилини билиш компетенцияларини ривожлантириш ўқитиш сифати, халқаро андозаларга мос дарслик, методик қўлланмаларга ҳам боғлиқ. Аммо, ушбу талаблар бажарилсаю, умумий ўрта таълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг (кейинги ўринларда мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг) компетентлиги



давр талабларига жавоб бермаса, ислохотлардаги мақсадларга эришиб бўлмайди. Шундай экан, аввало, мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланишини тўғри ташкил этиш зарур.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб узлуксиз касбий ривожланиш, индивидуал таълим траекториясининг мазмун-моҳияти, ривожланган мамлакатлар олимларининг шу йўналишдаги илмий қарашлари диссертациянинг биринчи бобида таҳлил қилиб ўтилди. Мазкур таҳлиллар асосида мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини шакллантириш, узлуксиз касбий ривожланишини ташкил этишда диагностикани амалга ошириш йўллари кўриб чиқамиз.

Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланишида диагностика ўтказишдан мақсад уларнинг узлуксиз малака ошириш траекториясини белгилаш ва белгиланган траектория асосида малакасини ошириш орқали касбий эҳтиёжларини қондиришдир. Мана, бир неча йилдирки, малака ошириш муассасаларининг фаолиятига танқидий баҳо берилган ҳолда янги ислохотларни амалга ошириш ғояси илгари сурилмоқда. Чунки, айрим ечимини кутаётган масалалар, жумладан, малака ошириш мазмунида касбий эҳтиёжлар инобатга олинмаётганлиги, малака ошириш режали ва белгиланган вақтда амалга оширилиши шарт эканлиги, узлуксиз малака оширишга бўлган рағбатлантирувчи механизмнинг йўқлиги, малака оширишнинг барча турларидан фойдаланиш амалда механизмнинг йўқлиги, педагог қаерда, қачон, қандай малака оширса ҳам унга мотивация берадиган ҳуқуқий асосланган механизмнинг йўқ эканлиги кабилар.

Амалдаги малака ошириш тартибига кўра, мактаб инглиз тили ўқитувчилари 5 йилда камида 1 марта малака оширишлари лозим эди. Дарҳақиқат, уларнинг 5 йилда 144 соатлик ўқув дастури асосида малака

ошириши ва сертификат олгандан кейин уларнинг ўз устида ишламаслиги, малака ошириш курсининг амалдаги натижасини ўрганмаслик ва қайта алоқанинг деярли йўқлиги катта ҳажмдаги соҳага оид касбий янгиликлардан етарлича ўрганиш имкониятини чеклашга олиб келмоқда эди. Шунингдек, аудиториянинг таркиби ўртача 25 нафар тингловчидан иборат бўлса, уларнинг иш стажи ва фаолият олиб бораётган ҳудуди, ундан ташқари касбий компетентлилиги ҳам турли даражада. Ушбу муаммолар малака ошириш курсига индивидуал ёндашиш, аниқ касбий эҳтиёжларидан келиб чиқилган дастурлар асосида узлуксиз малака ошириши заруратини пайдо қилди.

Юқоридаги муаммолар ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони келтиришимиз мумкин. Шунингдек, “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарорда халқ таълими тизимидаги ислохотларни янада такомиллаштириш ва илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар халқ таълими ходимларининг малака ошириш жараёнини “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ташкил қилиш, ходимларнинг касбий эҳтиёжларини ташхис қилиш асосида ишлаб чиқилган индивидуал ривожланиш дастурига мувофиқ малакасини ошириш тартибини амалиётга жорий этиш вазифаси юклатилди. Бундай самарали тизимни яратиш, педагог кадрлар касб малакасининг ҳақиқий даражасини ҳисобга олиб ташкил қилинадиган малака оширишни назарда тутди [14]. Бу эса, ўз навбатида

- таълим муассасалари раҳбарларининг ўз ходимлари малакасини оширишни таъминлашга бўлган масъулиятини ошириш;
- педагогнинг ўз касбий маҳорати бўйича мустақил ишлаш, ўз меҳнати самарадорлигини ошириш бўйича манфаатдорлигини таъминлаш, уларни касбий маҳоратларини оширишга доир фаолиятга рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- малака оширишнинг узлуксизлигига эришиш;
- умумий ўрта таълим мактаблари алоҳида буюртмачи сифатида иш кўриши;
- ўқув-тарбия жараёни сифатининг ички назорати ва таҳлилини холисона амалга ошириш;
- рейтинг тизими бўйича ҳар бир педагог касб фаолиятининг мониторингини олиб бориш ва педагогик ташхислаш;
- малака оширишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаб бориш;
- педагог кадрларнинг компетентлик даражасини ўрганиш уларни табақалаштиришни тақозо этади.

Ушбу ислоҳотлар айнан педагогнинг ўзида мавжуд профессионализи даражасини касбий диагностика ўтказиш асосида белгилаш ва унинг давр талабларига жавоб беришига эришишга йўналтирилган аниқ мақсадли малака ошириш шакллари белгилашга қаратилган. А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти ташаббуси ва раҳбарлигида ҳудудий марказларда ҳам халқ таълими ходимлари учун электрон платформа яратилмоқда. Бу платформанинг вазифаси педагогларнинг узлуксиз касбий ривожланиш фаолиятини ташкил этиш, педагогнинг малака ошириши жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобини юритиш имкониятини таъминловчи

ягона маълумотлар базасига асосланган, таълимнинг масофавий шаклини тўлиқ жорий этиш имконини берувчи тизимнинг электрон шаклидир.

Шунингдек, халқ таълими ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиш тизимидаги таълим олиш натижаларини баҳолашда кредит-модул тизимини жорий этиш бошланди. Унга кўра, педагог бир йилда йиғилиши лозим бўлган кредитлар (академик соатлар)нинг энг кам ҳажми назарда тутилмоқда. Педагогларнинг малака ошириш бўйича эҳтиёжлари ўрганилади ҳамда «Узлуксиз касбий таълим» махсус электрон платформаси орқали уларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси тузилади ҳамда малака даражаси, билими, илмий-педагогик салоҳияти, иш тажрибаси, психологик тайёргарлиги ва индивидуал касбий ривожланиш траекториясига мос келадиган табақалашган малака ошириш дастурлари бўйича ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади.

Ҳар бир педагог юқорида қайд этилган “Узлуксиз касбий таълим” платформаси орқали тақдим этилган ўқув модулларини ўзлаштириб бўлгач, платформадаги баҳолаш мезонлари орқали баҳоланади ва тўпланган кредитлар педагогнинг шахсий кабинетида жамланади. Кредитларнинг белгиланган миқдорини йиққан педагог шу йил учун малака ошириш курсини тўла ўтаган ҳисобланади ва уни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

Демак, педагогнинг касбий эҳтиёжларига мос индивидуал касбий ривожланиш траекторияси платформа орқали аниқланади ва автоматик тарзда унинг билим олиш, ўз-ўзини ривожлантириш майдони ҳосил бўлади.

Бу, албатта яхши, механизм, лекин педагогнинг касбий эҳтиёжларидаги шундай айрим жиҳатлари мавжудки уни платформа орқали аниқлаб бўлмайди. Масалан, тадқиқот жараёнида маълум бўлдики, ҳозирда фаолият олиб бораётган инглиз тили ўқитувчиларининг асосий касбий эҳтиёжи

listening – тинглаб тушуниш ва speaking – гапиришда. Бизнингча, электрон платформа орқали инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекториясини шакллантириш босқичида ушбу жиҳатларни эътиборга олиш энг муҳим масала ҳисобланади. Шунини айтиб ўтиш жоизки, бошқа фан ўқитувчиларининг касбий эҳтиёжларини аниқлашдан кўра инглиз тили ўқитувчиларининг касбий эҳтиёжларини аниқлашда бир мунча мураккабликлар мавжуд. Уларнинг коммуникатив компетентлиги, ўзга тилни ўқувчиларга акцентсиз етказиб бера олиш ва улардан талаб қила олиши кўникмасига ҳам эга бўлишлари керак. Айтиш мумкинки, шундай фаолият олиб бораётган инглиз тили ўқитувчилари борки, ҳаттоки кичик матнли гапларни ҳам фақатгина интернет таржимонлари ёрдамида амалга оширади.

Шунинг учун электрон платформадан ташқари ҳам инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолияти доимий диагностика қилиб боришга муҳтож. Узлуксиз касбий ривожланиш жараёнида диагностикани тез-тез амалга ошириб бориш инглиз тили ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражаси, ундаги мавжуд касбий эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда улар асосида малака оширишнинг аниқ йўналиши, мазмуни ва шакллари белгилаш асосида керакли касбий тайёргарлик даражасини таъминлаш ва педагогнинг касбий компетентлигини давр талабларига мослаштиришга хизмат қилади.

Бу жараёнда инглиз тили ўқитувчиларининг лавозим мажбуриятларини қай даражада бажараётганликлари, мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари ва ўқув режа, дастурлар, шунингдек, таълим тизими ва ўз касбига оид, меъёрий-ҳуқуқий ҳамда ўқув-методик ҳужжатларнинг мазмун моҳиятини англаб етиши, улардаги қўйилаётган талабларни билиши, ундан ташқари дарс бериш ва аудиторияни бошқара олиш маҳорати, ўқувчиларни

минталитетимизга мос тарбиялай олиш қобилияти, энг асосийси ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотив, шахсий сифатлари, ўқувчилар билимини холисона баҳолаш маҳорати бўйича касбий тайёргарлик даражаси аниқланади. Касбий диагностиканинг ташкилий-педагогик алгоритми қуйидагилардан иборат (2.1-расм).



**2.1-расм. Касбий диагностиканинг ташкилий-педагогик алгоритми**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, диагностиканинг турли шакл ва усуллари орасида энг аҳамиятлиси педагогнинг ўз-ўзини касбий диагностика қила олиш кўникмасига эга бўлишидир. Чунки педагогнинг ўз-ўзини узлуксиз касбий диагностика қилиб бориши алоҳида шароит, вақт, жой, ташқи таъсирлар талаб қилмайди, ўзига нисбатан холисона ёндашади, эҳтиёжларини ҳис эта олади.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида малака оширишга жалб этилган инглиз тили фани ўқитувчиларининг ўқув фаолиятини таҳлил қилиш натижалари ҳам ушбу мулоҳазаларни тасдиқлади. Ҳақиқатан, касбий фаолиятига креатив

ёндашадиган, илғор, тажрибали, новатор, илмий-тадқиқот ишлари муаллифлари ҳисобланган ўқитувчиларнинг ўз касбий компетентлигини ривожлантиришга нисбатан интилишлари сезиларли даражада кўп кузатилди. Шу билан бирга, ўз педагогик амалиётида касбий сифатларни намоён қила олмаган ўқитувчилар фаоллиги ҳам шунга мос даражада бўлиши аниқланди. Назаримизда, индивидуал касбий ривожланишда касбий-шахсий йўналганлик, ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотив муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мактабда фаолият олиб бораётган айрим инглиз тили ўқитувчилари нимани қандай ўқитиш керак эканлиги тўғрисида етарли тушунчаларга эга эмас. Сўнгги йилларда умумий ўрта таълим битирувчи ёшларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиши юқорилиги ва натижасининг яхшилиги туфайли бирданига бир неча хорижий таълим муассасаларига талабалikka лойиқ деб топилмоқда. Бу қувонарли ҳол албатта, лекин “инглиз тили ўқитувчилари дарс ўтиш маҳоратига, қизиқарли дарс ташкил эта олиш кўникмасига эга эмас, замонавий методикаларни ўзлаштирмаган” каби эътирозлар жуда кўп билдирилмоқда. Бу ўз навбатида хорижий тил таълимига доир қарашларни ҳамда умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларига кўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Демак, мактаб инглиз тили ўқитувчиларини ривожланган давлатлар стандартларига мос тестлар, яъни тил билиш даражаларини, ўқиш, ёзиш, тинглаб тушуниш ва гапиришга доир билимларини аниқлаш амалиётини жадаллаштириш лозим.

Албатта бугунги кунда, аудиторияга хорижий тилни ўргатиш учун жалб қилинган педагогдан юқори даражада малака, кўникма талаб этилиши ва тилни мукамал билиш билан бир қаторда етарлича педагогик, психологик

билим ва маҳорат зарурлиги тўғрисида маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг хулосалари мавжуд.


Жумладан, тадқиқот жараёнида 2021 йил 29-январь куни Зомин тумани ХТБ ҳамкорлигида ташкил қилинган «Умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўрганишда инновациялар ва ўқитиш амалиёти» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди ва якунида мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг бугунги фаолиятини ташкил этишдаги муаммолари, уларнинг ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган интилишлари юзасидан суҳбат, анкета-сўровномалари ўтказилди. Таҳлилга кўра, маълум бўлдики, жуда кўп инглиз тили ўқитувчилари дарсларни чекланган ҳолда дарсларни ташкил этади. Сабаби, уларда фаннинг бошқа имкониятларидан фойдаланиш компетентлиги етишмайди. Шунингдек, инглиз тили ўқитувчилари бугунги кунда яратилаётган имкониятлардан фойдаланишга ўзида ишонч тополмайди. Айрим чекка ҳудудлардаги инглиз тили ўқитувчиларида ўз-ўзини ривожлантиришга мотив жуда паст.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланишни ташкил этишда муассаса раҳбарлари томонидан малака оширишга юборилишидан аввал, назарий-методик тайёргарлиги, ютуқлари, камчиликларига холис баҳо беришдаги масъулиятини ошириш зарур.

Президент Ш.Мирзиёев ҳам таълим сиёсатига алоҳида эътибор қаратиб, жадаллик билан ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан бири сифатида “педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур” эканлигини таъкидлади [23].



Тадқиқот давомида мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланиш траекториясини аниқлашда диагностика қуйидаги тартибда амалга оширилди (2.2-расм).



**2.2-расм. Узлуксиз касбий ривожланиш траекториясини аниқлаш  
диагностикаси**

Анкета сўровномаларини ўтказиш ва таҳлил қилиш босқичида мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини аниқлаш мақсадида турли хилдаги анкета-сўровномалари ишлаб чиқилди. Мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш учун коммуникатив, ўзини-ўзи ривожлантириш ҳамда ўзини-ўзи баҳолаш ва эксперт баҳолаш амалга оширилди. Анкета-сўровномалари касбий қийинчиликлар ва эҳтиёжларни аниқлашдан ташқари, тингловчи сифатида амалдаги малака оширишга муносабати, шунингдек, индивидуал

таълим траекторияси қандай лойиҳалаштирилади ва унинг натижадорлигини тақдим этиш бўйича мавжуд билимларини аниқлаш йўналишларида ишлаб чиқилди. (1-илова) Тадқиқотимиз тажриба-синовида иштирок этган тингловчиларнинг фаолият натижалари (2-илова) таҳлил этганимизда қуйидаги натижалар келиб чиқди. Инглиз тили ўқитувчилари “индивидуал касбий ривожланиш траекторияси” учун зарур бўладиган таълим ресурслари асосида (800 нафар респондент) иштирокида анкета-сўровномаси ўтказилганда эксперт комиссияларида, турли хилдаги танловлар ҳакамлар ҳайъатида, илмий-педагогик тажриба ва тадқиқотларда бир нафар ҳам тингловчилар иштирок этмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, ў-ўзини ривожлантириб бориш йўналишида 70 %, янги ўқув материалларини татбиқ этиш, дарсликларни синовдан ўтказиш 80 %, касбий фаолияти натижалари бўйича портфолио юритишни 90 % , Касбий тажрибасини оммалаштиришни 80 %, нашрлар: тезис ва мақолалар бериб боришни 80 % респондентлар амалга оширмаганликлари аниқланди.

Шунингдек, тадқиқот доирасида, инглиз тили ўқитувчиларининг амалдаги малака оширишга бўлган муносабати аниқланди. Худудий малака ошириш инглиз тили ўқувчиларидан иборат тингловчилар билан ўтказилган сўровномалар натижалари мактаб инглиз тили ўқитувчилари узлуксиз касбий ривожланиш индивидуал таълим траекториясини тузиш ва унга асосан узлуксиз касбий ривожланиш (малака ошириш) тўғрисида етарли маълумотга эга эмасликлари намоён бўлди. Масалан, “Сиз касбий эҳтиёжингизга кўра индивидуал таълим траекториясини тузиш ва шу асосда малака ошириш педагог учун фойдали деб ҳисоблайсизми?”, деган саволга 2100 нафар респондентларнинг 89 фоизи ижобий жавоб берган. Лекин улар ўз таклифларида индивидуал таълим траекториясини қандай тузиш кераклиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга эмасликлари ва уни тўлиқроқ тушунтириб

бериш зарурлигини қайд этишган бўлиб, “Сиз ўқиган курснинг мазмуни касбий эҳтиёжларингизни қай даражада қондирди?”, деган саволга уларнинг 20 фоизи “тўла қондирди”, 20 фоизи “қисман қондирди”, 60 фоизи “қондирмади”, деган жавобни қайд этишган. Сўровномага жалб қилинганларнинг кўпчилиги малака ошириш дастурларини шакллантиришда уларнинг касбий эҳтиёжлари эътиборга олинса, курснинг фойда ва самараси ошган бўлар эди деб ўз таклифларини бериб ўтишган.

Сўровномада иштирок этган инглиз тили ўқитувчиларининг фикрича, малака ошириш даврида аввалги малака оширишдаги мавзуларнинг қайта ўтилиши, такрорланиши, таълим мазмунини танлаш имконини берувчи вариативлик етишмайди. Анкета-сўровномалари натижаларини қуйидаги таҳлилларда ҳам кўришимиз мумкин. (1.3-иловаларга қаралсин).

Малака ошириш ҳудудий марказларида инглиз тили фани ўқитувчилари учун ташкил қилинадиган 144 соатлик малака ошириш курси ўқув дастурининг “Касбий ривожланиш” модулига қайси мавзулар киритилишини хоҳлайсиз?, деган саволга қуйидагича муносабат билдиришган (2.3-расм).



**2.3-расм.-Малака ошириш ўқув дастурларига муносабатни аниқлаш**

Кўплаб олимлар ўқитувчилик маҳорати ва шахсий сифатларини тадқиқ қилиб, ўқитувчининг касбий фаолияти ва шахсий сифатларига оид талаблар юзасидан илмий асосланган хулосалар келган. Жумладан, Ж.Йўлдошев ўқитувчи шахсий сифатлари ва хусусиятларининг намоён бўлиш даражасини ўрганиб, киришимлилиқ, ҳиссий барқарорлик, етакчилиқ, ижтимоий етуклик, ишонувчанлик, ижтимоий жасорат, дадиллик, мустақиллик, ўз-ўзини назорат қилиш каби омилларга алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, педагоглар иши самарадорлигини белгилайдиган 6 та омилни келтирган:

- касб маҳорати омили;
- ўз-ўзини ижодий рўёбга чиқариш омили;
- ўз-ўзига ривожлантириш;
- динамизм ва ҳиссий барқарорлик омили; конструктивлик омили;
- онглиқ омили [119; 208-б.].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамият ривожланиб боргани сари инсонларнинг ҳар томонлама эҳтиёжлари ҳам орта боради. Шу жиҳатларни инобатга олиб инглиз тили фани ўқитувчиларининг касбий фаолиятини доимий диагностика қилиб бориш зарур. Албатта, уларни яна қайтадан олий таълим муассасаларида ўқитишнинг имкони йўқ бўлганлиги учун муаммо ечимини малака ошириш таълими муассасаларидан кутиш лозим. Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, барча инглиз тили ўқитувчилари ҳам ўзлари хоҳлаб, мустақил равишда ўз-ўзини ривожлантириш мақсадларини белгилаш, касбий компетентлигини узлуксиз ошириб бориш кўникмасига эга эмас. Бу жараёндан хулоса қилиш мумкинки, улар қандай қилиб инглиз тилини мукамал ўрганиш ва ўргатиш, зарурий адабиётларни қандай ва қаердан топиш, ўз-ўзини ривожлантиришда малака ошириш шаклларини танлаш, касбий фаолиятидаги эҳтиёжлари қайси йўналишларда эканлигини англаб етиш, ўзларидаги мавжуд қобилиятларни

намоён этиш ва турли хил халқаро дастурлар асосида ўқиш истагини амалга оширишда қайси субъект ташкилотларга мурожаат қилиш кераклиги жиҳатдан амалий ёрдамга муҳтожлик сезишини англаш мумкин.

И.Подласый ҳар бир педагогнинг касбий фаолияти, уларнинг касбий қобилиятлари билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб, асосий касбий қобилиятларни қуйидагиларга ажратган [125; 240-б.].

– ташкилотчилик қобилияти ўқитувчининг ўқувчиларни уюштириш, уларни банд қилиш, вазифаларни тақсимлаш, ишни режалаштириш, бажарилганларни умумлаштиришдаги ҳаракатларида намоён булади. Шу билан бирга, жамоани уюштира билиш, аҳиллик, бирдамлик ва ҳамкорликни вужудга келтириш, жамоа аъзоларини жипслаштира олиш, узининг шахсий фаолиятини тўғри ташкиллаштира олиш ҳам ушбу қобилият таркибига киради;

– дидактик қобилият ўқув материали, кўргазма, восита ва қурилмаларни танлаш ва тайёрлаш, ўқув материални тушунарли, таъсирли, пухта ва тизимли баён қилиш, ақлий қизиқишлар ва маънавий эҳтиёжлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш, ўқув-билиш фаоллигини ошириш қобилиятларида кўринади;

– перцептив қобилият тарбияланувчиларнинг ички дунёсига кира билиш, уларнинг ҳис-туйғулари ҳолати, руҳий кечинмаларини объектив баҳолай олиш, психологик кузатувчанлик, психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини идрок этиш каби қобилиятларидан иборат;

– коммуникатив қобилият ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар ва муассаса раҳбарлари билан педагогик мақсадли муносабатларни ўрнатиш, ўзаро ахборот алмашинув, алоқа қила олиш қобилиятларини ўзида мужассамлаштиради;


– суггестив қобилият ўқитувчининг ўқувчиларга эмоционал-иродали таъсир этиши, ишонтира олишидир;

– тадқиқотчилик қобилияти ўқитувчининг педагогик вазият ва жараёнларни англаш объектив баҳолаш малакаларидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай таълим жараёни самарали бўлиши учун у таълим оладиган шахснинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мос бўлиши лозим. Бу барча ёшдаги таълим олувчиларга хос бўлиб, айниқса, малака ошириш таълими учун муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, мактаб инглиз тили ўқитувчилари малака ошириш курсига, бугунги замон талабига мос ёндашувларни ўрганиш, янги метод, усул ва воситаларни ўзлаштириш, малака оширишга бўлган касбий эҳтиёжларини қондириш мақсадида юборилади. Лекин малака оширишга бўлган касбий эҳтиёжлар ҳар бир инглиз тили ўқитувчисига турлича бўлади. Бироқ шу бугунгача давом этиб келаётган анъанавий малака ошириш касбий эҳтиёжлари турлича бўлган тингловчиларни бир аудиторияга жамлаган ҳолда, умумийликка хос билим берилмоқда. Аслида ўтиладиган мавзу ким учундир қизиқарли бўлиши, кимнингдир касбий эҳтиёжи даражасига мос келиши ёки умуман ҳеч нарса у учун қизиқ бўлмаслиги, яъни ўзлаштирилиб бўлган билимдир. Натижада бу жараёнда билим исрофи ҳам вужудга келмоқда.

Маълумки, мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий педагогик фаолияти ва касбий компетентлигини ўрганишнинг тизимли таҳлили уларнинг касбий компетентлиги мотивацияли жиҳатларини очиб беришга имкон яратади ҳамда фаолиятидаги қийинчиликларни, ўқитувчи ижодий фаоллигининг манбаларини, ҳудудий омиллардан келиб чиқадиган қийинчиликларни аниқлашга ёрдам беради.

Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб инглиз тили ўқитувчилари касбий фаолиятининг асосий хусусиятларини қуйидагича шакллантирдик. (2.4-расм).



**2.4-расм . Инглиз тили ўқитувчилари касбий фаолиятининг асосий хусусиятлари.**

Юкоридаги мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланиши ҳамда шахсий сифатлари бўйича муҳим ҳисобланадиган, ўқув-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини яхшилашда уларнинг таъсирини оширувчи параметрларда кузатилган муаммолар малака оширишга бўлган касбий эҳтиёж сезилаётганлигидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида аниқланган муаммо ва камчиликлар бўйича инглиз тили ўқитувчисининг малака оширишга бўлган касбий эҳтиёжларини аниқлаш, индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалашда таркибий йўналишлар мазмунини белгилаш заруратини кўрсатади. Келтирилган илмий ҳулосалар ушбу заруратга қаратилган ёндашувларни тўлақонли амалга оширишнинг асосланганлигини таъминлайди.

Республикамиз биринчи президентнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1875-сонли қарорида ҳам халқаро талабларга жавоб берадиган дарсликлар ва методикаларни жорий этиш, инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетентлигини юқори даражага кўтариш каби бир қатор вазифалар белгиланган эди, аммо, шунча йиллар ўтишига қарамай, бугунги кунда ҳам хорижий тиллар ўқитувчиларининг ярми ўзлари ўқитаётган хорижий тилни талаб даражасида билмайди. Бунга сабаб олий таълимни битириб мактабда фаолиятини бошлаган айрим инглиз тили ўқитувчиларини фақатгина мажбурий 5 йилда бир маротаба малака оширишда билимини янгилайди (қисман), кейинги малака ошириш даврига қадар ўша билим билан фаолиятини ташкил этади. Аслини олганда инглиз тили фанини билиш ва уни ўқита билиш бир-биридан фарқ қилади. Хорижий тил ўқитувчиси учун хорижий тилни мукамал билиш, табиий ҳолатдир. Шунинг учун инглиз тили ўқитувчисининг компетентлиги давр талабларига мослигини



аниқлашда нафақат фан бўйича билимларини, балки дарс бериш маҳоратини ҳам ҳисобга олиш керак.

Инглиз тили ўқитувчисининг давр талабларига мос касбий фаолият олиб боришида унинг педагогик-коммуникатив қобилияти жуда муҳим ҳисобланади. Коммуникация (лот. *communicatio* – маълум қилиш, узатиш ва *communicare* – умумлаштириш, суҳбат қилиш, боғлаш, дарак бериш, топшириш) маъноси ижтимоий ўзаро таъсирни англатади. Ҳар қандай шахсий ҳаракат бошқа инсонлар билан бевосита ёки билвосита муносабатлар шароитида амалга оширилиши туфайли у коммуникатив йўналишни ўзига олади [104; 14-б.]. Демак, инглиз тили ўқитувчиларининг коммуникатив қобилияти ўзига хос педагогик шарт-шароитларни талаб этади. Чунки ўқувчи ўзлигини англаш билан бир қаторда ўзга миллат тили, дини, урф-одати, маданиятини тушуна олиши ва ўзга тилда сўзлаб бера олишида ўқитувчи маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун инглиз тили ўқитувчисининг касбий компетентлиги ҳар томонлама юқори бўлиши зарур.

Хулоса қилганда биринчидан, инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланиш траекториясини шакллантиришда касбий диагностикани тўғри ташкил этиш, таълим мазмунини лойиҳалашда тингловчиларнинг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини инобатга олиш зарур.

–иккинчидан, касбий диагностикани амалга оширишда асосий фактор ташқи таъсир асосида педагогнинг касбий эҳтиёж ва муаммоларини аниқлаш ва унинг моҳиятини англаш, уларни қондириш йўлларини топишга амалий кўмаклашиш бўлса, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, касбий фаолиятидаги камчиликларни англаш орқали касбий диагностикани амалга ошириш муҳим.

–учинчидан, малака оширишнинг барча ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда узлуксиз касбий ривожланишда натижадорликка эришиш

ва рағбатлантириш механизмларининг мукамал вариантыни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

–тўртинчидан, тадқиқот жараёнида ўтказилган касбий диагностика бугунги инглиз тили ўқитувчиларида қуйидаги касбий эҳтиёжлар мавжуд эканлигини кўрсатди: CEFR имтиҳонини қандай топшириш ва унга тайёрланиш йўналишлари; хорижий тилни ўқитиш методлари; Cefr бўйича 5 та, Ielts бўйича 4 та skills, ингиз тили амалий кўникмаларини баҳолаш йўллари;

## **2.2-§. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалаш**

Бугунги кунда халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, умумий ўрта таълимни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали асосларини яратиш мақсадида халқ таълими ходимларини касбий ривожлантиришнинг замонавий турлари ва шакллари кенг жорий этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25-январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон қарорида устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди[11]. Ушбу қарорга мувофиқ бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда узлуксиз таълим тизимининг ривожланиб боришига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги таълимни модернизация қилиш шароитида, умумий ўрта таълим тизими олдида қўйилган ижтимоий буюртмани ҳисобга олган

ҳолда, мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ва методик тайёргарлигидаги мавжуд камчиликларни уларнинг малакасини узлуксиз ошириш ҳамда ўз шахси ва касбий фаолиятини англаши, эҳтиёжларини англаган ҳолда фаолиятини таҳлил қила олиши ва ҳамкасблари билан таққослай олиши, ўз устида ишлаши, индивидуал малака ошириш траекторияси аниқлаган ҳолда ўз-ўзини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш орқали бартараф қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, юқоридаги қарор ижросини таъминлаш мақсадида .Халқ таълими вазирининг 2021 йил 19 апрелда “Халқ таълими ходимларини касбий ривожлантиришнинг замонавий турлари ва шакллари кенг жорий этиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғи қабул қилинди. Унда малака оширишнинг 5 та шакли: *ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, масофавий таълим, дуал таълим, мустақил таълим* кабилар тавсия этилган. Халқ таълими ходими ўзининг касбий эҳтиёж ва имкониятларидан келиб чиқиб мазкур малака ошириш шакллариининг бири орқали ўз касбий малакаларини ривожлантириб боради [24].

Ушбу малака ошириш шакллариининг 3 таси (*ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, дуал таълим, мустақил таълим*) педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ўрганилиши натижасида белгиланди.

*Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш шакли* педагогларнинг таълим жараёнидан бўш (таътили ёки методика кунлари) вақтига ихтисослашган таълим ташкилотида, таянч таълим муассасаларида, шунингдек, ходимларнинг бевосита иш жойида ўтказилиши режалаштирилади. Бундай таълим олиш педагогларнинг асосий фаолиятига таъсир этмаган ҳолда ташкил этилади.

*Дуал таълим олиш шакли* зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисмини педагоглар ихтисослашган таълим ташкилоти негизида олиб, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилиши белгиланган.

*Мустақил таълим олиш шакли* янги билим, кўникма ва малакаларни узлуксиз равишда мустақил ўзлаштиришни назарда тутиб, ўқув дастури таълим олувчи томонидан узлуксиз касбий таълим траекторияси асосида тузилади ва мустақил ўқишвоситасида ўзлаштиришни назарда тутди.

Юқорида кўриб чиқилган 3 та малака ошириш шаклларида ташқари яна 2 та: *ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (кундузги), масофавий малака ошириш* шакли ҳам белгиланган.

*Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш* ихтисослашган таълим ташкилотларида ўқитиш орқали амалга оширилади. Бунда, таълим муассасаларининг яқка тартибдаги топшириқлари йўналтирилган дастурлари асосида таълимнинг тегишли тури ўқув-тарбия жараёни мониторинги натижалари ва кадрлар тайёрлаш сифатини ҳисобга олиб, Давлат таълим стандарти талабларига, шунингдек, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган фанлар бўйича мақсадли касбий таълим дастурларини ўзлаштириш назарда тутилади.

Малака оширишнинг масофавий шаклида эса масофавий таълим ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишни назарда тутди. Ўқув жараёни графигига мувофиқ машғулотларнинг бир қисми тингловчилар билан контакт-сессиялар (аудиториядаги юзма-юз мулоқот) тарзида амалга оширилиши мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, педагогларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида қисқа муддатли (мақсадли, муаммоли ва муаллифлик) курсларининг ташкил этилиши бугунги давр талабидир. Қисқа муддатли курсларни яратишда профессор-ўқитувчиларга педагогларнинг касбий эҳтиёжларини ўрганиш, аниқланган эҳтиёжларга қараб ўқув модулларини ишлаб чиқиш, унга мувофиқ сифатли, турли хилдаги контентларни яратиш имконияти яратилади. Албатта, бу жараёнда ҳар бир профессор-ўқитувчи изланади, ўз касбий йўналишига тегишли анкета-сўровномаларини ишлаб чиқади, масъулият билан ёндашган ҳолда илмий тадқиқот олиб боради, замонавий инновацияларни татбиқ этган ҳолда ўз устида ишлайди.

Энди индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалашда “Узлуксиз касбий таълим” электрон платформасининг имкониятлари қандай эканлигига қисқача тўхталиб ўтамиз [140].

Платформанинг вазифалари халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизими фаолиятини ташкил этиш, ҳар бир ходимнинг малака ошириши жараёнларини мониторинг қилиш ва шахсий ҳисобини юритиш имкониятини таъминловчи ягона маълумотлар базасига асосланган, таълимнинг масофавий шаклини тўлиқ жорий этиш имконини берувчи тизимнинг электрон шакли бўлиб:

- махсус платформа «Tas-ix»да жойлаштирилгани ва персонал компьютер билан бирга мобил телефон орқали (android, ios) кириш имконияти;
- мустақил онлайн рўйхатдан ўтиш ва малака ошириш;
- ҳар бир тингловчининг шахсий кабинети;
- малака оширишни бошлашдан олдин касбий компетенциялар бўйича диагностикадан ўтиш;

- диагностика натижаларига асосан индивидуал касбий ривожланиш траекториясининг шаклланиши;
- индивидуал траекторияга асосан платформа томонидан эҳтиёжга асосланган курсларнинг таклиф этилиши;
- ҳар бир курсдаги алоҳида мавзу бўйича видеодарс, тақдимот, адабиётлар мавжудлиги;
- ҳар бир мавзудан кейин ўзлаштириш даражасини аниқлаш имконияти (агарда тингловчи маълум мавзунини ўзлаштириши паст бўлса, кейинги мавзулар очилмайди);
- раҳбар ва мутахассислар камида 30 соат (15 кредит), педагоглар 36 соат (18 кредит) малака оширишдан ўтгандан кейин малака оширганлик тўғрисидаги электрон сертификат;
- ҳар бир тингловчининг натижаларидан келиб чиқиб шахсий портфолиоси шаклланиши;
- муқобил малака ошириш шаклларида фойдаланиш учун муайян кредит тўплаш имконияти;
- малака ошириш даврида турли вебинарларда чекланмаган вақтда ва чекланмаган тингловчилар сони иштирок этиши (бунда тингловчи онлайн вебинарда иштирок этмаса, вебинарнинг архивини кўриши мумкин);
- вебинарлар ўтказиш пайтида турли онлайн сўровномалар ўтказиш имконияти;
- яратилган курслар сифатини баҳолаш (5 балли тизимда);
- тингловчилар ва мураббийлар ўртасида ўзаро мулоқот қилиш ва файл алмашиш;

– тингловчилар томонидан ўзларининг муаллифлик курсларини жойлаштириш ва бошқа тингловчиларга ўртоқлашиш имкониятларини тақдим этади.

Албатта бу имкониятлар малака оширишнинг янги самарали босқичларини бошлаб беришга, даврийлика асосланган, қатъий қолипдаги белгилаб берилган ўқув дастурларни ўқитишдан воз кечишга олиб келади.

Электрон платформа педагог кадрларнинг касбий эҳтиёжлари, компетенциявий бўшлиқларни аниқлашда кам вақт ва ресурс талаб қилади. Натижасига кўра, малака ошириш учун унга зарур ўқув модулларини тавсия этади. Индивидуал малака ошириш траекторияси бўйича ўқишни ташкил қилиб, мониторингини олиб боради, ўзлаштиришни баҳолайди. Курс якунида билим кўникмаларни ўзлаштирганлигини якуний баҳолайди ва сертификатлар тақдим қилади. Якуний баҳолашдан ўта олмаган педагогга қайта ўқиш имкониятини беради.

Албатта, юқоридаги имкониятларни тўла қонли амалга оширишда ҳамкорлик асосида субъектлар фаолиятини тўғри ташкил этиш жуда муҳимдир. Зеро, педагогларнинг малака ошириш жараёнини “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ташкил қилиш, ходимларнинг касбий эҳтиёжларини узлуксиз диагностика қилиб бориш орқали ишлаб чиқилган индивидуал касбий ривожланиш траекториясига мувофиқ малакасини ошириш тартибини амалиётга жорий этиш бугунги малака ошириш муассасалари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, хориж тажрибаси, илмий адабиётлар таҳлили ва кузатишларимиз натижаси ўқитувчи касбий фаолияти давомида таълим бериши, ўз-ўзини касбий ривожлантириш ва методик тайёргарлигини такомиллаштириши талаб этилади. Шунга кўра, педагоглар бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув даврида ўз-ўзини

ривожлантиришни шахсан англаб етиши, қабул қилиши муҳим аҳамият касб этади. Агар педагог ўз устида ишлашни, қолипдан чиқиб кетишни, ўз касбий эҳтиёжларини англаб етган ҳолда ўзгаришларни профессионал фаолиятимда акс эттира оламан деб қабул қила олса, бу унинг ўз-ўзини мустақил ривожлантириши, касбий эҳтиёжларини қондириши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, педагог ўз касбий фаолиятига нисбатан фаол ижобий муносабатни ҳис қила олса, касбий фаолиятидаги муҳим фазилатларни ривожлантириш зарурлигини ич-ичидан англаса, ана ўшандагина у касбий ривожланишга мотив топа олади. Бу орқали педагог узлуксиз касбий ривожланишнинг мақсадини, шаклларини, воситаларини, методик базасини ҳамда индивидуал малака ошириш траекториясини мустақил белгилай олади. Ушбу жараёнда унга ҳеч қандай объектив ва субъектив муаммолар тўсик бўла олмайди.

Кенг қамровли ва кўплаб ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги шароитда инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш тизимини ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда инновацион даражага кўтариш муҳим масала ҳисобланади. Шунингдек, мазкур жараёнда хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш мақсадида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, ўқитишнинг янги услуб ва шаклларини жорий этиш, давр талабларига жавоб берадиган адабиётларни яратиш, малака оширишнинг долзарб муаммоларини аниқлаш ва ечимини топишга қаратилган мақсадли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш жуда муҳим масаладир.

Тадқиқот давомида мактаб инглиз тили ўқитувчилари билан ўтказилган сўровномалар натижаси уларнинг малака ошириш индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш, амалга ошириш кўникмасига эга эмаслигини



кўрсатди. 2100 нафар инглиз тили ўқитувчиси қатнашган бўлса, шундан 78 фоизи мустақил ўз-ўзини ривожлантириш индивидуал таълим траекториясини туза олмаслигини ва уни амалга ошириш босқичлари тўғрисида умуман маълумотга эга эмас.

Шунингдек, амалдаги малака ошириш таълими муассасалари фаолияти (инглиз тили ўқитувчилари мисолида), ўқув режа ва дастурлар, натижавийлик, самарадорлик каби омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш малака ошириш жараёнида индивидуаллаштиришга деярли эътибор қаратилмаганлигини кўрсатди. Индивидуаллаштириш деганда албатта, инглиз тили ўқитувчисининг шахсий компетенциясини очиш, унинг дунёқарашини ўзгартириш, фаннинг имкониятларини англашга шароит яратиш, касбий ривожланишининг индивидуал таълим траекториясини мустақил шакллантириш тушунилади.

Индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш инглиз тили ўқитувчисини ўз масъулиятини англашга ёрдам берган ҳолда, ўз касбига мотивациясини уйғотиш, траектория, яъни касбий ривожланиш йўли орқали босқичма-босқич ўз ҳаракатларини амалга оширишга ундайди. Натижада инглиз тили ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантиришга қулай ва самарали йўлларни қидира бошлайди, ўзининг индивидуал хусусиятларини кашф этади, умумийликдан хусусийликка ўтиш орқали бошқалардан фаол эканлигини исботлашга уринади.

Бугунги кунда фаолият олиб бораётган мактаб инглиз тили ўқитувчиси бошқа йўналиш педагог кадрлари каби қуйидагича умумий малакага эга бўлиши керак (2.5-расм)



**2.5- расм. Умумтаълим мактаб англиз тили ўқитувчиларининг педагог сифатида фаолият юритиши учун зарур бўладиган умумий малакалар**

Шунингдек, қуйидаги компетенциялар мактаб англиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолиятга тайёрланганлигининг зарур ва етарли даражасини таъминлайдиган умумий талаблар ҳисобланади.

1. Педагогик компетенция.
2. Коммуникатив компетенция.
3. АКТ ва медиа компетенция.
4. Ўз-ўзини ривожлантириш, ўз устида ишлаш компетенцияси.
5. Масъулият ва мослашувчанлик компетенцияси.
6. Инклюзив таълимни олиб бориш компетенцияси.

7. Ўқувчиларнинг компетенцияларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.

1. Педагогик компетенция:

а. ўқувчиларнинг жисмоний, ижтимоий ва интеллектуал ривожланиш қонуниятларини билиши ва ушбу қонуниятлардан келиб чиқиб ўқувчиларнинг таълим олиш сифатини оширишга қаратилган турли стратегия, технология ва методлардан фойдалана олиши;

б. ўқувчиларнинг қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг таълимий эҳтиёжларини қондиришда таълим беришнинг дифференциаллашган ёндашувларидан фойдалана олиши;

в. таълим мазмуни ва стратегияларини тушунишини намойиш қила олиши;

г. ДТС, ўқув дастурлари ва баҳолаш меъзонларини инобатга олган ҳолда дарс режаларини туза олиши ва уларни амалга ошира олиши;

д. ўқувчиларда кечадиган когнитив жараёнларни яхши билиши;

е. таълим олдидаги долзарб мақсадларни қўя олиши ва уларни амалга оширишнинг самарали вазифаларини белгилай олиши;

ж. турли таълим ёндашувлари, стратегиялари, технология ва методларини тушуниши ва фарқлай олиши;

з. ўқувчиларда ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал эта олиш ва билимларини ривожлантиришга қаратилган турли таълим ёндашувлари, стратегиялари, технология ва методларидан фойдалана олиши;

и. ота-оналарни таълим жараёнига жалб этишнинг турли стратегияларини билиши;

к. синфни бошқариш ва ўқувчилар ўртасида турли тадбирларни ташкил эта олиши;

л. фан йўналишлари бўйича ўқитишнинг жорий қилинган техник-

дидактик воситаларини билиши;

м. ўқув хоналари, фан кабинетларининг намунавий жиҳозланиш нормативларини билиши ва улардан самарали фойдалана олиши;

н. тегишли жиҳоз, восита ва дидактик материаллардан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларини маҳорат билан ўтказиш.

## 2. коммуникатив компетенция:

а. ўқувчиларнинг синфдаги фаолиятини қўллаб-қувватлашда вербал ва невербал усуллардан фойдаланиш: фикрини билдириш, тузатишлар киритиш, олқишлаш, саволлар бериш;

б. бошқалар фикрини ҳурмат қилишни намойиш эта олиши;

в. бошқалар фикрига таъсир этувчи (ишонтира олиш, тўғрилаш, фикрни қарама-қарши қўйиш) мулоқот манералларини танлай олиши;

г. ўзаро муносабатларни ўрнатишга қаратилган (қўллаб-қувватлаш, конструктив, руҳлантирувчи) мулоқот манералларини танлай олиши;

д. таълим жараёни сифатини ошириш ва ўқувчиларнинг ўқув эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўз ҳамкасблари билан АКТнинг турли воситалари ёрдамида алоқа ўрната олиши ва ҳамкорлик қилиши;

е. таълим сифатини ошириш мақсадида глобал тармоқдаги ўқитувчиларнинг турли педагогик ҳамжамиятларида иштирок этиши;

ж. ота-оналар билан ўзаъро ҳурмат асосига қурилган муносабатларни ўрната олиши;

з. бошқаларнинг ҳуқуқлари ва ҳиссиётларини ҳурмат қилишга қаратилган мулоқот манералларини танлай олиш.

## 3. АКТ ва медиа компетенция:

а. АКТдан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган таълим стратегияларини танлай олиш ва улардан фойдаланиш;

б. таълим жараёнида АКТдан ҳавфсиз, масъулиятли ва ахлоқий нормаларга риоя этган ҳолда фойдаланишни намоиш эта олиши;

в. таълим мазмунига мос бўлган АКТни таълим жараёнига интеграция қилишнинг турли самарали таълим стратегия ва ёндашувларидан фойдалана олиши;

г. оммавий ахборот воситаларидаги медиа контентни тушуниши, медиа саводхонлик элементларини ўзида мужассам этган ҳолда уларни ўқувчиларда шакллантириш методикасига эга бўлиши;

д. турли хил шаклларда ва воситалар орқали ахборотларни таҳлил этиш, баҳолаш, бошқариш ва янги маълумотларни яратиши.

4. Ўз-ўзини ривожлантириш, ўз устида ишлаш компетенцияси:

а. ўқитувчиларга қўйилган талаблар ва умумтаълим фанларининг ДТСлари талабларидан келиб чиқиб ўз касбий маҳоратини ошириш режасини туза олиши;

б. касбий ривожланишига оид манбаларни аниқлай олиши, ўзининг ва мактаб эҳтиёжларидан келиб чиқиб касбий малакасини ошириш бўйича ўқувларни танлай олиши ва уларда иштирок этиш;

в. ўз касбий билим ва маҳоратини оширишда ҳамда педагогик амалиётини такомиллаштиришда коллегиял форумлардаги муҳокамаларда иштирок этиш.

5. масъулият ва мослашувчанлик компетенцияси:

а. таълим жараёнида юз бераётган турли ўзгаришларга ва янгиланиш жараёнларига тез ва осон мослаша олиши;

б. таълимдаги янги ёндашув ва стратегияларни қабул қила олиши, уларни эгаллаши ва ўз касбий амалиётига жорий эта олиши;

в. турли ҳил роллар, вазифалар ва масъулиятларни қабул қила олиши;

г. ўзига, иш ўрнида ва ҳамжамият миқёсида масъулиятли бўлиши;

д. ўзига ва бошқаларга нисбатан юқори марра ва стандартларни белгилаш ва уларга эришиш.

б. инклюзив таълимни олиб бориш компетенцияси:

а. имконияти чекланган ўқувчиларни таълим жараёнига жалб қилишга оид қонун ҳужжатларини билиши ва уларни таълим олишларида қўллаб-қувватлашнинг турли стратегияларини билиши;

б. имконияти чекланган ўқувчиларни таълим жараёнига жалб этишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий эта олиш;

в. тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлашда юзага келадиган муаммоларни самарали хал эта олиши.

7. ўқувчиларнинг компетенцияларини ҳолисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати:

а. ўқувчилар билимлари ва компетенцияларини баҳолашнинг турли стратегияларидан, яъни расмий ва норасмий, диагностик ва умумий ёндашувга асосланган баҳолаш усулларидан фойдалана олиши;

б. ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини, билим ва компетенцияларини баҳолашга қаратилган турли усул ва воситаларни танлай олиши;

в. баҳолашни таълим жараёнининг ажралмас қисми сифатида тан олиши, у орқали ўқувчилар билан тесқари алоқани ўрната олиши;

г. ўқувчилар ўзини баҳолаши, ўқувчилар бошқа ўқувчиларни баҳолаши ва ўқитувчи томонидан баҳолаш ёндашувларидан кенг фойдаланиши;

д. ўқувчиларнинг компетенцияларини баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш ва ушбу таҳлиллар асосида педагогик амалиётга ўзгартиришлар киритиш ва ўзининг педагогик фаолиятидаги кейинги қадамларни белгилаши;

е. ота-оналарни ўқувчиларнинг ўзлаштиришини кўрсатувчи баҳолаш натижалари билан ўз вақтида таништириб бориш.

Педагогнинг касбий фаолияти, ундаги касбий қобилиятлар, ўзининг шахсий хусусияти билан ўзаро боғлиқ бўлиб, асосий касбий қобилиятларни И.Подласый куйидагича гуруҳлаган [125; 240-б.]:

– ташкилотчилик қобилияти ўқитувчининг ўқувчиларни уюштириш, уларни банд қилиш, вазифаларни тақсимлаш, ишни режалаштириш, бажарилганларни умумлаштиришдаги ҳаракатларида намоён бўлади. Шу билан бирга, жамоани уюштира билиш, ахиллик, бирдамлик ва ҳамкорликни вужудга келтириш, жамоа аъзоларини жипслаштира олиш, ўзининг шахсий фаолиятини тўғри ташкиллаштира олиш ҳам ушбу қобилият таркибига киради;

– дидактик қобилият ўқув материали, кўргазма, восита ва қурилмаларни танлаш ва тайёрлаш, ўқув материални тушунарли, таъсирли, пухта ва тизимли баён қилиш, қлий кизикишлар ва маънавий эҳтиёжлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш, ўқув-билиш фаоллигини ошириш қобиларда кўринади;

– перцептив қобилият тарбияланувчиларнинг ички дунёсига кира билиш, уларнинг ҳис-туйғулари ҳолати, руҳий кечинмаларини объектив баҳолай олиш, психологик кузатувчанлик, психик ҳолатлари билан боғлиқ нозик томонларини идрок этиш каби қобилиятларидан иборат;


– коммуникатив қобилият ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, ҳамкасблар, муассаса раҳбарлари билан педагогик мақсадли муносабатларни ўрнатиш, ўзаро ахборот алмашинув, алоқа қила олиш қобилиятларини ўзида мужассамлаштиради;

– суггестив қобилият ўқитувчининг ўқувчиларга эмоционал-иродали таъсир этиши, ишонтира олишидир;

– тадқиқотчилик қобилияти ўқитувчининг педагогик вазият ва жараёнларни англаш ва объектив баҳолаш малакаларидан иборат.

Юқорида санаб ўтилган касбий фаолият, шахсий сифатлар бўйича инглиз тили ўқитувчисининг таъсирини оширувчи муаммолар унда малака оширишга бўлган эҳтиёж сезилаётганлигидан, шу касбий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, касбий ривожланиш индивидуал таълим траекториясини шакллантириши мумкин бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, инглиз тили ўқитувчисининг индивидуал таълим траекториясини шакллантиришнинг биров мураккаблиги бошқа фан мутахассларидан фарқли ўлароқ касбий эҳтиёжларни аниқлаш шахснинг ички қобилиятлари билан боғлиқ жиҳатларга бориб тақалади. Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарган ҳолда мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг кўшимча индивидуал таълим траекториясини тузиш алгоритмини ишлаб чиқдик. (2.6- расм)



**2.6- расм. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг кўшимча индивидуал таълим траекториясини тузиш алгоритми**



Дарҳақиқат, ўз-ўзини таҳлил қилиш (ўз касбий ва методик тайёргарлик даражаси, жамият талаблари асосида ижтимоий тайёргарлиги, таълим олиш имкониятлари, шахсий сифатларини таҳлил қилиш, фаолиятини танқидий баҳолаш, касбий эҳтиёжлари йўналишларини аниқлаш, инглиз тили ўқитувчиси сифатида халқаро талабларга жавоб бера олиш даражасини аниқлаш жараёни ҳар бир инглиз тили ўқитувчисининг ўзига боғлиқ.

Ушбу талаблардан ташқари инглиз тили ўқиувчисига бугунги давр талаби халқаро тан олинган малака ошириш курслари (TKT, TESOL, TEFL, CELTA ва бошқ.)да ўқиб сертификат олиш ҳақидаги мавжуд билимлари, унинг моҳиятини англаб етганлик даражаси, уларни эгаллаш йўллари, усуллари, кимга ва қаерга мурожаат қилиш кўникмаларига эга бўлиши муҳимдир. Давлат таълим стандартига кўра, умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиси ўқувчиларни ҳар қандай мавзунини тинглаб тушуниши, гапира олиши, ўқиш, ёзиш, фикрлай олиши, ўз фикрларини бемалол тушунтира ва ўткази олиш лаёқатларини шакллантира олиши керак. Бунинг учун униг ўзи ушбу талабларга жавоб бериши зарур. Шунингдек, касбига оид билимига, малакасига ва кўникмасига қўйиладиган талабларга, яъни малака талабларига нисбатан касбий диагностик таҳлил қилинганда эҳтиёжлар йўналиши аниқланса шулар режалаштириладиган малака оширишнинг предметини ташкил қилиб, унинг индивидуал касбий ривожланиш дастури мазмунини белгилаши лозим.

Шунингдек, мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалаш индикаторларини ишлаб чиқишда уларнинг функционалиги ва коммуникатив таъсирини ошириш жараёнларига асосий объект сифатида қаралиб, касбий компетенциялар таркибини креатив фикрлаш элементи асосида кенгайтирилди (2.1-жадвал) ,

Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини лойиҳалаш индикаторлари

Индикаторлар йўналиши	Индикаторлар мазмуни	Касбий ривожланиш траекторияси мазмуни
Ўқитувчилик фаолияти.	8 та	
Ўқитиш сифати даражаси	6 та	
Методик ишлар	7 та	
Маънавий –маърифий соҳадаги фаолияти	4 та	
Ўқитишда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси	13 та	
Тарбиявий фаолияти	3 та	
Илмий тадқиқотчилик фаолияти	12 та	
Мустақил ўз-ўзини ривожлантириш кўникмаси	5 та	
Шахсий фаолияти	5 та	

Шунингдек, ушбу жадвал орқали индивидуал касбий ривожланиш траекторияси ишлаб чиқилди. 2.2-жадвал.

Т/р	Касбий ривожланиш ресурслари	Амалга ошириш босқичлари	Амалга ошириш вақти	Манзил	Қўлга киритилган натижа
<b>1</b>	<b>Ташқи таълим ресурслари</b>				
1.1.					
<b>2</b>	<b>Ички ресурслар</b>				
2.1.					
<b>3.</b>	<b>Селф менежмент - ўз-ўзини ривожлантириш</b>				
3.1.					
<b>4.</b>	<b>Ўзаро ҳамкорликда ўрганиш</b>				
4.1.					

Тажриба-синов жараёнида 2.3 жадвал орқали тингловчиларнинг касбий ривожланиш траекторияси мазмуни аниқлангандан кейин 2.1-жадвал асосида уни амалга ошириш йўл харитаси мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича белгиланган вазифаларнинг мантиқийлиги ва

аниқлиги, вазифаларни амалга оширишга қаратилган устивор тадбирларнинг тўғри белгиланганлиги, белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмларининг тўғри танлангани, вазифаларни амалга ошириш муддатлари ва масъулларнинг тўғри белгилангани, кутилаётган мақсад ва натижаларнинг қўйилаётган вазифаларга муносиблиги инобатга олинган ҳолда шакллантирилди.

Албатта, узлуксиз малака ошириш индивидуал таълим траекториясини аниқлашда субъектлар ҳамкорлиги йўлга қўйилди ва уларнинг вазифалари белгилаб берилди.

Таҳлил натижаларига кўра касбий фаолият ва шахсий сифатларга таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича яқка тартибдаги касбий ривожланиш режаси (дастури) ишлаб чиқилади ва аниқ бир муддат асосида сифатли бажарилиши таъминланади. Индивидуал касбий ривожланиш дастурида қайд этилган муаммо ва камчиликлар босқичма-босқич амалга оширилади.

Бир неча босқичли тажриба-синов давридаги тингловчилар билан ўтказилган суҳбатлар ва анкета сўровномалари натижалари мактаб инглиз тили ўқитувчиларига касбий – профессионал ривожланиш учун кенг имкониятлар яратиш зарурлигини кўрсатди. Масалан, бугунги кунда амалага оширилаётган яхши лойиҳалардан бири бу халқаро таълим бўйича Америка Кенгашлари ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган English Speaking Nation: Secondary Teacher Training (ESN) - Инглиз тилида сўзлашадиган миллат: Мактаб ўқитувчилари малакасини ошириш (ESN) - бу Ўзбекистондаги АҚШ элчихонасининг Жамоатчилик билан Алоқалар бўлими (PAS)нинг дастури асосида ўқитишни йўлга қўйилганлигидир. Ушбу уч йиллик дастур мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекторияси асосида узлуксиз касбий ривожланишини ташкил этиш учун, биринчидан, уларга мустақиллигини ҳар томонлама таъминлаб берувчи, ички қобилиятларини кўрсата олишига имкон берувчи, рағбатлантирувчи, ўз-ўзини ривожлантиришга мотивация берувчи малака ошириш муҳитини яратиш зарур.

иккинчидан, мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш бўйича ўқув дастурини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, платформа орқали халқаро стандартдаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш учун малака ошириш курслари контентлари (видеодарслар ва интерактив дастур)ларни яратиш;

учинчидан, инглиз тили ўқитувчиларининг халқаро тан олинган малака ошириш курслари (TKT, TESOL, TEFL, CELTA ва бошқ.)да сертификатлаштириш тизимини малака ошириш жараёнида ҳам амалга оширишни йўлга қўйиш ва туман, шаҳар хорижий тиллар методистларини қисқа муддатли мақсадли малака ошириш курсларига жалб этиш;

тўртинчидан, халқ таълими тизимидаги малака ошириш марказлари чет тиллари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти ва билим даражасини аниқлаш, аниқланган касбий эҳтиёжлар ва билимдаги бўшлиқлар асосида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳамда ушбу курсларга хорижий мутахассисларнинг тренер сифатида ўқув-машғулотларини ўтказиш учун жалб этиш мақсадга мувофиқ.


### **2.3-§. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларини узлуксиз касбий ривожлантириш омиллари**

Мамалакатимизда 2012 йилдан бери бери хорижий тилларни чуқур ўрганиш учун шароитлар яратилиб келинмоқда. Тадқиқот жараёнида олиб

борилган таҳлилларимизга таянадиган бўлсак ҳали ҳам ушбу соҳада муаммолар жуда кўп. Жумладан, таълим тизимида 2 мингдан ортиқ чет тили ўқитувчиси лавозими вақант бўлиб қолаётгани, 1 минг 400 та мактабда чет тилни ўқитиш сифати мутлақо қониқарсизлиги, бу тизимдаги ўқитувчиларининг атиги 4 фоизи миллий ва халқаро тил сертификатига эга экани, 49 фоизи тестдан ўта олмаганлиги [140] республикадаги инглиз тили ўқитувчиларнинг касбий копетентлигини жадал равишда давр талабларига мослаштириш зарур эканлигини кўрсатади. .

Ҳақли савол туғилади: бугунги кунда мактабларида фаолият олиб бораётган инглиз тили ўқитувчилари давр талабларига қай даражада жавоб бера олади. Уларнинг асосий муаммолари нимада? Масалан, тадқиқот доирасида мактаб инглиз тили ўқитувчилари билан суҳбатлашганимизда аттестацияда қатнашган ўқитувчилар тестлар C1 даражадаги тестлар эканлигини айтишди. Инглиз тили мутахассиси сифатида шуни айтаманки ҳар бир чет тили ўқитувчиси ўз фанини яхши англаган ҳолда мукамал билиши лозим.

Инглиз тили ўқитувчилари билан ўтказилган анкета-сўровномаси орқали Сиз касбий фаолиятингизда, яъни кўникмангизда тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва гапириш (Writing, reading, listening, speaking) лардан қайси бирига эҳтиёж сезяпсиз? – деган савол билан муурожаат қилинганида Writing – ёзув, reading – ўқишда муаммо йўқ, аммо listening – тинглаб тушуниш ва speaking – гапириш аксарияти учун қийинчилик туғдиришини, айниқса, республиканинг вилоят қишлоқлари таълим муассасаларида дарс берувчилар бу муаммолар кўпроқ эканлиги маълум бўлди.



2.7-расм. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал касбий ривожланиш траекторияси орқали малакасини ошириш модели

**Умумий ўрта таълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларини узлуксиз касбий ривожлантириш омиллари.** Дарҳақиқат, жаҳонда таълим муассасалари мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий билимлари ва амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, уларнинг инглиз тилини замон талаблари даражасида ўқитиш салоҳиятини ошириш, касбий компетенцияларини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда асосий эътибор инглиз тили ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш муаммоларига қаратилган бўлиб, уларда айнан мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожланишини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар етарли даражада тадқиқ этилмаган. Бу эса, уларнинг салоҳиятини оширишда бир томонлама ёндашувнинг вужудга келганини кўрсатади.

Мамлакатимизда инглиз тили ўқитувчиларининг касбий малакаларини ривожлантириш тизимини рейтинги юқори мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш механизмининг илмий жиҳатдан асослаб беришга эҳтиёж сезилмоқда. Шу боисдан ҳам бугунги кунда инглиз тили ўқитувчилари касбий малакасини ошириш тизими хориж тажрибасини чуқур таҳлил этиш ва ўрганиш ҳамда ижобий жиҳатларини амалиётга жорий этиш долзаб вазифалардан бири ҳисобланади.

Узлуксиз касбий ривожланиш тизимининг жорий қилиниши даврийликни назарда тутувчи аввалги тартибга хос бўлган қуйидагича қатор зиддиятлар ва муаммоларни бартараф этади.

- ходимларнинг яшаш ва ишлаш жойидан бир ойга ажралишига ҳожат қолмайди;

- 30-36 соатлик дастур бўйича ўқишни ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга ошириш ходим ва унинг иш берувчиси учун ортиқча мураккабликларни келтириб чиқармайди;

- 30-36 соатлик дастур бўйича ўқишни ўқитувчиларнинг методика кунларида, ўқувчиларнинг таътили вақтида, шунингдек, масофадан ўқиш ва мустақил таълим шаклида амалга ошириш ҳам мумкин;

- мустақил таълим шаклида “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформасидан фойдаланган ҳолда малака оширишда ўқиш муддатларини ва суръатларини ходимнинг ўзи белгилайди;

- мазкур янги тизимда режа бажарилгани ёки гуруҳ тўлгани учун ўқишга қабул қилмаслик муаммолари мавжуд эмас;

“Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси муҳитида малака оширишда таълим олиш жараёни ходимнинг касбий ривожланишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш асосида шакллантирилган индивидуал касбий ривожланиш траекториясига биноан ташкил қилинади.

Лекин шу ўринда яна бир масалани муҳокама қилиб ўтиш мақсадга мувофиқ малака ошириш индивидуал таълим траекторияси педагогнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, мақсадли, кредит-модул тизими асосида тузилади, деб айтилсада, амалиётда барча тоифалар бўйича халқ таълими муассасалари педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш курсининг янги намунавий ўқув дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Дастур 36 соатга мўлжалланган бўлиб, ўқув дастурида соатларнинг турли модулларга аниқ ажратилган ҳолда бўлиниши ва модуллар мазмунининг муайян қолипга солиб қўйилиши кузатилмоқда. Энди ҳақли савол туғилади - модуллар дастури вариатив, яъни танлов асосида яратилиши лозим эмасми?.



Ҳар қандай янгиликни жорий этишдаги каби узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этишда ҳам қуйидаги ўзига хос мураккабликлар мавжуд:

- катта ёшдаги айрим ходимларга хос бўлган янги тизимга ўтишдаги ҳадиксираш туфайли, ўрганиб қолган ўқиш тарзини маъқул кўриш;

- ходимларда мустақил таълим олиш, ўқув материалларини таҳлилий ва танқидий ўрганиш кўникма ва малакаларининг етишмаслиги;

- узлуксиз касбий ривожланиш бўйича ўқув модулларини янги билимларни ўзлаштириш учун эмас, балки назорат саволларига бир амаллаб жавоб топиш орқали ўзлаштиришга ҳаракат қилиш;

- ҳар бир малака ошириш йўналиши бўйича ўқув модуллари контентини яратишга доир ишлар кўламининг катталиги.

Мазкур муаммолар вақтинчалик тавсифга эга бўлиб, аста-секин ўзининг ечимини топади.

Бизнингча, мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий билимлари ва амалий кўникмаларини қисқа фурсатларда самарали ривожлантириш учун республикамиздаги барча мактаб инглиз тили ўқитувчиларини касбий фаолиятдан ажралмаган ҳолда доимий тарзда узлуксиз ривожлантириб боришни таъминловчи малака ошириш механизмининг яратиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, “Узлуксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси муҳитида малака оширишдан ташқари, касбий ривожланишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш асосида профессионализми юқори бўлган тренерлик қобилияти бор инглиз тили ўқитувчиларини саралаб олиш ишлари амалга оширилиб ҳар битта тумандан 5 тадан замон талабига жавоб берадиган, рақобатбардош тренерларни ажратиш олиш зарур. Улар Тошкент шаҳар ва

худудий ХТМО лар томонидан қисқа муддатли курсларда сифатли тайёрланиши лозим.

Бунинг учун қуйидаги вазифаларни босқичма-босқич бажаришни талаб этилади:


- фанни замонавий талаблар асосида ўқитиш методикаси бўйича қисқа муддатли курснинг ўқув-услугий таъминотини бир марта тайёрлаш эмас, балки уни узлуксиз ривожлантириб, янгилаб бориш (яратиш);

- яратилган ўқув-услугий контентларнинг тингловчилар томонидан қисқа муддатли курсларда ўз вақтида ўзлаштиришини назорат қилиб боришни таъминлаш;

- қисқа муддатли курсларда машғулотларни олиб борувчи маърузачи инглиз тили ўқитувчиларини бир марта эмас, балки доимий тарзда фаолият кўрсатувчи тренер сифатида тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини узлуксиз ошириб бориш;

- албатта бу тренерлик курсларида ўз касбий маҳоратини оширишга инглиз тили ўқитувчилари ўзининг туман кесимидаги мактаб инглиз тили ўқитувчиларига тренерлик курсларини ташкил этиб, уларнинг индивидуал таълим траекториясини амалга оширишда кўмаклашиши мақсадга мувофиқ. Фақат шу йўллар билан тез фурсатда республикадаги инглиз тили ўқитувчиларининг бугунги давр талабларига жавоб бера оладиганлари сафини кенгайтириш мумкин.

*Юқоридаги босқичларни қамраб олган қисқа муддатли малака оширишининг янги механизми қуйида келтирилган (2.8-расм).*



**2.8 - расм. Кўп сонли ўқитувчилар малакасини узлуксиз оширишнинг доимий ҳаракатдаги қисқа муддатли курсларини ташкил этиш механизми.**

Ҳар ҳафтада (1 кун давомида) ўтказиладиган мазкур малака ошириш курсларининг асосий мақсади инглиз тили ўқитувчиларининг оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантириш, умумтаълим мактабларида болаларни бошланғич синфларда ўқитишга урғу берган ҳолда хорижий тилларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, методик қўлланмалардан фойдаланишда ўқитувчиларга ёрдам бериш, инглиз тили ўқитувчиларининг лавозим маошига ойлик устамани олиш учун тест синовларидан ўтишга тайёрлаш, шунингдек, уларнинг доимий равишда мустақил тарзда узлуксиз касбий ривожланишларини рағбатлантиришдан иборат.

Бундай қисқа муддатли курсларнинг ташкил этилиши умумтаълим мактаб ўқитувчиларига ўзи истиқомат қиладиган жойларидан ажралмаган ҳолда малака ошириши, қисқа муддатли курсларда олган янги билимларини амалда қўллаш, касбий фаолиятида дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратади.

Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчисининг узлуксиз ўз-ўзини ривожлантириш омилларлари қуйидагилар.

Инглиз тили ўқитувчиси ўзининг коммуникатив қобилиятини намоён этишда ўқувчи билан бўладиган мулоқот жараёни мазмунини лойиҳалаштириш муҳим педагогик омил ҳисобланади.

Инглиз тили ўқитувчисининг коммуникатив қобилиятини такомиллаштириш, фаолият жараёнида намоён этишда унинг нутқ маданиятига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан нутқнинг:

- сермазмунлиги;
- софлиги;
- аниқ ва равонлиги;
- жиддийлиги;
- жозибадорлиги, жарангдорлиги;
- инглиз тили грамматик қоидаларига мослиги;
- тушунарлилиги;
- содда ва оммабоп характерда бўлиши талаб этилади.

Инглиз тили ўқитувчиси коммуникатив қобилияти фаолият жараёнида намоён бўлади.

Бизнинг назаримизда коммуникатив фаолият жараёни қуйидаги таркибий қисмлардан иборатдир:

- ўқув жараёнини лойиҳалаштириш;

- жараённи инновацион ташкил этиш;
- ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги коммуникатив ҳамкорлик (коммуникатив қобилият асосида);
- ўқув-коммуникатив ҳамкорликни бошқариш;
- натижани баҳолаш, келгуси фаолиятни дастурлаштириш.

Албатта, бу жараённи самарали ташкил этишда нафақат ўқитувчидан балки ўқувчидан ҳам коммуникатив қобилият талаб этилади.

Демак, бу жараёнда ҳар иккала субъектнинг фаоллиги, ижодий ҳамкорлиги талаб этилади.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– Инглиз тили ўқитувчиларининг ижтимоий хусусиятлари ва ижтимоий-педагогик позициялари. Малака ошириш жараёнида уларнинг қандай позицияга эгаллигини билиш (давр талабларини англаши, янгиликларга очиқлиги ва ҳоказо ) ва шунга қараб ёндашишни тақозо қилади;

– инглиз тили ўқитувчиси қобилият, коммуникатив қобилият, педагогик қобилият каби бир-бири билан боғлиқ шахсий хусусиятларни ўз устида доимий ишлаш орқали ривожлантириб бориши унинг маҳоратли касб эгаси бўлишида замин бўлиб хизмат қилади;

– инглиз тили ўқитувчиси коммуникатив қобилиятининг ўзига хос педагогик шарт-шароитлари, педагогик рефлексияси, йўналишлари, маҳорат мезонлари, унинг касбий компетенциясини намоён этишда, шахсий қобилиятини чархлаб боришида муҳим омил ҳисобланади;

– инглиз тили ўқитувчиси коммуникатив қобилиятини намоён этишнинг асосий мезонларидан бири – унинг нутқ маданияти, лингвистик, социолингвистик лаёқатлилиги ҳисобланади;

– инглиз тили ўқитувчиси коммуникатив қобилиятини намоён этишда, маҳоратини ошириб боришда ўқув жараёнини технологик лойиҳалаштириш, алгоритмлаш, натижани олдиндан ташхислаш ва уни инновацион бошқариш муҳим аҳамият касб этади.

## **Иккинчи боб бўйича хулосалар**

Мазкур бобда келтирилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ҳар қандай янгиликни жорий этишдаги каби педагогларнинг узлуксиз касбий ривожланиш тизимини жорий этишда ҳам қуйидаги ўзига хос мураккабликлар мавжуд:

- катта ёшдаги айрим ходимларга хос бўлган янги тизимга ўтишдаги ҳадиксираш туфайли, ўрганиб қолган ўқиш тарзини маъқул кўриш;
- педагогларда мустақил таълим олиш, ўқув материалларини таҳлилий ва танқидий ўрганиш кўникма ва малакаларининг етишмаслиги;
- узлуксиз касбий ривожланиш бўйича ўқув модулларини янги билимларни ўзлаштириш учун эмас, балки назорат саволларига бир амаллаб жавоб топиш орқали ўзлаштиришга ҳаракат қилиш;
- ҳар бир малака ошириш йўналиши бўйича ўқув модуллари контентини яратишда малака ошириш ҳудудий марказларининг имконияти етишмаслиги.

2. Тадқиқот иши жараёнидаги хулосаларга кўра инглиз тили ўқитувчилари касбий фаолиятида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва гапириш (Writing, reading, listening, speaking) лардан Writing – ёзув, reading – ўқишда муаммо йўқ эканлиги, аммо listening – тинглаб тушуниш ва speaking

– гапириш аксарияти учун қийинчилик туғдириши, айниқса республиканинг вилоят қишлоқларида фаолият олиб бораётган инглиз тили ўқитувчиларида муаммолар етарли.

3. Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланиш траекториясини шакллантиришда касбий диагностикани тўғри ташкил этиш, таълим мазмунини лойиҳалашда тингловчиларанинг касбий қийинчиликлари ва эҳтиёжларини инобатга олиш, касбий диагностикани амалга оширишда асосий фактор ташқи таъсир (субъектив) асосида педагогнинг касбий эҳтиёж ва муаммоларини аниқлаш ва унинг моҳиятини англаш, уларни қондириш йўллари топишга амалий кўмаклашиш бўлса, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, ҳис этган ҳолда касбий фаолиятидаги камчиликларни англаш орқали касбий диагностикани амалга ошириш, малака оширишнинг барча ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда узлуксиз касбий ривожланишда натижадорликка эришиш ва рағбатлантириш механизмларининг мукамал вариантини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4. Тадқиқот жараёнида ўтказилган касбий диагностика бугунги инглиз тили ўқитувчиларида қуйидаги касбий эҳтиёжлар мавжуд эканлигини кўрсатди: CEFR имтихони қандай топшириш ва унга тайёрланиш йўналишлари; хорижий тилни ўқитиш методлари; Cefr бўйича 5 та, Ielts бўйича 4 та skills, ингиз тили амалий кўникмаларини баҳолаш йўллари.

5. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларини узлуксиз касбий ривожлантиришда барча масъул субъектларг мавжуд назарий ва амалий муаммоларни аниқлаши, малака оширишга бўлган эҳтиёжларни ўрганиши ва унга таъсир этувчи омиллар (иш тажрибаси, касбий ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотивлар, касбий фаолиятидаги қийинчиликлар ва компетенциявий бўшлиқлар) ва малака оширишнинг ташкилий-педагогик

шарт-шароитларини аниқлаштириш асосида малака ошириш буюртмаларини шакллантириш масъулиятини ошириш зарур.

6. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекторияси асосида малака оширишини ташкил этишда тингловчиларнинг индивидуал хусусиятлари, имкониятларини, ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишда бугунги давр талабларини ва худудий омилларни инобатга олган ҳолда малака ошириш шакли, учуллари ва вақтини эркин танлашига имконият яратиш, шунингдек уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган курсларни ташкил этишни механизмини йўлга қўйиш қисқа муддатларда самарали натижа беради.

7. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекториясини тузишга қулай шароит яратиш мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш самарадорлиги ва натижадорлигига бўлган масъулиятнинг ортиши, ўз мақсадини тўғри англаган ҳолда белгилай олиши, амалга ошириши, ўз-ўзини ривожлантиришга мотивациянинг ортишини кўрсатди.

8. Мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий билимларини ва амалий кўникмаларини қисқа фурсатларда самарали ривожлантириш учун республикамиздаги барча мактаб инглиз тили ўқитувчиларини касбий фаолиятдан ажралмаган ҳолда доимий тарзда узлуксиз ривожлантириб боришни таъминловчи малака ошириш механизмини яратиш зарур.



## **Ш.БОБ. УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ ТРАЕКТОРИЯСИ АСОСИДА МАЛАКА ОШИРИШ МЕХАНИЗЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

### **3.1-§. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларини индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш асосида малака ошириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этилиши**

Халқ таълими ходимларининг амалда бўлиб турган малака ошириш тартиби, бугунги кунга келиб, педагогларнинг мунтазам ўзгариб бораётган касбий эҳтиёжларини қондиролмай қолди. Шу боис педагогларни даврий равишда эмас, балки доимий равишда ўқитиб бориш, индивидуал таълим траекторияси асосида малака оширишини ташкил этиш долзарб масалага айланиб қолди.

Тадқиқот иши тажриба-синов ишларини тўғри ташкил этиш мақсадида тажриба–синов дастури ишлаб чиқилди. Ушбу тажриба дастурида олиб бориладиган жараённинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди. Тажриба-синов ишининг мақсади умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекториясини лойиҳалаш ва шу асосда малакасини ошириш тартиби, илмий ёндашувларнинг самарадорлик даражасини математик-статистик таҳлил усуллари орқали баҳолаш ҳамда натижаларни амалиётга татбиқ этишдан иборат этиб белгиланди.

Тажриба-синов ишлари аникловчи ва шакллантирувчи (2019-2021) боскичларда ўтказилди. Тажриба-синов майдончалари сифатида Самарканд, Фарғона ва Наманган ХТХҚТМОХМлари танлаб олинди.

Аникловчи ва таъкидловчи боскич - амалдаги анъанавий малака ошириш шакли юзага келтираётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш, тингловчиларнинг амалдаги малака оширишга муносабатини аниқлаш,

Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий эҳтиёжларини аниқлаш, ўз-ўзини ривожлантириш имкониятларини таҳлил қилиш, индивидуал таълим траекториясини шакллантириш ва шу асосда малака оширишни ташкил этишдаги мавжуд билимларини аниқлаш имконини берди. Ушбу йўналишдаги тажриба-синов ишлари тадқиқот илмий фаразига ойдинлик киритиш ва унинг концепциясини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, натижаларидан ушбу диссертациянинг биринчи бобидаги мавзунинг долзарблигини асослаш ва ёритиб бериш, назарий режалаштириш, умумий ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш тизимини такомиллаштириш йўналишлари ва уларнинг мазмунини белгилашда фойдаланилди. Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги натижалар (олинган кўрсаткичлар) тадқиқот учун дастлабки муаммоларни ифода этган ҳолда дастлабки ҳолатни кўрсатиб, кейинги босқичларда уни тажрибанинг якуний ҳолати билан солиштириш ва натижадаорлигини изоҳлаш, хулосалаш имкониятини юзага келтирди.

Шакллантирувчи ва якунловчи босқичда умумий ўрта таълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларига индивидуал таълим траекторияси нима, уни қандай лойиҳалаштириш мумкин, уни амалга оширишда қандай вазифалар бажарилади, унинг натижаларини қандай таҳлил қилиш мумкин, самараси қандай аниқланади каби вазифалар тингловчиларга амалий жиҳатдан ўргатилди. Мазкур йўналишдаги тажриба-синов ишлари аввалги йўналишда аниқланган дастлабки назорат ҳолати билан таққослаш имконини бериб, ташкилий-педагогик шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда яхшиланганлик даражасини аниқлаш ҳамда математик-статистик таҳлил қилиш имконини юзага келтирди.

Тажриба-синов жараёни куйидаги йўналишлар бўйича ташкил этилиб, тингловчиларнинг амалдаги малака оширишга муносабатларини ўрганиш

тадқиқот доирасида шакллантирилган тасдиқланувчи ва даражаланувчи саволлардан иборат анкета сўровномалари ўтказилди. Ишлаб чиқилган тасдиқланувчи анкеталарда маълум саволга аввалдан белгиланган жавоблардан бирини катъий тасдиқлаш шarti киритилади ва иштирокчи мазкур жавобларнинг бирини танлади, шунингдек, ўз фикрларини, тақлифларини анкета якуний қисмига баён этди.

Шунингдек, тажриба гуруҳида иштирок этган респондентлар қисқа муддатли тажриба-синов дастури асосида ўқитилгандан кейин олган билимлари асосида индивидуал малака ошириш траекториясини лойиҳалаштириб, уни амалга ошириш босқичларини, натижасини таҳлил қилиш йўллариини тушунтириб бердилар. Тингловчилар билан тажриба синов муддатидан ташқари ҳам узлуксиз равишда телеграм онлайн груҳи орқали касбий ривожланишига ва эҳтиёжларини аниқлашга, давр талабларига авоб берадиган инглиз тили ўқитувчи бўлиши учун ўрганишнинг фаннинг қайси имкониятларидан фойдалиш керак эканлиги тўғрисида билимлар бериб борилди.

### **3.2-§. Тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили**

Тадқиқот иши тажриба-синов ишларининг якуний босқичида бир неча босқичли тажриба-синов ишларини олиб бориш орқали эришилган натижаларнинг ҳаққонийлиги ва ишончилигини аниқлаш мақсадида таҳлилга алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов ишлари асосида умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчилари малака ошириш тизимини такомиллаштириш, узлуксиз малака оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, индивидуал малака ошириш

траекториясини лойиҳалаш, уни амалга ошириш шарт шароитлари, касбий эҳтиёжларни аниқлашда диагностика алгоритми, кредит-модул тизимида малака оширишнинг ижобий томонлари, индивидуал малака ошириш траекториясини лойиҳалашга доир тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолияти ўрганилиб борилди, уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш динамикаси кузатилди. Индивидуал малака ошириш траекториясини амалга ошириш имкониятлари ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Тажриба-синов жараёнида назорат гуруҳларида 346 нафар, тажриба гуруҳларида 354 нафар тингловчилар иштирок этишди. Тажриба-синов ишлари давомида тажриба ва назорат гуруҳларидаги натижалар таққосланди. Олинган тажриба-синов натижалари математик статистика ёрдамида таҳлил қилинди ва умумлаштирилди. (3.1-жадвал)

### 3.1-жадвал

**Тажриба-синов жараёнида танланган гуруҳлардаги тингловчилар сони ва ривожланиш кўрсаткичлари**

Тажриба-синов майдончалари худудий МОИлар	Тингловчилар сони	Тажриба гуруҳи			Тингловчилар сони	Назорат гуруҳи		
		Юқори	Ўрта	Паст		Юқори	Ўрта	Паст
Самарқанд	128	47	66	15	126	19	38	69
Фарғона	125	41	75	12	122	22	36	64
Наманган	101	35	58	8	98	24	26	48
Жами	354	123	199	35	346	65	100	181
<b>Умумий ўртача</b>	<b>118</b>	<b>41</b>	<b>63</b>	<b>12</b>	<b>115</b>	<b>22</b>	<b>33</b>	<b>60</b>


Ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларнинг математик-статистик таҳлилини амалга оширишда Стюдент-Фишер критериясидан фойдаланилди (3.2-жадвал).

### 3.2-жадвал

**Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба-синов ишлари  
яқунидаги умумий кўрсаткичлар**

Гуруҳлар	Тингловчилар сони	Даражалар		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	118	41	63	12
Назорат гуруҳи	115	22	33	60

**3.3-жадвал** жадвалда келтирилган ўртача қийматларни диаграмма кўринишида ифодалайлик (3.1-расм).



**3.1-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг самарадорлик  
натижалари**

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1- ва 2-танламалар деб олсак, қуйидаги кўринишдаги қаторларга эга бўламиз.

$X_i, n_i$


1-категория:	$X_i$	юқори;	ўрта;	паст;
(тажриба гуруҳи)	$n_i$	41;	63;	12;

$n=118$

2-категория:	$X_i$	юқори;	ўрта;	паст;
(тажриба гуруҳи)	$n_i$	22;	33;	60;

$n=115$

Ушбу категорияларга мос таққослашни чизма орқали ифодаланса куйидаги кўринишни олади (3.2-расм).



**3.2-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг таққослаш кўрсаткичлари**

Статистик таҳлилни тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди. 3.2-расмда кўрсатилган кесмалардан англаш мумкинки, танламалар учун тўғри келадиган ўртача қийматлар ҳам  $X > Y$  шартини қаноатлантиришини олдиндан кўрсатиб турибди. Ушбу ҳолатни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз.

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i X_i = \frac{1}{118} (41 \cdot 5 + 63 \cdot 4 + 12 \cdot 3) = \frac{1}{118} (205 + 252 + 36) = \frac{493}{118} \equiv 4,17 \approx 4,2$$

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i X_i = \frac{1}{115} (22 \cdot 5 + 33 \cdot 4 + 60 \cdot 3) = \frac{1}{115} (110 + 132 + 180) = \frac{422}{115} \equiv 3,66 \approx 3,7$$

Юқоридаги формула асосида ҳисобланган натижага таянадиган бўлсак, тегишли формулалар ёрдамидаги ҳисоблашлар натижасида олинган

$X=4,2$  ва  $Y=3,7$  қийматлар тажриба гуруҳидаги олинган ўртача кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги олинган натижалардан катта эканлигини билдиради.  $X > Y$  мана шундай изоҳланса бўладиган натижага эришилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳар икки категория учун тарқоқлик коэффициентлари ҳисоблаб чиқилди. Бунинг учун аввал, танланма дисперциялар аниқланди.

$$\begin{aligned} \overline{D} &= \sum_{i=1}^3 \frac{n(x - X)^2}{n-1} = \frac{41(5-4,2)^2 + 63(4-4,2)^2 + 12(3-4,2)^2}{118} = \\ &= \frac{41 \cdot 0,69 + 63 \cdot 0,04 + 12 \cdot 1,44}{118} \approx \frac{28,9 + 2,52 + 17,28}{118} \approx \frac{48,7}{118} \approx 0,41 \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \overline{D} &= \sum_{i=1}^3 \frac{n(x - X)^2}{n-1} = \frac{22(5-3,7)^2 + 33(4-3,7)^2 + 60(3-3,7)^2}{115} = \\ &= \frac{22 \cdot 1,69 + 33 \cdot 0,09 + 60 \cdot 0,49}{115} \approx \frac{37,18 + 2,97 + 29,4}{115} \approx \frac{69,55}{115} \approx 0,61 \end{aligned}$$

Юқоридаги дисперцияларни ҳисоблаш натижасида олинган  $D_n=0,41$  ва  $D_n=0,61$  қийматларга кўра ўртача квадратик четланишлар топилди:

$$S_x = \sqrt{0,41} = 0,64 \qquad S_x = \sqrt{0,61} = 0,78$$

Ушбу натижалар асосида тажриба ва назорат гуруҳлари учун ҳисобланган кўрсаткичлар қуйидаги кўринишни олади.

$$C_y = \frac{S_n}{X} = \frac{0,64}{4,2} \approx 0,15 \qquad C_n = \frac{S_n}{X} = \frac{0,78}{3,7} \approx 0,21$$

Агар ушбу статистик ҳисоблашнинг қийматдорлик даражасини  $\alpha=0,06$  деб олсак, у ҳолда ҳам тажриба гуруҳида ўртача кўрсаткич натижа назорат гуруҳидагидан юқори бўлиши аниқланди. Натижани асослайдиган бўлсак,

$$\Phi(t) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2 \cdot 0,06}{2} \approx 0,44$$

ушбу тенгликдан аниқлайдиган бўлсак,  $t=1,64$ .

Агар тажриба ва назорат гуруҳи учун баҳолашнинг ишончли четланишлари кўриб чиқиладиган бўлса,

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{D_x}{\sqrt{n}} = 1,64 \cdot \frac{0,41}{\sqrt{118}} = \frac{1,64 \cdot 0,41}{10,9} \approx 0,06$$

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{D_x}{\sqrt{n}} = 1,64 \cdot \frac{0,61}{\sqrt{115}} = \frac{1,64 \cdot 0,61}{10,7} \approx 0,09$$

бўлганини кўриш мумкин.

$$\bar{X} - \Delta_x \leq a_x \leq \bar{X} + \Delta_x$$

Тажриба гуруҳи учун

$$4,2 - 0,06 \leq a_x \leq 4,3 + 0,06$$

$$4,14 \leq a_x \leq 4,36$$

Назорат гуруҳи учун



$$3,7 - 0,09 \leq a_x \leq 3,7 + 0,09$$

$$3,61 \leq a_x \leq 3,79$$

Ушбу натижалардан кўриниб турибдики демак,  $\alpha=0,06$  деб олинган қийматдорлик даражаси тажриба гуруҳидаги кўрсаткич назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, тажриба-синов ишлари, илгари сурилган илмий фараз яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат жиҳатдан кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Маълумки,  $\bar{X}=4,2$ ;  $\bar{Y}=3,7$   $\Delta_x = 0,15$   $\Delta_y = 0,21$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{хсб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{4,2 - 0,15}{3,7 + 0,21} = \frac{4,05}{3,91} = 1,03 \geq 1 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (4,2 - 0,15) - (3,7 - 0,21) = 4,05 - 3,49 = 0,56 > 0;$$

Олинган натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичи ҳисобланганда ривожланиш динамикаси самарадорлиги баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

$$\frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{Y}{3} \cdot 100\% = \frac{4,2}{3} \cdot 100 - \frac{3,7}{3} \cdot 100 = \frac{37,5}{3} \approx 12,5\%$$

Демак, юқорида келтирилган тажриба-синов ишларининг статистик таҳлиллари  $\xrightarrow{\hspace{10em}}$  умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини

индивидуал малака ошириш траекторияси асосида ошириш орқали такомиллашади, деган илмий фаразнинг тасдиқланганлигини кўрсатади.

### **Учинчи боб бўйича хулосалар**

1. Тадқиқот мақсадининг амалга ошганлик даражасини ўрганишда, Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчилари малака ошириш тизимини такомиллаштириш учун амалиётда синаб кўрилган индивидуал таълим траекторияси асосида малака оширишнинг афзалликлари, ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотивнинг ортиши, касбий эҳтиёжларидан келиб чиқиб индивидуал малака ошириш имкониятига эга бўлишнинг ташкилий-педагогик босқичларини такомиллаштириш йуналишларида ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг ишончлилигини тасдиқлашда Стьюдент-Фишернинг математик-статистика методидан фойдаланиш мумкинлиги амалда кўрсатиб берилди.

2. Тадқиқот доирасида ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекторияси асосида такомиллаштириш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришни Стьюдент-Фишернинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

3. Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда: олинган натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичи ривожланиш динамикаси самарадорлиги баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Жумладан, тажриба гуруҳидаги ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагига нисбатан 12,5 % га ортиқлигини таъкидлаб тақлиф этилаётган механизм самарадорлиги исботланди.

## ХУЛОСА

“Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш механизмларини индивидуал ёндашув асосида такомиллаштириш” мавзусида олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг компетенцияси мазмуни давр талаблари (таълимнинг интеграциялашуви, ахборотлар трансформацияси, коммуникация, мактаб таълимидаги стратегик мақсадлар)дан келиб чиққан ҳолда динамик ўзгарувчанликка эга. Бу ўз навбатида, умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий фаолиятига қўйилаётган талабларнинг ортиб бориши, уларнинг малакасини оширишга замонавий ёндашувни, барча ресурслардан оптимал фойдаланишни, компетентлилик даражасидан келиб чиқувчи касбий ривожлантириш дастурлари орқали узлуксиз малака оширишига шароит яратишни тақозо этади.

2. **“Индивидуал касбий ривожланиш траекторияси бу – таълим муассасаси ҳамда педагогнинг шахсий, касбий ресурсларига асосланувчи, педагогнинг янги давр талабларига мослашиб боришига, касбий фаолиятидаги мавжуд тўсиқларни енгиб ўтишига ҳизмат қилувчи, индивидуал тажрибада мавжуд бўлган билимлар, усуллар ва ҳаракатларга таяниб ўзи учун янги вазиятни яратиши, шахсий концепциясини очиб йўли”** назарда тутилади;

3. Индивидуал касбий ривожланиш траекторияси давомийлик (24/7 режими), индивидуаллик (эҳтиёжга асосланган ўқув дастурлари ҳамда якка тартибда малака ошириш)ни назарда тутди. Уни амалий жиҳатдан йўлга қўйиш қуйидаги кетма-кетликка: таълим муассасасида зарур бўладиган таълим ресурслари ва имкониятларини аниқлаш → педагоглар томонидан

индивидуал траекторияси (режа)ни ишлаб чиқиш → педагогнинг касбий ривожланиш траекториясини баҳолашга асосланади.

4. Ҳозирда «ҳаёт давомида ўқиш» тамойилига ўтишда мамлакатдаги мавжуд малака ошириш муассасаларида:

- андрагогика таълими ва малака ошириш муассасалари раҳбар ва ходимларнинг таълим (ўқув) хизматлари маркетинги соҳасидаги билими нинг етишмаслиги;
- андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг бозор талабларига тез мослашувчан тузилма эмаслиги;
- андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларининг педагогларида индивидуал ва ижодий ташаббусларини камлики, муаллифлик курсларининг йўлга қўйилмагани;
- малака ошириш жараёнида анаънавий таълимнинг устувор бўлиб қолгани, масофавий таълимнинг заифлиги, 24/7 шаклидаги реал вақт режимида ишлайдиган малака ошириш шакллари нинг йўқлиги;
- андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларидаги намунавий дастур ва ишчи дастурларга асосий буюртмачи давлат эканлиги;
- тингловчиларнинг таълимий эҳтиёжлари инобатга олинмаслиги;
- андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида мустақил ёки ярим мустақил хўжалик ҳисобида фаолият юритишни ташкил қилиш тажрибасининг мавжуд эмаслиги;
- андрагогика таълими ва малака ошириш муассасаларида пиар (жамоатчилик билан алоқа)ни заифлиги каби муаммолар мавжудлиги аниқланган.

5. Ҳозирда мавжуд малака ошириш муассасаларидаги муаммоларни ҳал этиш, «ҳаёт давомида ўқиш» тамойилини амалда йўлга қўйиш малака ошириш жараёнига “anytime/anyplace/anypace”, яъни “исталган вақтда/исталган жойда/исталган графикда” тамойилини жорий этиш зарурати юзага келган. Мазкур зарурат сабабли ҳамда бугунги мураккаб (вақт тифизлиги, транспорт ҳаракатларининг фаоллиги, пандемия ва бошқа шу каби омиллар) шароит туфайли малака оширишнинг билвосита шакл ва моделларининг ривожланиш тенденцияси ортиб бормоқда.

6. Мамлакатимизда билвосита малака ошириш шакл ва моделларини жорий этиш учун бир қатор омиллар тўсқинлик қилмоқда. Улар:

- мамлакатимизда интернет тезлигининг пастлиги ва нархининг қимматлиги;
- билвосита малака оширишаётган аудитория психологияси ва уларга мўлжалланган таълим методикаларининг тадқиқ этилмагани;
- билвосита малака оширганликни аниқлашнинг назорат механизми ҳамда олган билимларни баҳолаш ва сертификатлашнинг ҳисоб механизмлари мавжуд эмаслиги кабилар ҳисобланади.

7. Тадқиқот иши жараёнидаги хулосаларга кўра, инглиз тили ўқитувчилари касбий фаолиятида тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва гапириш (Writing, reading, listening, speaking) лардан Writing – ёзув, reading – ўқишда муаммо йўқ эканлиги, аммо listening – тинглаб тушуниш ва speaking – гапириш аксарияти учун қийинчилик туғдириши, айниқса, республиканинг вилоят қишлоқларида фаолият олиб бораётган инглиз тили ўқитувчиларида муаммолар етарли.

8. Инглиз тили ўқитувчиларининг касбий ривожланиш траекториясини шакллантиришда касбий диагностикани тўғри ташкил этиш, таълим мазмунини лойиҳалашда тингловчиларининг касбий қийинчиликлари ва

эхтиёжларини инобатга олиш, касбий диагностикани амалга оширишда асосий фактор ташқи таъсир асосида педагогнинг касбий эҳтиёж ва муаммоларини аниқлаш ва унинг моҳиятини англаш, уларни қондириш йўлларини топишга амалий кўмаклашиш бўлса, ўз-ўзини танқидий баҳолаш, касбий фаолиятдаги камчиликларни англаш орқали касбий диагностикани амалга ошириш, малака оширишнинг барча ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда узлуксиз касбий ривожланишда натижадорликка эришиш ва рағбатлантириш механизмларининг мукамал вариантини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

9. Тадқиқот жараёнида ўтказилган касбий диагностика бугунги инглиз тили ўқитувчиларида куйидаги касбий эҳтиёжлар мавжуд эканлигини кўрсатди: CEFR имтиҳонини қандай топшириш ва унга тайёрланиш йўналишлари; хорижий тилни ўқитиш методлари; Cefr бўйича 5 та, Ielts бўйича 4 та skills, ингиз тили амалий кўникмаларини баҳолаш йўллари.

10. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларини узлуксиз касбий ривожлантиришда барча масъул субъектлар мавжуд назарий ва амалий муаммоларни аниқлаши, малака оширишга бўлган эҳтиёжларни ўрганиши ва унга таъсир этувчи омиллар (иш тажрибаси, касбий ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган мотивлар, касбий фаолиятидаги қийинчиликлар ва компетенциявий бўшлиқлар) ва малака оширишнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш асосида малака ошириш буюртмаларини шакллантириш масъулиятини ошириш зарур.

11. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекторияси асосида малака оширишини ташкил этишда тингловчиларнинг индивидуал хусусиятлари, имкониятларини, ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишда бугунги давр талаблари ва ҳудудий омилларни инобатга олган ҳолда малака ошириш шакли, усуллари ва вақтини эркин

танлашига имконият яратиш, шунингдек, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган курсларни ташкил этиш механизмини йўлга қўйиш қисқа муддатларда самарали натижа беради.

12. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг индивидуал таълим траекториясини тузишга қулай шароит яратиш мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш самарадорлиги ва натижадорлигига бўлган масъулиятнинг ортиши, ўз мақсадини тўғри англаган ҳолда белгилай олиши, амалга ошириши, ўз-ўзини ривожлантиришга мотивациянинг ортишини кўрсатди.

13. Мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг касбий билимларини ва амалий кўникмаларини қисқа фурсатларда самарали ривожлантириш учун республикамиздаги барча мактаб инглиз тили ўқитувчиларини касбий фаолиятдан ажралмаган ҳолда доимий тарзда узлуксиз ривожлантириб боришни таъминловчи малака ошириш механизмини яратиш зарур.

Мазкур диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ёндашувлар келгусида тизимни янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қўйидаги тавсияларга эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатди:

– умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчилари малака ошириш жараёнларини ташкил этишда касбий фаолият кўрсаткичлари ҳамда ҳудудий омиллардан келиб чиққан ҳолда индивидуаллаштириш;

– умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчиларининг компетентлик даражасидаги бўшлиқлар, шахсий ва касбий ўзини-ўзи ривожлантиришга бўлган эҳтиёжлар траекториясини белгилаш асосида мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш таълими мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни такомиллаштириб бориш ва унга мос вариатив ўқув дастурларини ишлаб чиқиб, амалиётга кенг жорий этиш;

- 18-36 соатлик мақсадли курсларни узулуксиз ташкил этиш;
- малака ошириш дастурлари таркибидаги модулларга ўқувчиларни ўқитишнинг замонавий методларини қўшиш;
- инглиз тили фани ўқитувчилари учун яқин ҳудудларда тренерлик асосида малака ошириш курслари ташкил қилиш;
- малака ошириш жараёнида инглиз тили фани ўқитувчиларини CEFR имтихонига мукамал тайёрлашни йўлга қўйиши зарур.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 14-сон, 213-модда, 22-сон, 406-модда.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, (24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, (29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 февралдаги «Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ф-22-сон фармойиши – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, (29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 711.2020 й., 06/19/5712/3034-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

стратегияси тўғрисида»ги Фармони – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5538-сон фармони – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 06/18/5538/1840-сон, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги ПФ-3431- сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 21-сон, 250-модда, 2005 й., 37-38-сон, 282-модда; 2009 й., 10-11-сон, 105-модда; 2011 й., 9-сон, 84-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармони – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6108-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 07/20/4884/1484-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4963-сон Қарори – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, (26.01.2021 й., 07/21/4963/0064-сон).

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон Қарори – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, (20.05.2021 й., 07/21/5117/0472-сон).

13. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 19 январдаги «Хорижий тилларни ўрганишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 34-сон Қарори – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, (20.01.2022 й., 09/22/34/0048-сон).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884 сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 07/20/4884/1484-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон Қарори. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3289-сонли қарори. - Г. Халқ сузи. - Тошкент, 27.9.2017. - № 194.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон қарори. – Қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси, 06.09.2018 й., 07/18/3931/1841-сон, 04.05.2019 й., 07/19/4306/3078-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон Қарор – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 711.2020 й., 06/19/5712/3034-сон.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги “Халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида 25-сонли Қарори. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 18.01.2022 й., 09/22/25/0033-сон;

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 25-сонли Қарори. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6-7-сон, 39-модда; 2011 й., 25-сон, 260-модда; 2012 й., 33-34-сон, 390-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.06.2019 й., 09/19/473/3258-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 августдаги “Халқ таълими тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 234 – сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 34-сон, 433-модда; 2015 й., 52-сон, 646-модда

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрда қабул қилинган “Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1026-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.12.2017 й.,

09/18/1026/0497-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/822/3840-сон.

23. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахмий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 104 б.

24. Халқ таълими вазирининг 2021-йил 19-апрелда “Халқ таълими ходимларини касбий ривожлантиришнинг замонавий турлари ва шаклларини кенг жорий этиш тўғрисида”ги 118-сонли буйруғи

25. Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг қарори (30.05.2018 й., №253/2).

27. Болонская декларация. Зона европейского высшего образования. Совместное заявление европейских министров образования. г.Болонья, 19 июня 1999 года.

### **Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

28. Асқаров А.Д. Халқ таълими ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш. Педагогика фан. фал док. ... Дис. - Т.: 2017. – 52 б.

29. Александрова Е. А. Психологическое и педагогическое сопровождение : индивидуальная траектория развития // Народное образование. 2014. № 9. С. 180–187.

30. Абдуқуддусов О. Малака ошириш тизимида педагогик инновациялардан фойдаланиш // Халқ таълими. – Тошкент, 1999. – №6. –

Б.49-52.

31. Александрова Е. А. Эволюция методов и приемов воспитания: 1917–2017 // Сибирский педагогический журнал. 2017. № 6. С. 7–14; Александрова Е. А. Путь ребенка к самому себе : индивидуальная траектория // Социальная педагогика. 2015. № 3. С. 32–39.

32. Абдуллаев А.Х., Н.С. Раҳимов, М.О. Хадаев. “Катта ёшдаги ахолини ўқитиш марказига: қадам-бақадам”, Тошкент, 2013 йил 55-бет.

33. Артикбаева З.А. Малака ошириш тизимида математика ўқитувчиларининг касбий-методик кўникмаларини такомиллаштириш. Педагогика фан. ном. ... Автореферат. - Т.: 2004. – 10 б.

34. Бережная С.К. Вариативный подход к повышению квалификации педагогических работников профессиональной школы: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Ярославль: 2000. - 18 с.

35. Бачина О.В. Организация вариативно –модульной системы повышения квалификации педагогов дефектологического профиля. Дисс. д.пед.н. – Томбов.: 2002. – 257 с.

36. Бакли Р., Кэйпл Дж. Теория и практика тренинга. – Питер: СПб, 2002. – 352 с.

37. Богданова С.В. Вариативность повышения квалификации учителей в области новых информационных технологий.: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Москва: 1997. - 19 с.

38. Волкова О.В. Индивидуальная образовательная траектория как инновационная модель профессионального развития учителя начальных классов. <http://academy.edu.by/files/do%20ikspres/Volkova.pdf> (мурожаат қилинган сана: 17.12.2019)

39. Вдовина С. А., Кунгурова И. М. Сущность и направления реализации индивидуальной образовательной траектории // Интернет-журнал

«Науковедение». 2013. № 6 (19). С. 1–8. URL: <http://naukovedenie.ru/PDF/40PVN613.pdf> (мурожаат килинган сана: 17 .05.2018).

40. Гаязов А. С. Индивидуальные траектории и современное образование // Система профильного обучения в школах Республики Башкортостан: Опыт, проблемы, перспективы / С. А. Гаязов. Уфа; Нефтекамск: РИО РУНМЦ, 2008. С. 26–28

41. Гулбоев А.Т., Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш. Педагогика. фан. ном. ... Дис. –Т.: 2010. - 4 б.

42. Гончарова А.С., Чумечова Р.М. Организация индивидуальной образовательной траектории обучения бакалавров // Вестник НГПУ. – Новосибирск, 2012. – №2. – С. 3-11.

43. Дехканова М.У., Касб-хунар таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш жараёнига тизимли ёндашув. Педагогика фан. ном. ... Автореферат. - Т.: 2005. – 8-9 бб.

44. Долженко О.В. Университет и образование и профессиональное развитие педагога // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2014. – №1. – С. 39-45

45. Жуманиёзова М.. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг педагогик асослари. Педагогика фан. ном. ... Автореферат. - Т.: 2007. – 18-19 бб.

46. Зеер Э.Ф. Психологическое сопровождение профессионального становления предпринимателей по ремесленным видам деятельности // Э.Ф. Зеер, Д.П.Заводчиков, АМ.Павлова. – Екатеринбург: “РГППУ” , 2005. – 170 с.

47. Зарипов К.З. Педагог кадрлар малакасини ошириш давр талаби. – О. “Совет мактаби”, 1989. №4., 13-15 б.

48. Ибрагимов А.А. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини кўп векторли ёндашув асосида такомиллаштириш. Педагогика фан. фал док. ... Дис. - Т.: 2018. – 52 б.

49. Исакова О. А. Индивидуальная образовательная траектория школьника как средство достижения личностных результатов: автореф. ... канд. пед. наук: 13.00.01. СПб., 2015. 27 с.

50. Ибляминова М.Р., Дефиниция содержания понятия «индивидуальная образовательная траектория» методом контент-анализа. Изв. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Акмеология образования. Психология развития. 2019. Т. 8, вып. 4(32).

51. Иноятов У.И. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашда замонавий ёндашувлар // “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги респ. илмий-амалий конф. мат. тўп. – Тошкент, 2017. – Б. 11- 14.

52. Исроилов Р.Б. О системе повышения квалификации учителей в Узбекистане. – Ташкент: Ўқитувчи, 1975. -96 с.

53. Йўлдошев. Ж.Ф. Методик ишларни қайта қуриш – замон талаби. – О. “Совет мактаби”, 1990. №8., 15-18 б.; Йўлдашев Ж.Ф. Узлуксиз таълим: малака ошириш муаммолари ва ечимлари. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1991. -47 б.

54. Йўлдошев. Ж.Ф. Малака ошириш тизими сифати ва самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари. “2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида малака ошириш тизими сифати ва самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент, 2008 йил 23 май. 15 б.

55. Йўлдашев Ж.Ф. Малака ошириш ва қайта қуриш. – О. “Совет мактаби”, 1991. №8., 5-7 б.

56. Йўлдашев Ж.Ф. Малака ошириш – таълим-тарбия омили – Тошкент.:



Ўқитувчи, 1993. – 136 б.

57. Коростиянец Т.П. Технология формирования профессионально-педагогической компетентности будущих учителей математики по индивидуальным образовательным траекториям // Педагогическое мастерство: материалы V междунар. научн. конф. (г. Москва, ноябрь 2014 г.). М. : Буки-Веди, 2014. С. 258–261.

58. Ковалёва Т.М. Профессия «тьютор». / Т.М. Ковалёва, Е.И. Кобыща, С.Ю. Попова (Смолик), А.А. Теров, М.Ю. Чередилина – М.-Тверь: «СФК-офис», 2012. – 246 с.

59. Клокар Н.І. Методика вивчення професійних запитів педагогів у міжтестастійний період: метод. посіб. / Н.І. Клокар. — Біла Церква: КОПОПК, 2007. — 92 с.

60. Казакова, Е.И. Теоретические основы развития общеобразовательной школы (системно-ориентационный подход): автореф. дис. ... пед. наук / Е.И. Казакова. – СПб., 1995. – 32 с.

61. Knowles M., Holton E., Swanson R. The Adult Learner: The definitive classic in adult education and human resource development. London, New York, etc.: ELSEVIER Butterworth Heinemann, 2005. 378 p. (in Eng.)

62. Ключарев.Г.А. Формирование общества, основанного на знаниях. Новые задачи высшей школы. Доклад Всемирного банка. М.: Весь мир, 2003; Непрерывное образование и потребность в нем /: Наука, 2005.

63. Лысуенко С.А., Индивидуальная траектория профессионального развития как условие успешной профессиональной подготовки. Муниципальное образование: инновации и эксперимент. №3• 2015. С - 7-10. <file:///C:/Users/user/Downloads/individualnaya-traektoriya-professionalnogo-razvitiya-kak-uslovie-uspeshnoy-professionalnoy-podgotovki.pdf>

64. Маскаева, А.М. Проектирование ИОТ обучающихся / А.М.Маскаева

// Инициативы 21 века. – 2010. – №3. – С.23-24.

65. Маматқулов Д.М. Малака ошириш жараёнида умумтаълим мактаб раҳбарларининг мафкуравий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед. фан. бўйича фал. док. ... дис. –Т.: 2018. –143 б.

66. Мирсолиева. М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед. фан. док. ... дис. –Т.: 2019. –143 б.

67. Маматқулова К.М. Умумтаълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини оширишда эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштириш. Пед. фан. бўйича фалсафа док.(PhD)... дис. автореф.–Т.: 2021. –30 б.

68. Махмудов Ш.Қ., Санакулов З.И., Шайхисламов Н.З., Қаршиева Д.Э. Cluster in pedagogical education. "Science and Education" Scientific Journal October 2020 / Volume 1 Issue 7. 587-593. <https://openscience.uz/index.php/sciedu/article/view/567>

69. Нишонов М.Н. Повышение квалификации педагогических кадров и задачи институтов усовершенствования учителей. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. - 39 с.

70. Нуриддинов Б., Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари.. Педагогика фан. ном. ... Афтореферат. - Т.: 2002. – 10 б.

71. Норлиев Р.И. Миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир хусусиятлари. Автореферат. фалсафа фан. ном. дисс. – Т.: 2011. - 10 - бет.

72. Норбоев Э., Малака ошириш ва ҳаёт заррати. “2004-2009 йилларда Мактаб таълмини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида вайта

тайёрлаш ва малака ошириш тизими сифати ва самарадорлигини ошириш: муаммолар, изланишлар ва ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент, 2005 йил 27-28 май. 41-43 бб.

73. Орлова О. Н. Становление и развитие системы повышения квалификации учителей религии в Германии (на примере федеральной земли Северный Рейн-Вестфалия) : Дисс. к.п.н. / О. Н. Орлова. – Курск, 2007.

74. Раджиев А. Малака оширишда “хаёт давомиди ўқиш” тамойили амал қилади. <https://yuz.uz/news/malaka-oshirishda-hayot-davomida-oqish-tamoyili-amal-qiladi> (мурожаат қилинган сана: 22.12.2020).

75. Рахмонов Н.Р. Из опыта повышения квалификации учительских кадров в Узбекистане. Ташкент. Ўқитувчи, 1971. – 6-16 с;

76. Раҳманкулова Н. Халқ таълими тизимида узлуксиз малака ошириш жараёнларини ташкил этиш масалалари. “Таълимда менежментнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий конференция тўплами. Тошкент, 2019 йил 17 май. 11-13 б.

77. Радионова, Н.Ф. Исследование проблем высшего педагогического образования как путь совершенствования многоуровневой подготовки специалиста в сфере образования / А.П. Тряпицына, Н.Ф. Радионова // Подготовка специалиста в области образования: Научно-исследовательская деятельность в совершенствовании профессиональной подготовки: коллективн. моногр. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 1999. – Вып. VII. – С. 7-17.

78. Renton, Jane. Coaching and Mentoring: What They Are and How to Make the Most of Them. — New York : Bloomberg Press, 2009. — ISBN 9781576603307

79. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О., Ҳ.Ж.Рўзиев. Замонавий таълим технологиялари. Т.: “Фан ва технология нашриёти”, 2013., 24-бет. Жами 200-бет.

80. Раҳимов Ф.Х., Инглиз тилининг Ўзбекистонда тарқалиши (социолингвистика ва парагматик жиҳатлари).. Педагогика фан. док. ... Дисс. - Т.: 2018. – 54 б.

81. Суртаева Н. Н. Технология индивидуальных образовательных траекторий (на уроках химии) // Химия в школе. 2001. № 5. С. 12–17.

82. Саидкулов Ш. Ўзбекистонда ўқитувчилар малакасини ошириш тизими таълим жараёнини табақалаштиришнинг педагогик асослари. Пед.ф.н. ... ёзилган дисс. – Т.: 1994. –119 б.

83. Sanakulov, Z. (2020). Comparison of German and Uzbek word formation methods (on the example of abbreviations). UzACADEMIA SCIENTIFICMETHODOICAL JOURNAL, 1(1), 45-50.

84. Sanakulov, Z. (2020). Lexicographic Aspects of the Word Formation System of German and Uzbek Languages. International journal of Word Art, (3), 142-151.

85. Тимошина Т. А. Концепция выстраивания индивидуальной образовательной траектории студента // Педагогика и психология как ресурс развития современного общества: сб. ст. 2-й Междунар. науч.- прак. кон. (Рязань, 7–9 окт. 2010 г.). Рязань, 2010. С. 315–320.

86. Титова, С. В. Мобильное обучение сегодня: стратегии и перспективы. // Вестник Московского университета: Сер.19: Лингвистика и межкультурная коммуникация. – 2012, N1. –С. 9-23.

87. Тошев. С., “Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ислохотларининг муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференция тўплами. Тошкент , 2004 йил 28-29 май. 25 б.

88. Тошпўлатов М. Кластер: моҳият, самара ва истиқбол. <http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/53616-klastr-mohiyat-samara-vaistiqbol>

89. Умаров М., Малака оширишда касбий диагностика. “Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида замонавий мазмун ва методларни такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари” мавзусидаги Республика илмий конференция тўплами. Тошкент , 2010 йил 12-13 май. 21-23 бб.,

